



**ЯНГИ  
САҲИФА:  
СЕРЖАНТЛАР  
16-БЕТ**

**ОЛИМПИАДА  
ЎЙИНЛАРИ  
МАШЪАЛАСИ  
ЁҚИЛДИ  
19-БЕТ**



Олимпиа паркидаги машъала

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*



**POSTDA**

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2006 йил 11 февраль, шанба • 6 (3640)-сон

# ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

**523 ЙИЛ**

**1483**

**1530**



Даврон мени ўткарди  
сару сомондин,  
Айирди бир йўла мени  
хонумондин.  
Гаҳ бошимга тоғ,  
гаҳ балои таъна,  
Неларки бошимга  
келмади даврондин.

\*\*\*

Неча бу фалак солғуси  
гурбатқа мени,  
Ҳар лаҳза тугангусиз  
машаққатқа мени.  
Не чора қилай, нетайки,  
тенгри гўё,  
Меҳнатни манга ёр этти,  
меҳнатқа мени.

\*\*\*

Давлатқа етиб  
меҳнат элин унутма,  
Бу беш кун учун ўзингни  
асру тутма.  
Борғонни кел эмди  
ёд қилмай, эй дўст,  
Бориш-келишингни  
лутф этиб ўксутма.

\*\*\*

Ҳижрон аро неча нома  
тахрир қилай,  
Хома тили бирла ҳол  
тақрир қилай.  
Хуш улки сўзум санга  
десам воситасиз,  
Сен андау мен мунда,  
не тадбир қилай?



**POSTDA-TV**



**МУНАЖЖИМЛАР  
БАШОРАТИ**  
Келгучи ҳафта учун  
**20-БЕТ**

# ПРОФИЛАКТИК ИШЛАР ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

*Наманган шаҳар ҳокимлигида «Вилоят худудида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, террорчилик, қўпуровчилик ҳаракатлари ҳамда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашда ички ишлар идоралари ходимлари ва жамоат тузилмалари вакиллари ва ҳамкорликдаги фаолиятини бевоқифа милиция таянч пунктларида ташкиллаштириш, профилактика инспекторларининг иш самарадорлигини ошириш» мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди.*

Дастлаб тадбирга ташриф буюрган вилоят ҳокими Икромхон Нажмидинов ва республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал-майор Турсунхон Худойбергеновлар меҳнат ярмаркаси фаолияти билан танишдилар. Шунингдек, Наманган шаҳар ҳокимлиги биноси олдида шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан жойлардаги профилактика инспекторларига совға қилинган энгил автомобиллар ва замонавий компьютерларни кўздан кечириб, маҳалла посбонлари билан суҳбатлашди.

Шундан сўнг тадбир ҳокимлик мажлислар залида давом этди. Уни вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Аҳмаджон Усмонов олиб борди. Вилоят ИИБ ҲООб бошлиғи, полковник Мусохон Оппоқов профилак-

тика хизмати ролини кучайтириш борасидаги республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори бажарилиши юзасидан вилоятда амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берди. Йиғилганларга милиция таянч пунктлари фаолиятига доир видеоларча намойиш этилди.

Вилоят ҳокими Икромхон Нажмидинов республика Президентининг Халқ депутатлари Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқида, ички ишлар ходимлари зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда кенг халқ оммасига суянаётгани тўғрисида гапириб, профилактика инспекторлари халқимизнинг энг ишончли ёрдамчисига айланиши зарурлигини таъкидлади.

Республика Ички иш-

лар вазирининг ўринбосари, генерал-майор Турсунхон Худойбергенов вилоятда бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталар экан, тинчлик-осойишталикни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олишда профилактика инспекторлари билан жамоат тузилмалари вакиллари ҳамкорлигини кучайтириш, уларнинг иш самарадорлигини ошириш бугунги кун талаби эканлигини айтиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, айна пайтда вилоятда 395 та милиция таянч пункти фаолият кўрсатмоқда. Энг чекка қишлоқларда ташкил этилган масканлар ҳам керакли алоқа воситалари билан таъминланган. Уларда хизмат қилаётган 411 нафар профилактика инспектори маҳалла фуқаролар йиғинла-

ри раислари, фаоллар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонлари билан биргаликда иш юртишмоқда. Йиғилишда сўзга чиққанлар улар фаолиятини янада такомиллаштиришда суд ва прокуратура идоралари ходимлари иштироки ҳам зарурлигини таъкидлашди.

Тадбир иштирокчилари жойларда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, ёшларни турли ёт гоёлар таъсиридан сақлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, турли спорт ва ҳунармандчилик тўғрисида жалб этиш, шу орқали ўсмирларда меҳнатга муносабатни шакллантириш учун ҳамжиҳатликда ишлашга келишиб олишди.

**Ф. МАМАЖОНОВ,**  
майор.

## МИШ-МИШ ВА ҲАҚИҚАТ

# ХАВОТИРГА ЎРИН ЙЎҚ

*Тошкентда кучли zilzila юз берармиш, деган миш-мишлар кўпчиликни хавотирга солиб қўйди. Шунинг учун вазиятни ойдинлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Сейсмология институти директори Қ. Н. Абдуллабековга мурожаат этдик.*

— Ҳамма нарса яратганнинг қўлида, — деди Қаҳорбой Носирбекович, — Аллоҳ биз инсонларга ақл-заковат ато этган. Ақлимизни, билимимизни ишга солиб, ернинг сир-асрорини билишга ҳаракат қилаёلمиз. Зилзиланинг юзга яқин аломати маълум. Тоғ жинсларининг физикавий хусусиятлари, ер ости сувларининг кимёвий таркиби, электромагнит майдони импульсларининг ўзгаришлари шулар жумласидандир. Ўзбекистондаги сейсмик станцияда бу ўзгаришлар мунтазам тадқиқ қилиняпти.

Бугунги кунда ваҳимага ўрин йўқ. Шунга айтилаётгани, яқин қисқа муддат ичида Тошкентда кучли zilzila бўлиши кутилмайди.

Ўз мухбиримиз.

## ҚАРОР ВА ИЖРО

**Сурхондарё вилоятининг миришкор деҳқонлари жорий йил ҳам галла майдонларидан сара дон олишни мўлжаллашган. Яхши ният билан ерга қадалган уруғ бир текис униб чиқишига эришилди. Далаларда кўм-кўк бўлиб яшнаб турган майсаларни парваришlash учун барча агротехник тадбирлар сифатли олиб борилмоқда.**

Вилоят ИИБ ходимлари галла майдонлари пайҳон қилинишининг олдини олиш борасида бободехқонларимизга мададкор бўлишмоқда. Шу мақсадда тадбирлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, вилоят ички ишлар бошқармасида штаб ташкил этилган. Ички ишлар ходимлари фуқаролар ўртасида Вазирлар Маҳкамасининг экинларни пайҳон қилишга қарши кураш чораларини кучайтириш бўйича қабул қилинган қарорини кенг кўламда тарғиб қилмоқдалар. Жойлардаги милиция таянч пунктлари профилактика инспекторлари томонидан чорва моллари бўлган 17 минг нафардан ортиқ киши галла пай-

ҳонига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилди. Аммо олиб борилаётган чора-тадбирларга қарамай айрим фуқароларнинг беғамлиги ҳамда эътиборсизлиги натижасида галлазорларнинг

қорамоли сўйилиб, гўштни тумандаги 12-Меҳрибонлик уйига топширилди. Шунингдек, тумандаги Работ ширкат хўжалигининг Работ маҳалласида яшовчи М. Эргашевнинг 35 бош майда шохли моллари галлазорга тушиб, 0,33 га экинзорни пайҳон қилиб, 70 минг сўм зарар етказган. Унга 9400 сўм миқдорда жарима солиниб, 3 бош майда шохли моли сўйилиб, гўшти «Орзу» болалар боғчасига топширилган.

Тадбир бошлангандан бугунги кунга қадар сўйилган моллар сони 4 тадан ошди, 29 нафар мол эгалари 211 532 сўм жарима тўладилар. Лекин шунга қарай қилиш керакки, айрим қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари «одамгарчилик» қилиб, айбдорларга нисбатан энгил жазо белгилаш билан кифояланишмоқда. Бундай қилиш ярамайди, албатта.

Пайҳонга йўл қўйиб, қонунга зид иш кўраётганларга нисбатан қатъий чоралар кўрилаверади.

**А. ЭШМЎМИНОВ,**  
капитан.

# ПАЙҲОНГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

пайҳон этилиши ҳолатлари аниқланмоқда. Мазкур ҳолатлар бўйича қонунбузарларга нисбатан чоралар кўриляпти.

Жумладан, Бойсун туманидаги Кофрун маҳалласида яшовчи Х. Солиқовнинг 5 бош қорамоли 0,02 га галла майдонини пайҳон қилиб, 75 минг сўм зарар келтирган. У қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан 9400 сўм миқдорда жаримага тортидди ва бир бош

қайд қилиш керакки, айрим қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари «одамгарчилик» қилиб, айбдорларга нисбатан энгил жазо белгилаш билан кифояланишмоқда. Бундай қилиш ярамайди, албатта.

## СУРАТЛИ АХБОРОТ

*Лейтенант Жонибек Самандаров Хоразм вилоят ИИБнинг ахборот марказида хизмат қилади. У ўзининг меҳнатсеварлиги, хизмат вазифасига масъулият билан ёндашиши туфайли ҳамкасбларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда.*

— Тарихий ҳужжатлар билан ишлаш ниҳоятда қизиқарли, — дейди Жонибек Самандаров. — Халқ осойишталигини таъминлашда фидокорона меҳнат қилган кўплаб жасур инсонларнинг ёрқин ҳаёт йўли биз каби ёш ходимлар учун ибратлидир.

Жонибек Самандаров ўз хизмат фаолиятини бекаму кўст адо этиш билан бирга вилоят ички ишлар тизими тарихини кенг тарғиб қилишда ҳам фаоллик кўрсатмоқда.

*Суратда: вилоят ИИБ ахборот маркази махсус фондлар гуруҳи инспектори, лейтенант Жонибек Самандаров (чапда) ЙҲХБ 1-сафарбарлик гуруҳи ЙПХ инспектори, катта сержант Наримон Каримов билан хизмат пайтида.*

Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.



# ЁШ «ДИНАМО»ЧИЛАРНИНГ ЮТУҒИ

Маълумки, вояга етмаганлар ва ўсмирлар ўртасида спортга эътиборни кучайтириш турли қонунбузарликларнинг олдини олишда ишончли омил бўлмоқда. Бу борада Андижон вилояти Избоскан туманида катта тажриба тўпланган. Туман ички ишлар бўлими Пойтуғ шаҳри марказидаги ўйингоҳни ўз таркибига олди. Эндиликда мазкур ўйингоҳда фаолият олиб бораётган клублар, спорт секцияларида иштирок этаётган ёшлар «Динамо» спорт жамияти шарафини ҳимоя қилмоқдалар.

Избосканлик ёш «Динамо»чиларнинг ўтган йили кўлга киритган ютуқлари катта бўлди. Жумладан, пойтуғлик Мавлонбек Қаҳҳоров, Т. Мамажонов номли маҳалла фуқаролар йиғинидан Муҳаммадқодир Собировлар Таиланд шаҳрида бўлиб ўтган «Муай-тай» бўйича жаҳон биринчилигида олтин медалга сазовор бўлишди. Тўрткўл қишлоғидан Дилшодбек Мирзаев эса кумуш медал соҳиби бўлди. Жаҳон биринчилиги ғолиблари бўлган бу спортчиларнинг барчаси айна кунларда халқаро спорт устаси

сифатида Ўзбекистон терма жамоаси шарафини ҳимоя қилишяпти.

Бугунги кунда избосканлик «Динамо»чиларнинг ўндан ортиғи спортнинг турли йўналишлари бўйича халқаро мусобақаларда республика шарафини ҳимоя қилмоқдалар. Яқинда Тошкент шаҳрида «Муай-тай» бўйича бўлиб ўтган республика чемпионатида Шерзод Сотқинов 2-ўринни, Жасур Абдуллаев билан Фирдавс Ҳошимов 3-ўринни эгаллаб, битта кумуш, иккита бронза медаллари билан қайтишди.

Азизхон БУЗРУКОВ.

## БУЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Сўз санъатининг беназир намо- яндаси, мутафаккир шоир, адо- латпарвар арбоб, ўзбек адабий ти- лининг асосчиси, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллу- дининг 565 йиллиги республика- мида, хусусан, ички ишлар идо- раларида ҳам кенг нишонланмоқ- да. Улуғ шоирга бағишланган тад- бир республика ИИВ Академияси- да ҳам бўлиб ўтди.

Тантанали тadbирни ИИВ Ака- демияси бошлигининг ўринбоса- ри, полковник Н. Расулов кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик алломанинг ижодий фаолияти ҳақида қисқача гапириб, Навоийнинг адабий ме- росига жаҳон адабиёт аҳли ва мух- лислар томонидан қизиқиш тобо- ра кучайиб бораётганини таъкид- лади.

Ўзбекистон халқ шоири, Али- шер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, «Му-

лоқот» журналининг бош муҳарри- ри Барот Бойқобиловнинг улуғ ал- лома ҳақидаги фикрлари қизгин кутиб олинди. У ёшлар буюк шо- ирни севиш, фахрланиш билан кифояланмасдан, пурмаъно ибо- раларини ўқиб-ўрганишлари, иб- рат олишлари, ҳаётда қўллашлари лозимлигини айтиб ўтди.

Адолатли давлат арбобининг юрта тинчлик ва осойишталикни сақлаш йўлидаги хизматлари ҳақида, Академия профессори, полковник Ш. Фойбназаров йиғил- ганларга гапириб берди.

Академия тингловчилари Наво- ий ғазалидан намуналар ўқиб бер- дилар. Таниқли санъаткорлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ар- тистлар Тожибар Азизова, Анвар Ганиев ва хонанда Дилшод Бой- хоновлар Навоий ғазаллари билан айтилаётган кўшиқлари билан дилларни хушнуд этишди.

Ўз мухбиримиз.

## ЎЗИГА ХОС САБОҚ

Республика ИИВ Академияси Олий академик курсида навбатдаги машғулотлардан бири ўзига хос тарзда ўтди. Унда вазирликнинг ХТ ва ОАВБАК бошқармаси бошлиғи, полковник А. Шарипов, ИИВ Бирлашган таҳририяти ва Матбуот маркази вакиллари қатнашишди. А. Шарипов тингловчилар- га бошқарманинг фаолият йўналишлари ҳақида га- пириб берди. Турли лавозимларда узоқ йиллар иш- лаб, тўплаган бой тажрибаси билан ўртоқлашди. Ички ишлар идораларида ўтказилган текширувлар чоғида аниқланган камчиликлар, Андижон воқеаларидан ке- либ чиқадиган сабоқлар хусусида тўхтади.

— Сиз бўлажак раҳбарсиз. Шунинг учун ҳар қачон эсин- гиздан чиқармангки, раҳбар ўзига ҳам, қўл ости- дагиларга ҳам талабчан бўлиши лозим. Ҳар бир берган топшириқ ва кўрсатмангиз қандай бажа- рилганини, ўзингиз бошчилик қилаётган ички ишлар идорасидаги аҳволни вақти-вақти билан шахсан текшириб турунг. Ҳеч қачон изланишдан, ўз устингизда ишлашдан тўхтаманг, — деди А. Шарипов йиғилганларга мурожаат қилар экан.

Нотиқ йиғилганларнинг суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларга оид саволла- рига жавоб қайтарди. Бундай қимматли йўл-йўриқ ва маслаҳатлар тингловчиларга келгуси фаолият- ларида асқотиши шубҳасиз. Учрашув чоғида, шу- нингдек, вазирлик нашрларида чоп этилаётган материаллар борасида ҳам фикр алмашинди, уларни янада мазмундор, ранг-баранг қилиш бўйи- ча фойдали таклифлар айтилди.

Маъмуржон АБДИЕВ,  
катта лейтенант.

Ўзбекистон Республи- каси ИИВ Академиясида Республика илмий- оммабон ва хужжатли фильмлар киностудияси бошқаруви раиси, тарих фанлари номзоди Ш. Муродова, таниқли кинорежиссёр, профес- сор Ш. Аббосов, драма- тург ва бош муҳаррир Т. Юнусов, киноопера- тор А. Зоҳидов ва бошқа киноижодкорлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Тadbирда ўнлаб бади- ий фильмлар ижодкори, кинорежиссёр. Ш. Аббо-

## КИНОЧИПАР БИПАН УЧРАШУВ

сов сўзга чиқиб, ҳуқуқ- тартибот ходимлари ҳаёти ва фаолиятидан суратга олинган «Ажал сўкмоғи» фильмининг яратилиши ҳақида га- пириди.

— Фильмнинг бирин- чи қисми «Огоҳликка даъват» деб номланган бўлиб, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари-

нинг гиёҳвандлик модда- ларининг ноқонуний савдосига қарши олиб борган ишлари акс этти- рилган, — дея изоҳ бер- ди Ш. Аббосов. — «Айбим нима?» деб номланган иккинчи қисмида гиёҳ- вандлик балосига йўлиқ- қан ёшлар ва улардан майиб-мажруҳ бўлиб ту- гилган болаларнинг

аянчли қисмати на- мойиш этилади. «Умр- буюк иноят» деб номлан- ган учинчи фильмда эса инсоннинг жамиятда тутган ўрни, ибратли ҳаёт кечириш ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар юритилиб, маҳалларда амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳикоя қилинади.

Фильм Москвада ўтказилган фестивалда бирин- чи ўрин олган. Бунга асо- сан ҳуқуқ-тартибот ходим- лари фаолиятидан олин- ган хужжатли фильмлар бош омил бўлган.

Киноижодкорлар йи- гилганларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Шунингдек, улар Акаде- мия тингловчилари ва сер- жантлар таркибини тайё- рлаш Олий курсларига доир хужжатли фильм яра- тиш режаси ҳақида ўртоқ- лашдилар.

Ўз мухбиримиз.

## «01» ХАБАР ҚИЛАДИ

Етти кун мобайнида республикаимиз ҳудудида 173 тага яқин ёнгин содир бўлди. Етказилган моддий зарар миқдори 8 млн. сўмдан ортиқроқни таш- кил этди. Турли сабаблар- га кўра юзага келган офат- ларда 4 киши куйиш тан жароҳати олди, 6 киши бевақт ҳаётдан кўз юмди.

1 февраль куни Анди- жон тумани Март маҳал- ласида истикомат қилув- чи А. Каримовнинг хона- донида рўй берган ёнгин оқибатида уйнинг қури- лиш қисмлари ва жиҳоз- лар зарар кўрган. Ушбу ҳодиса ёш бола назорат- сиз қолиб, гугурт ўйнаши туфайли содир бўлган, деб тахмин қилинапти.

3 февраль куни Анди- жон шаҳрида яшовчи Ж. Исаковнинг хонадони- да ёнгин чиқиб, уйнинг том қисми, шифт ва уй жиҳозлари ёнган. Текши- рилганда иситиш печи но- созлиги сабабли мўрида ти- рқишлар пайдо бўлиб, улардан ўчмай қолган уч- кун заррачалари чиққани ва чордоқдаги ёнувчи буюмлар ўт олгани аниқланди.

Шу кун Самарқанд шаҳрилик Р. Багирован- нинг хонадонида газли иситиш печидан фойда- ланиш ва ёнгин хавфсиз- лиги қоидалари қўпол равишда бузилганлиги сабабли ёнгин келиб чиқ- қан. Натижада уйнинг 50 кв. метр майдондаги том қисмлари зарар кўрган.

Бундай ҳолатлар айрим фуқароларнинг бепарво- лиги ва эътиборсизлиги туфайли қайд этилмоқда. Ёнгин хавфсизлиги қоида- ларига риоя этишни унут- майлик!

Даврон ҚАМБАРОВ,  
капитан.

## ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Тошкентда «Наркотик воси- талар, психотроп моддалар ва прекурсорларни ноқонуний ишлаб чиқариш, айлантириш, истеъмол қилишни назорат этиш соҳасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисидаги ме- морандум»га қўшилган давлат- ларнинг Еттинчи учрашуви бўлиб ўтди. Унда ушбу хужжат- га қўшилган давлатлар - Ўзбе- кистон, Қозоғистон, Қирғи- зистон, Тожикистон, Туркма- нистон, Озарбойжон, Россия, шунингдек, БМТнинг Нарко- тик моддаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармасидан вакил- лар, қатор хорижий мамлакат- лардан кузатувчилар, мамлакат- тимиз ҳуқуқ-тартибот органла- ри ходимлари, республикаимиз- да фаолият юритаётган дипло- матик корпус вакиллари, жур- налистлар иштирок этди.

Анжуманни Ўзбекистон Рес- публикаси ташқи ишлар вази- ри Э. Ганиев бошқарди.

Бугунги кунда гиёҳванд мод- даларнинг ноқонуний савдоси халқаро хавфсизлик ва барқарорликка жиддий таҳдид сола- ётган трансмиллий хавфга ай- ланган. Бу муаммага қарши фа- қат изчил ҳамкорликда кура- шилгандагина кутилган нати- жага эришиш мумкин. Прези- дент Ислом Каримов кўп бор

таъкидлаганидек, хавфсизлик йўлида кенг кўламли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш- ни давр тақозо этаётгир.

«Наркотик воситалар, пси- хотроп моддалар ва прекурсор- ларни ноқонуний ишлаб чиқар- иш, айлантириш, истеъмол қилишни назорат этиш соҳаси- да ўзаро англашув ва ҳамкор- лик тўғрисидаги меморандум» 1996 йил май ойида Тошкент- да Марказий Осиёнинг беш давлати (Ўзбекистон, Қозо- гистон, Тожикистон, Туркма- нистон, Қирғизистон) ва БМТнинг Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноят- чиликнинг олдини олиш бош- қармаси томонидан имзоланган эди. Кейинчалик унга Россия Федерацияси ва Озарбойжон қўшилди. Бу билан гиёҳванд моддаларни назорат қилиш бо- расидаги халқаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш учун катта имконият яратилди.

Гиёҳванд моддаларнинг но- қонуний савдоси ҳақида гап кетганида, аввало, Афғонистон тилга олинади.

— Афғонистон ҳамон халқаро миқёсдаги гайриқонуний наркобизнеснинг таянч нуқта- си бўлиб қолаётгир, — деди БМТнинг Наркотик моддаларни назорат қилиш ва жиноят- чиликнинг олдини олиш бош-

қармаси ижрочи директори ўринбосари Сумру Ноян хоним. — 2005 йилда бу мамлакатдан 420 тонна героин ва морфин экспорт қилинган. Шунинг 100 тоннадан ортиғи Марказий Осиё, яна шунчаси Покистон, 200 тоннадан кўпроғи эса Эрон ҳудуди орқали ўтган.

Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф. Мухаметшин- нинг таъкидлашича, дунёда етиштирилаётган «қора дори»- нинг қарийб 87 фоизи Афғо- нистон ҳиссасига тўғри келади. БМТнинг расмий маълумотла- рига кўра, 2005 йилда бу мам- лакатда 4100 тонна кўкнори етиштирилган. Бундай гиёҳванд моддаларнинг муайян қисми «шимолий йўналиш» бўйича, яъни Марказий Осиё ва Россия орқали Европага чиқмоқда. Аф- гонистон ҳукумати ва бу мам- лакатдаги хорижий контингент томонидан қилинаётган ишлар эса оғуфурушликка қарши ку- рашда кескин бурилиш ясаи олмаётгир.

Гиёҳванд моддаларнинг но- қонуний айланишига қарши курашда турли халқаро ташки- лотлар, хусусан, Шанхай ҳам- корлик ташкилоти (ШХТ) ҳамда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти доира- сидаги ҳамкорлик муваффақи-

ятли кечмоқда. Жумладан, 2004 йилда ШХТга аъзо мамлакат- лар ўртасида наркотик модда- ларга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида хужжат имзоланган.

Аммо, наркобизнес ҳамон халқаро террорчиликнинг мо- лиявий таянчига айланиб бор- моқда. Марказий Осиё давлат- лари халқаро террорчилар то- монидан қўллаб-қувватланган наркомафиянинг нишонла- ридан биридир. Масаланинг муҳим томони шундаки, нар- котик моддаларни Фарб давлат- ларига етказиш йўллари айнан шу минтақа орқали ўтмоқда.

Халқаро ҳамжамият ва минтақа давлатлари Афғо- нистонда етиштирилаётган гиёҳванд моддалар миқдори ортиб бораётгани туфайли қийин вазиятга дуч келаётгир. Ўзбекистон раҳбарияти нар- котрафикнинг олдини олиш- да муайян ҳудудлар бўйлаб «хавфсизлик камари» барпо этишнинг ўзи кифоя қилмас- лигини кўп таъкидлаган. Му- аммони биринчи навбатда Афғонистон иқтисодиётини тубдан янгилаш ва ривож- лантириш, аҳолини фойдали меҳнатга жалб этиш орқали ечиш мумкин.

Айтиб ўтиш жоизки, БМТ Бош қотиби Кофи Аннанинг

2002 йил октябрь ойида Ўзбеки- стонга ташрифи чоғида Прези- дент Ислом Каримов наркотик моддаларнинг ноқонуний айла- нишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ах- борот-мувофиқлаштириш мар- казини тузиш ташаббусини ил- гари сурган эди. Бугунги воқелик мазкур ташаббуснинг нечоғли муҳим ва долзарб эканини кўрсатмоқда. Маълумотларга қараганда, 2005 йили БМТ то- монидан ушбу марказни тузиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилиб, ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Анжуманда ахборот-муво- фиқлаштириш марказининг тузилиши билан боғлиқ ҳуж- жатлар кўриб чиқилди. Марказ тузилиши гиёҳванд моддалар- нинг ноқонуний айланишига қарши курашнинг зарур чора- тadbирларини ишлаб чиқиш, бу борадаги ҳамкорликни фаоллаштириш борасида му- ҳим аҳамият касб этиши таъ- кидланди.

Учрашув якунида Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқону- ний айланишига қарши кура- шиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқ- лаштириш марказини тузиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Фозлиддин АРЗИЕВ,  
ЎзА мухбири.

# ТАШАББУС БОР ЖОЙДА...



Қарши шаҳар маҳалла марказида иш қизғин

Тан олиш керак, раҳбар қайси соҳага эътиборни кучайтирса, ўша жабҳада қувончли натижалар қўлга киритилаверади. Қашқадарё вилояти ҳоқими Нуриддин Зайниев ҳоқими меҳнат аҳли томонидан ҳар бир жабҳада эришилаётган ютуқлар, аввало, юрт тинчлиги ва осойишталиги, жамоат тартиби сақланишига боғлиқ эканлигини чуқур ҳис этади. Шу боис ҳам ана шу масъулиятли вазифани сидқидилдан бажараётган ички ишлар ходимларини қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириб боришга ҳаракат қилаёпти. Айниқса, айнан аҳоли

Фузур тумани Иқбол Эгамбердиев маҳалласидаги 63-милиция таянч пункти бинолари қайта таъмирланди. Айни пайтда мазкур масканларда профилактика инспектори, маҳалла оқсоқоли, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи, маҳалла посбонлари ва яраштириш комиссияси биргаликда фаолият юритиши учун барча шароитлар яратилган. Қизлар курсларда миллий хунармандчиликни ўрганаётган бўлишса, ўғил болалар футбол, волейбол, шахмат-шашка ва бошқа спорт турлари билан шу-

ғулланишяпти. Ҳатто бадий гимнастика зали ҳам бор.

Жойларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда вилоят ҳоқимлигида марказий компьютер пулти ишга туширилгани яхши самара берапти. Унинг афзаллиги шундаки, тизим тармоқ орқали яқин ўртадаги милиция таянч пунктларидаги компьютерларга уланган. Маҳаллаларда рўй бераётган ҳар бир ўзгариш, айтилик фуқаро, яшаш жойини ўзгартирса, ҳудудда бирор янги корхона очилса, паспорт тартиботи текшириляётганда бирор ноҳуш ҳолат аниқланса ёки бошқа маълумотлар дарҳол марказий пултга киритилади. Бу эса профилактика инспекторлари ишини анча осонлаштиряпти.

Бугунги кунда воҳадаги 286 та милиция таянч пунктнинг учтаси замонавий усулда бунёд этилди. Қолганлари эса мослаштирилган ҳолда қайта таъмирланиб, зарур жиҳозлар билан таъминланди. Муборак тумани «Тонг» маҳалласидаги 274-милиция таянч пункти «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллади. Профилактика инспекторлари томонидан аҳоли ўртасида доимий равишда ўтка-

зилаётган профилактик тадбирлар натижасида ўтган йили 88 та маҳаллада умуман жиноят қайд этилмади. Шунга ўхшаш ютуқлар қўлга киритилишида ташаббускор, ўз ишининг жонкуяри бўлган вилоят ҳоқимининг муносиб ҳиссаси бор.

**У. ОЧИЛОВ,**  
вилоят ИИБ  
ҲООБ бошлиғи ўринбосари,  
майор.

## ЮКСАК ИШОНЧ БЕЛГИСИ

Ички ишлар тизимлари орасида профилактика хизмати алоҳида ўрин тутди. Овул ёки маҳалла аҳли билан ҳамкорликда фаолият юритувчи профилактика инспекторлари ҳақида айтиляётган илиқ фикрлар эса мазкур касб эгаларига билдириляётган юксак ишонч белгисидир. Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ҲООБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Абдиқарим Бердекеев бу ҳақда шундай деди:

— Эл ишончини қозонган ходим қайси ҳудудда ишлаганин, дарров кўзга ташланади. Икклими оғир Мўйноқ тумани ИИБ ҲООБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник К. Ундалиев хизмат қилаётган милиция таянч пункти «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллагани ҳам фикримнинг исботидир. Маълумки, ҳукуматимиз томонидан ҳар йили инсонпарварлик тамойилларига таянган Амнистия туфайли озодликка чиққан шахсларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш каби долзарб вазифаларни тезкорлик билан бажариш профилактика инспекторларидан катта масъулият талаб қилади. Чунки бу тадбирлар жиноятчиликнинг олдини олишда асосий омил бўлади.

Ўтган йили қамоқдан қайтган фуқароларга 14 млн. 436 минг сўмдан ортиқ моддий ёрдам пули берилган. Уларнинг тўқсон икки нафари соғлиқларини тиклаб олиш учун шифохоналарга ётқизилди. Шунингдек, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, 548 нафари ишга жойлаштирилди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли жиноятчилик сезиларли даражада камайди. Бу йил ҳам халқимиз осойишталиги йўлидаги хизматимизни бир зум бўлсада сусайтирмаймиз.

Овул, маҳалла, фуқаролар йиғинлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар кенгашлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда янги иш режалари ишлаб чиқилиб, Амнистия шарофати билан қазони ижро этиш муассасасидан қайтган шахсларнинг ижтимоий муҳофазаси билан бир қаторда ёшларни маънавий тарбиялашга қаратилган турли тадбирлар ҳам ташкил этилмоқда.

**Д. ХУДОЙШУКУРОВ.**  
Суратда: Нукус шаҳар ИИБ ҲООБ бошлиғи,  
капитан И. Есемуротов (чапдан иккинчи)  
хизмат пайтида.

**О. ЕРМАНОВ** олган сурат.

**Ички ишлар идораларидаги ислохотлар негизида, аввало, профилактика инспекторларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартибот ишларини бевосита маҳаллаларда ташкил этиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш орқали ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликка қарши курашувчи яхлит тизимни шакллантириш мақсади ётади.**

Фарғона вилоятида бугунги кунда 330 га яқин милиция таянч пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Профилактика инспекторлари билан маҳалла фуқаролар йиғинларининг ҳамкорликда олиб бораётган профилактик-тарбиявий тадбирлари нафақат жиноятнинг олдини олиш, балки фуқароларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилишда

ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Фарғона туманидаги Гулшан қишлоғи қўшни Қирғизистон Республикасининг Қадамжой тумани билан чегарадош. Маҳалла ҳудудида асосан ўзбек ҳамда қирғиз миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Айтиш жоизки, милиция таянч пункти биноси ҳашар йўли билан барпо этилган.

## ҲАМЖИҲАТЛИКДА ГАП КЎП

Бугунги кунда милиция таянч пунктнинг фаолиятини ташкиллаштириш бўйича зарур бўлган барча чора-тадбирлар белгилаб олинган. Шу ернинг ўзида маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, маҳалла ва чегара посбонлари, яраштириш комиссияла-

ри фаолият кўрсатиб келмоқда. Ички ишлар идораларидаги ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири бўлган кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни яхшилаш орқали жиноятларнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳозирги кунда амалда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Фуқаролар милиция таянч пунктларининг ташкил этилишини

ҳисобга олмаганда, ўтган йил давомида жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Милиция таянч пункти қошида спортнинг волейбол, қўл жанги, футбол каби турлари билан қишлоқ ёшлари мунтазам шуғулланиб келишмоқда. Тикувчилик тўрагагида қишлоқ ёшлари мунтазам равишда касб сир-асрорларини ўрганмоқдалар. Милиция таянч пунктида ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтишига эришилаётганлиги туфайли ўтган йили улар томонидан ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилмади. Профилактик ҳисобда турувчи 5 нафар муқаддам судланган ҳамда спиртли ичимлик ичишга ружу қўйган 3 нафар шахслар билан доимий равишда суҳбатлар олиб борилмоқда. Сардор Баҳромжон Жалолов бошчилигида 4 нафар маҳалла посбони, Дилмурод Исроилов, Иқболжон Мақсулов сингари чегара посбонлари ҳудуддаги вазиятни назорат қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика инспекторига яқиндан ёрдам беришмоқда.

Профилактика инспектори, катта лейтенант Ёрқинжон Абдурасулов ҳамда маҳалла аҳлининг милиция таянч пунктини ташкил этиш ва унинг ислохотлар талаблари даражасида фаолият кўрсатишини таъминлаш борасидаги ишлари, сай-ҳаракатлари зое кетмади. Мазкур масканда олиб бориляётган ишлар юқори баҳоланиб, «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловида учинчи ўринга лозим деб топилди.

Бўрибой ОМОНЗОДА.

Вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосарлари, подполковник Пулат Сафаров ва полковник Юсуф Тошбоевлар профилактика инспекторлари фаолиятига баҳо беришар экан, яна бир бор фуқаролар ва маҳалла фаолларини оғоҳликка даъват этиб, маҳалла ҳудудида келиб яшаётган ҳар бир фуқаро назоратга олинishi, улар бирор шубҳали ҳаракатлар қилаётгани сезилса, дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хабар бериш лозимлигини ўқитиб ўтишди.

**Назиржон ЙЎЛДОШЕВ,**  
сержанти.



Профилактика инспектори, катта лейтенант Ёрқинжон Абдурасулов «Бой маҳалла» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шухратжон Меҳмонов (ўнгда) ва маҳалла оқсоқоли Раҳимжон Исроилов билан.

Сирдарё вилояти Оқолтин тумани Сардоба қўрғонидagi 37-милиция таянч пунктида Собир Раҳимов, Алишер Навоий ҳамда Рафур Фулом маҳаллалари профилактика инспекторлари ҳисоб беришди. Йиғилишни туман ички ишлар бўлими бошлиғи, майор Саидахмад Кубаев кириш сўзи билан очди. Туман ИИБ ҲООБ профилактика инспекторлари, майор Алишер Хамдамхўжаев ва лейтенант Музаффар Эргашевлар ўзлари хизмат қилаётган юқоридаги маҳаллаларда 2005 йил мобайнида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот бердилар.

## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИ ҲИСОБОТИ

Вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосарлари, подполковник Пулат Сафаров ва полковник Юсуф Тошбоевлар профилактика инспекторлари фаолиятига баҳо беришар экан, яна бир бор фуқаролар ва маҳалла фаолларини оғоҳликка даъват этиб, маҳалла ҳудудида келиб яшаётган ҳар бир фуқаро назоратга олинishi, улар бирор шубҳали ҳаракатлар қилаётгани сезилса, дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хабар бериш лозимлигини ўқитиб ўтишди.



**Назиржон ЙЎЛДОШЕВ,**  
сержанти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган шунинг ўн еттинчи муносабати билан Амнистия тўғрисида»ги қарорига биноан жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган маҳкумлар оилалари, яқинлари бағрига қайтмоқдалар.

Республикаимиз Президенти Ислам Каримовнинг «Бизнинг энг катта бойлигимиз азиз халқимиздир» деган сўзла-

си Конституциясининг 13 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан республика Олий Мажлиси Сенатининг Амнистия тўғрисидаги қарори қабул қилингани

тилган. 1014 нафар маҳкумлар жазодан озод қилиниши назарда тутилмоқда. Улар орасида аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, мазкур қарор кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркаклар, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар ва бошқа тоифадагилар бор.

Ҳозирда Амнистия туфайли жазони ижро этиш муассасаларидан қайтаётган фуқаролар ички ишлар идоралари томонидан назоратга олинган. Маҳаллаларда фаолият юритаётган профилактика инспекторлари, маҳаллий ҳокимликлар вакиллари, фуқаролар йиғинлари раислари, фаоллар уларга меҳр-мурувват

# МУРАББИЙЛАР БИРИКТИРИЛДИ

Амнистия тўғрисидаги қарор ижросини таъминлаш борасида Қашқадарё вилоятида таллайгина ишлар амалга оширилмоқда. Даставвал ҳуқуқ-тартибот идоралари, ҳокимликлар, тегишли вазирликлар, жамғармалар, маҳалла оқсоқолларидан иборат махсус комиссия тузилиб, тadbирлар дастури яратилди. Дастур асосида ба- жариланган ишлар ҳар ҳафтада таҳлил этилиб, жойларда юзага келаётган муаммо ва камчиликлар бартараф этиб борилмоқда.

Ҳозирги кунга қадар вилоят бўйича жазодан озод этилган 1300 нафарга яқин шахсларнинг 50 нафардан ортгани аёллар, 13 нафарини вояга етмаганлар ташкил этади. Уларни ҳисобга олиш, қисқа муддатда паспорт билан таъминлаш, турар жойидан рўйхатдан

ўтказиш ишлари бекаму кўст амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, ишга жойлаштириш, айниқса, вояга етмаганлар, ёлғиз, бетоб ёки ногиронларга амалий ёрдам кўрсатиш ишлари кенг йўлга қўйилган. Утган вақт давомида 4 киши тиббий муассасаларга ётқизи- либ, соғлиқларини тиклаш учун бе- пул дори-дармонлар билан таъминланди. 150 нафар фуқарога 8.460.000 сўм миқдорда моддий ёрдам берилди. 146 нафари махсус комиссия томонидан ишга жойлаштирилди.

Адашиб, жиноят кўчасига кириб қолган шахслар ҳукуматимиз томонидан берилган имкониятдан тўғри хулоса чиқаришлари- га кўмаклашиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир. Негаки, улар ҳадеганда кўпчиликка арала-

шолмай, ўзларини олиб қочишга ури- нишлари табиий. Шу жиҳат эътиборга оли- ниб, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган 218 на- фар кишининг ҳар би- рига ўзлари яшайдиган жойлардаги ма- ҳаллалардаги обрўли фуқаролардан мураб- бийлар бириктирилди. Ҳозирда ана шу кўпни кўрган инсонлар уларга қимматли мас- лаҳатлар бериб бо- ришмоқда. Шунинг- дек, профилактика инспекторлари маҳал- ла оқсоқоллари, ди- ний маърифат ва маъ- навий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича ҳамкорликда маҳку- мларнинг оилаларидаги муҳитни атрофлича ўрганиб чиқиб, кенг тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Б. ЭРГАШЕВ,  
лейтенант.



## БИРОРТА ИНСОННОЎРИН РАНЖИМАЙДИ

рида кенг маъно бор. Хусусан, мана шу заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг кадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, бирорта киши ноўрин ранжимаслиги кўзда тутилган.

Мустиқиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ ҳукуматимиз томонидан фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида кўплаб гам-хўрликлар кўрсатилмоқда. Билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолганлар, эҳтиётсизлик оқибатида ҳуқуқбузарлик содир этганларга нисбатан ҳам меҳр-мурувват кўрсатилаёпти. Ўзбекистон Республика-

яна минглаб оилаларга шодлик улашиб, йўлдан адашган инсонларни ҳаётга қайтаришга катта имконият яратди.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш борасида Сурхондарё вилояти ИИБ ҲООБ озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо- лар ижро этилишини назорат қилиш бўлими томонидан ҳам амалий чора-тадбирлар кўрил- моқда. Жумладан, ана шу бўлим ҳисобида тур- ган 2400 нафар жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг 1107 нафа- рига Амнистиянинг қисқартириш қисми қўлланилиши кўзда ту-

кўрсатиш, ёрдамга муҳ- тожларга кўмаклашиш, ишга жойлаштириш, оилаларида тинч-тоғув яшашларига шароит яратиш учун бор имко- ниятларни ишга соли- шаяпти. Жойларда Ам- нистия тўғрисидаги қарорнинг мақсад ва моҳияти кенг кўламда тарғиб қилинаёпти. Олиб борилаётган иш- лар аҳоли яшаш жой- ларида тинчлик ва осойишталикни сақ- лаш, ҳуқуқбузарликлар ва қайта жиноят содир этилишининг олдини олишда катта аҳамият касб этишига шубҳа йўқ.

М. ОДИЛОВ,  
капитан.

### МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Андижон шаҳридаги Саноат касб-хунар коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 21 та ташкилот 262 та бўш иш жойлари билан иштирок этди.

Меҳнат ярмаркасида ишлаш истагини билдириб мурожаат қилган 127 кишидан 102 нафарига йўлланмалар берилди. Уларнинг етмиш фоизи хотин-қизлардир. Талбирда жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган фуқароларни ишга жойлаштириш, хунар ўрганиш масканларига жалб этишга алоҳида эътибор берилди.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

## «ХАТОИМНИ АНГЛАБ

### ЕТДИМ...»

Наманган шаҳрида яшовчи И. Эргашали бир танишидан «Дамас» русумли автомашинани ижарага олиб, кира қила бошлади. Бундан кўзлаган мақсади оила тебратиш эди. Машина орқасидан рўзғори ўти турди, бир ўғли ва қизини уйли-жойли қилди. Орттирганини яхши ният билан фарзандлари учун жамғариб қўймоқчи эди. «Тезроқ юрсам кўпроқ пул топаман», деб ўйлади у. Афсуски, Эргашали тезликни оширган вақтда йўлчи- роқнинг қизил чироғи ёниб, авто- мобилларга тўхташ ишорасини билдирган, 11 ёшли Муҳиддин эса йўлни кесиб ўтаётган эди.

Зудлик билан тиббий ёрдам кўрсатилишига қарамай Муҳиддин автоҳалокат натижасида олган тан жароҳати туфайли ҳаётдан кўз юмди. Шундан кейингина нафси қулига айланган И. Эргашалининг кўзи очилди. Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар суди уни 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм ўқиди.

Жазо муддатининг 2 оyi ҳам ўтди. Бу Эргашали учун осон бўлмади. Ҳаётдан эрта кетган Муҳиддиннинг руҳи, келинли- куёвли, неварали кишининг қамоқда ўтириши, уларга ўрناق бўлиш ўрнига «судлан- ган» деган тамғани олиши, ма- ҳалла-қўй олдида бошини ҳам эгди. «Минг югурмай ризқим- ни териб ердим, бировнинг ризқига кўз олайтирмасам ҳам қозоним қайнаётган эди-ку», деган ўй ич-этини тирнарди. Афсуски, вақтни орқага қайта- ришнинг имкони йўқ. Лекин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул

қилинган- лигининг ўн уч йил- лиги муно- сабати би- лан Амни- стия тўғри- сида»ги Қ а р о р и унга хато- сини ан- глаш, туза- тиш ва тақрорла- маслик имкония- тини берди.

— Менга бундай инсонпарвар- лик кўрсатилмаслиги ҳам мумкин эди, — дейди собиқ маҳбус И. Эр- гашали. — Жазо муддатининг 2 ойини ўтаганимда Амнистияга кўра, жиноий жазодан озод этил- дим. Шаҳар ҳокимлиги томонидан 51700 сўмлик моддий ёрдам кўрса- тилди ҳамда ишга жойлашишимга амалий ёрдам берилди. Ҳозирги кунда Наманган тумани Тошбулоқ шаҳарчасидаги «Райҳон» хусусий ишлаб чиқариш корхонасида иш- лаяпман. Бу менга берилган катта имконият. Хатоларимни англаб ет- дим. Бу қадар инсонпарварлик, бағрикенглик учун халқимиз, ҳукуматимиздан миннатдорман.

Кечиримли халқимиз иродаси ўзининг ҳуқуқий ифодасини топ- ди. Тўғри йўлдан адашган, бел- гиланган жиноий жазо муддати- ни ўтаб қайтган собиқ маҳкум- ларнинг кейинги тақдир кўп жиҳатдан маҳалладошларига ҳам боғлиқ. Қишлоқ ва маҳалла фу- қаролар йиғинларида ўтказилаёт- ган йиғилишларда бу тоифа шахсларни маҳалла фаоллари ўз кафилликларига олиб, кенг жа- моатчилик таъсирида тарбиялаш ишларини бошлаб юборишди.

Жобирхон РИЗАЕВ,  
катта лейтенант.

## ТАЗАРРУ

Панжарадан ноумид бокиб,  
Виждон азобида уйга толаман.  
Аламиндан куйиб, тутақиб,  
Онагинам бега оламан.

Пичоқ бориб суякка етди,  
Куз унгимда маъсума Онам.  
Хурсинди-ю, бир қалқиб кетди,  
Кузида ёш деди: «Воҳ болам».

«Сендан умид кул эди, ўғлим»,  
Изирибдан бу бошим гаранг.  
Зирқирайди уятдан бўғим,  
Оегимда юраман аранг.

Онагинам, кечиринг мени,  
Эътиқодим ёрлиги учун.  
Онагинам, кечиринг мени,  
Кузларимнинг қурлиги учун.

Ишонтириб айтаман энди,  
Ватан учун хизмат қиламан.  
Хато йўлдан қайтаман энди,  
Она, сизни Ватан биламан.

Фотима Саифхалимова.

Башарият тарихининг ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий соҳаларида салмоқли ўрин тутган сиймолардан бири буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Бобур Мирзо улуг шоир ва адиб, қомусий илм соҳиби, айна замонда моҳир лашкарбоши ва йирик давлат арбоби ҳам эди. Унинг шеърий девони, «Бобурнома», «Аруз рисоласи», «Хатти Бобурий», «Муабаййин», «Рисолайи волидиййа» (таржима) каби илмий ва бадий баркамол асарлари бизгача етиб келган. Бу асарларнинг ҳар бири ўзбек назми ва насри ривожда муҳим босқични ташкил этиш билан бирга, адабий-бадий адабиётга катта ҳисса бўлиб қўшилган. Улар XV аср охири – XVI аср бошларидаги Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг тарихи, жўғрофияси, этнографияси, ўсимлик ва ҳайвонот олами, халқи, одамларнинг касб-кори, тили, ҳаёт тарзи ва бошқа хусусиятлари ҳақида бебаҳо маълумотларни ўзида мужасам этган манбадир.

Шунинг учун ҳам мазкур асарлар, хусусан, «Бобурнома» кўп асрлардан бери Шарқ ва Ғарб тарихчилари ҳамда бошқа фан соҳалари вакиллари диққат-этиборини ўзига тортган келмоқда. Уларнинг Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон тарихини ўрганишларида муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Бобур, шароит тақозоси билан ўзининг ҳарбий юришларини Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудига кўчирган бўлса ҳам, умрининг охирига қадар Ўрта Осиёга қайтиш фикридан воз кечмади. Унинг 1510 йилда Шайбонийхон Марвда ўлдирилгач, Самарқандга юриш қилиши, кейинчалик Ҳиндистондан туриб ўғиллари (Хумоюн, Комрон, Ҳиндол ва Аскаррий)га тегишли кўрсатмалар бериб тургани бу фикрни тасдиқлайди. Лекин Бобурнинг умидлари рўёбга чиқмади, у она Ватанига қайтиб кела олмади.

Бобур Мирзо 1504 йилда, 21 ёшида Қобулга эгаллаб, у ерда қарор топади. Афғонистонда ўз салтанатини мустақамлайди ва ижод билан шуғулланади. 1519 йилдан 1525 йилгача беш марта Ҳиндистонга юриш қилади ва 1526 йил апрель ойида Панипат шаҳри яқинида бўлган жангда Иброҳим Лўдийни енгиб, Деҳли ва Агра шаҳарларини эгаллайди, Шимолий Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатади.

Шундай қилиб, Бобур 1526 йилда Ганг дарёсидан Амударёгача бўлган ҳудудни бирлаштирган улкан салтанатни вужудга келтирган. Бу давлат кейинчалик унинг ворислари Хумоюн, Акбар, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеб даврида янада кенгайиб, Ғарбда «Буюк мўғуллар империяси» номи билан шуҳрат топган.

Бобур эса бу давлат тепасида атиги беш йилча ҳукмронлик қилиб, 1530 йил 26 декабрда вафот этади. Мана шу қисқа вақт ичида буюк салтанат соҳибининг саломатлиги ёмонлашиб боришига қарамай у катта ижобий ишларни амалга оширишга улгурган эди.

Бобур Агра ва Деҳли шаҳарлари атрофини ободонлашти-



Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тadbиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди. Унинг набираси Акбар яна ҳам дилбарроқ ва кўп яхши фазилатларга эга бўлган. Мард, жасур, истеъдодли лашкарбоши, раҳмдил, шафқатли, идеалист ва ҳаётпараст, шу билан бирга, у ҳаракатчан, ўз ишини давом эттирувчиларнинг садоқатига сазовор бўлиш учун интилувчи одам бўлган.

Улуг ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бизга қолдирган бебаҳо ҳазиналаридан бири «Бобурнома» асаридир. «Бобурнома» фақат тари-

хилма-хил маълумотлар шу даражада кўп учрайдики, илм-фаннинг деярли барча соҳаларидаги мутахассислар бу асардан баҳраманд бўла олади. Бу далилларнинг ҳаққонийлиги туфайли тарихчи ўша даврдаги Ўрта Осиё, Хуросон, Афғонистон, Ҳиндистон тарихига тегишли муҳим маълумотларга эга бўлса, табиатшунос мазкур ўлкаларнинг топографияси, иқтисодий жўғрофиясига оид янгилıklar, ҳайвонот олами билан шуғуланувчилар эса шу мамлакатлардаги ҳайвонот оламига тааллуқли билим ва тасаввурларга эга бўлади: ўсимликшунос ўсимликлар дунёси билан танишади, этнограф шу жойларда яшайдиган турли халқларнинг турмуш тарзи, урф-одатларига доир қизиқарли тафсилотларга дуч

воқеалар манзарасини, тарихий шахсларнинг ташқи, ички қиёфасини моҳирона тасвирлаб, ёрқин ва бетакрор табиат лавҳаларини ранг-баранг бўёқлар ёрдамида ифодалаб беради. Шунингдек, муаллиф турли саргузашт, ривоят ва латифаларни жозибали бадий услуб билан ҳикоя қилади, халқ мақол ва таъбирлари, шеърий парчалар билан ўз асарини безайди. У турли хилдаги бадий услуб ва тил воситаларидан ўринли фойдаланади.

«Бобурнома»даги воқеалар турли вазиятларда ва зиддиятлар орқали ривожланиб боради. Улар бир-бири билан ана шу воқеаларда бевосита иштирок этган Бобур сиймоси орқали боғланади, ўзига хос кульминация ва ечим касб этади. Мана шу хусусиятлари билан «Бобурнома» китобхонни завқ ва ҳаяжонга солади, уни ўзига бутунлай мафтун қилади.

Мухтасар қилиб айтганда, Бобур ўзбек адабиётининг тараққиётига улкан ҳисса қўшган, ўлмас сўз санъаткорларидан биридир. У назмда ҳам, насрда ҳам ижод этди, аруз назарияси, қофия, ҳарб юриши, ислом қонуншунослиги, иқтисодиёт масалаларига доир китоблар билан бирга бадий пишиқ, мазмунан теран асарлар яратди.

Халқимиз узоқ асрлардан буён қадрлаб келадиган мумтоз шоир ва аллома Бобурнинг ижоди айна замонда Ўрта Осиё халқлари билан кўшни Афғонистон, Ҳиндистон халқлари ўртасидаги қадимий тарихга эга бўлган муносабатларнинг узвий халқаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда унинг ижодий меросини дунёдаги кўплаб тадқиқотчилар қаторида афғон, ҳинд тадқиқотчилари, покстонлик, бангладешлик олимлар ҳам кунт билан ўрганмоқдалар. Буюк ватан-

дошимиз ҳақида мазкур мамлакатларда кўплаб илмий асарлар, қисса ва романлар, бадий фильмлар яратилгани, музейлар барпо этилгани, айниқса, диққатга сазовор. Уларнинг барчасини ҳар томонлама ўрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш бобуршунос олимларимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Дарҳақиқат, мустақиллик бизга ана шу кўҳна ва бетакрор тарихимизни чуқур ўрганишга, ўзлгимизни англашга кенг имконият яратиб берди. Биз бугунги кунда жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари улуг аждодларимиз фаолияти ва бебаҳо меросининг ҳозирга қадар пинҳон ётган қирралари билан кенг жамоатчилик, бутун халқимизни ошно этиш шарафига муяссар бўлмоқдамиз.

Саидбек ҲАСАНОВ,  
Ўзбекистон ФА Алишер Навоий  
номидаги Давлат адабиёт музейи  
директори, филология фанлари  
доктори, профессор.

## ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ

# «БОБУРНОМА»

## АСАРИ ХУСУСИДА

риш, Жамна дарёси бўйларига саройлар, қасрлар, ҳаммомлар куриш, боғлар барпо этиш ишларига бош-қош бўлади. Бозорлар, гузарлардан олинандиган тамга солигини бекор қилади, Қобул ва Ғазна шаҳарларини сув билан таъминловчи ва илгари

хий асар эмас. Унда ўша даврдаги бир қатор фанлар жўғрофия, наботот, ҳайвонот, этнография, ҳарбий усул ва бошқаларининг илмий ютуқлари ҳам ўз ифодасини топган. Бобур тоғ

келади, тилшунос ўзбек адабий тилининг, шу даврдаги аҳволини, адабиётшунос эса, шу давр адабий муҳитини тасаввур қила олади.

Ўзининг ана шу фазилатлари билан «Бобурнома» узоқ замонлардан бери бутун дунёда кўплаб соҳа олимларининг диққат-этиборини жалб қилиб келди ва улар томонидан юксак баҳоланди.

Шу билан бирга, «Бобурнома» юқорида айтиб ўтганимиздек, ажойиб насрий асар, ўзбек бадий адабиётининг нодир ёдгорлиги ҳам ҳисобланади. «Бобурнома»нинг асосий тасвир мавзуи, тарихий воқеалардир.

*Жаҳон адабиёти, маданияти ва санъати хазинасини бунёд этиш ҳамда бойишида қадимий ва бой тарихга эга бўлган ўзбек халқининг ҳам муносиб ўрни, бекиёс ҳиссаси бор. Узоқ тарихий жараён давомида халқимиз дунёга кўплаб ажойиб илм-фан, санъат ва адабиёт намояндаларини етказиб берган. Буюк аждодларимиз яратган илмий, бадий, қомусий асарлар неча юз йиллардан буён турли халқлар томонидан мутолаа қилинмоқда, авайлаб, эъзозланиб, асрлардан асрларга ўтиб келмоқда. Шу билан бирга ўнлаб тилларга таржима этилиб, истеъдодли котиблар томонидан кўчирилиб, моҳир мусаввирлар, наққошларнинг мўйқалами билан зийнатланиб, инсоният тафаккурини бойитмоқда, одамларга маънавий завқ-шавқ бағишламоқда.*

бузиб ташланган сув иншоотларини қайта тиклаш учун маблаг ажратади. Аградан Қобулга борадиган савдо йўлининг бехатарлигини таъминлаш мақсадида карвонсаройлар, работлар курдиради. Ўз атрофига олим ва шоирларни тўплаб, уларнинг ижодий ишларига ҳомийлик қилади.

Бобур саройига Ўрта Осиё ва Хуросондан машҳур тарихчи Хондамир, файласуфлардан Абулбакр, шоирлардан Мавлоно Шихоб Муаммой (тахаллуси «Фақирий»), Мулла Бакрий, Видоний, Абдулвоҳид Форигий, Шайх Зайн ва бошқалар келиб, ўзбек ва форс-тожик тилларида ижод қилганлар.

Бобур асос солган салтанат, мамлакатни маълум даражада сиёсий жиҳатдан бирлаштириш, ободонлаштириш ва маданий жиҳатдан юксалтириш нуқтаи назаридан Ҳиндистон учун фойдали бўлган эди.

Машҳур ҳинд давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» ва «Жаҳон тарихига бир назар» асарларида Бобур ва унинг набираси Акбарга юксак баҳо берган. Жумладан, у шундай деб ёзади: «Бобур – дилбар шахс,

ва далалар, кўл-дарёлар, хилма-хил ўсимликлар, ҳайвонлар, турли ҳудуд ва минтақаларнинг ер ости ва ерусти бойликлари, у ерларда яшайдиган халқларнинг урф-одати, тили, адабиёти, санъати, айрим сўзларнинг келиб чиқиши каби масалалар билан ҳам астойдил қизиқади. Муаллиф буларнинг ҳаммасини эринмай кузатади, ўрганади, турли касбдаги кишилардан маълумотлар тўплайди.

Асарда мамлакат ва ўлкалар, шаҳар-қишлоқларнинг сиёсий тарихи билан бирга, табиати, хўжалиги, илм-фани, маданияти ва бошқа жиҳатлари ҳам мукамал тасвирланади. Масалан, муаллиф Қобул вилоятини тасвирлар экан, унинг жўғрофий ўрни, чегаралари, яйловлари, ўсимлик, мевалари, дарё-кўллари, халқи, унинг касб-кори, урф-одати, тили, савдо-сотик ишлари ва бошқалар ҳақида батафсил маълумот беради.

«Бобурнома»да ана шундай



Бироқ Бобур воқеаларни шунчаки санаб ўтиш ёки улар ҳақида маълумот бериш билан чекланиб қолмайди. У тарихий



— **Мухтарам домла, халқаро жамғарма ўтган вақт мобайнида қандай ишларни амалга оширди?**

— Гарчи буюк ўзбек фарзандининг асосий яратувчилик фаолияти, ижоди Ватанидан олисда кечган бўлсада, унинг номи Андижон билан узвий боғлиқдир. Мустақиллик йилларида Бобур номини абадийлаштириш йўлида кўп ишлар қилинди. Бунда Бобур номидаги халқаро жамғарманинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Дунёнинг 20дан зиёд мамлакатига уюштирилган экспедициялар натижасида ноёб илмий маълумотлар тўпланди, 30 дан ортиқ видеофильм суратга олинди, 11 та китоб нашр этилди. Андижоннинг Боғишамолидаги Бобур номи боғда очилган музей фонди анча бойиди. Вилоят раҳбариятининг ташаббусига кўра барпо этилган 300 гектарлик бу боғ шаҳарликлар ва меҳмонларнинг сеvimли дам олиш масканига айланди.

Ташаббускорлар ва бобурийлар истеъодларининг мухлислари, Зокиржон Машрабов раҳбарлигидаги Бобур номидаги халқаро жамғарма янги маълумотлар тўплашда давом этишяпти, Андижондаги музей фондини бойитишга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

— **Бобур ва бобурийлар тўғрисида яратган асарларингиз билан ҳам таништирсангиз.**

— Мен «Бобур изидан» дея номланган дастлабки икки экспедицияда қатнашиб, 300 дан зиёд илмий-оммабоп мақолалар, 20 дан ортиқ китоблар ёздим. Уларнинг аксар қисми Бобурнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. «Бобур ва Юлий Цезарь», «Бобур ва Андижон», «Саёҳатнома» кабилар шулар жумласидандир. Шунингдек, америкалик олимларнинг таклифига кўра бобурийлар давлатининг тарихи ҳақида Огайо ва Индиана университетларида маърузалар ўқиганман.

— **«Бобур изидан» халқаро экспедиция аъзолари зиммасига қандай вазифалар юклатилган эди?**

— Бобур номидаги халқаро жамғарма аъзолари томонидан 1992 йилда уюштирилган дастлабки илмий экспедициядан кўзланган мақсад Бобурнинг Қобул шаҳри яқинидаги қабрини зиёрат қилиш, ўрганиш эди.

*Бобур номи республикамизнинг ҳар бир фуқаросига яхши таниш. Чунки у юртимизнинг гўзал гўшаларидан бири Андижонда таваллуд топган. Ўзининг «Бобурнома» асарида она юртини самимий муҳаббат билан тасвирлайди.*

*Вилоятнинг кенг жамоатчилиги ўзбек адабиётининг мумтоз вакили, қомусшунос олим, саркарда ва давлат арбоби Заҳриддин Мухаммад Бобур таваллуд топган кунни ҳар доим кенг нишонлашади. Бугунги суҳбатдошимиз — Бобур номидаги халқаро жамғарма раёсатининг аъзоси, тарих фанлари номзоди, профессор Сайфитдин ЖАЛИЛОВ бўлди.*

Афғонистон пойтахти атрофида уруш ҳаракатлари давом этаётганига қарамай экспедициянинг 14 кишидан иборат аъзолари ўз олдларига қўйилган вазифани бажаришди, Бобур қабридан бир ҳовуч тупроқ олиб қайтишди. Сўнг бу хок Бобурнинг Боғишамолдаги рамзий қабрига дафн этилди. Кейинроқ буюк лашкарбоши дастлаб дафн

мизга ҳадя этди.

Бугунги кунда Лоҳур, Деҳли, Мозори Шариф, Абу Даби, Киото, Москва, Манчестер, Ўш, Наманган каби шаҳарларда жамғарманинг бўлинмалари фаолият кўрсатяпти. Экспедициялар чоғида бой илмий-тарихий материал тўпланди, жумладан, Андижонга 500 та тарихий китоб олиб келинди. Бобур ва бобурийларга тааллуқли материаллардан ташқари жамғарма Алишер Навоий, Хусайн Бойқаро, Камолиддин

# БИБАҚО МЯРОСИМИЗНИ ИЗЛАБ...

этилган Чобуржи, Аградан ҳам тупроқ намуналари олиб келинди.

Жамғарманинг хориждаги ҳамкорлари, хайрихоҳлари кўмагидаги саъй-ҳаракатлари билан юртимизга нодир қўлёмалар қайтарилди. Масалан, доктор Ян Хазел ва Юрген Андреас ёрдамида Гамбургда сақла-

Бехзод, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний каби буюк зотлар номлари билан боғлиқ қадамжолар ҳам тадқиқ қилинди.

— **Экспедициялар чоғида Бобурнинг авлодлари билан учрашиш, суҳбатлашиш аиниқса, ҳаяжонли бўлгандир.**

— Ҳа, албатта. Ҳиндистонга уюштирилган илк экспедиция чоғида бобурийларнинг авлодлари — Тусийлар оиласини топишга муваффақ бўлинди. Ҳайларобод шаҳрида яшаётган ака-ука Зиёвуддин, Шижовутдин, Масхитдин Тусийлар ва уларнинг онаси Лайло Уммахонимлар 1995 йилда Андижонга ташриф буюришди. Кейинроқ Бобурнинг авлодлари

## Бобурийлар давлати



наётган девонларнинг нусхалари, шунингдек, Бобурийлар ҳукмронлик қилган даврга оид 141 мингта матни олиб келинди. Хуррам Раҳимов Арнольд Хотиггернинг «Буюк Акбар» китобини, ҳиндистонлик олим Қамар Раис эса Бобурнинг 1902 йилда Калькутта шаҳрида чоп қилинган девонини жамғарма-

ридан Лондонда яшовчи Покиза Сумпон Бегим ва унинг синглиси Тоҳира Султон Бегим ҳам топилди.

Экспедиция қатнашчилари тўпланган материаллар асосида бир қатор тадқиқотлар яратишди ва жамғарма кўмагида нашр эттиришди. Япониялик Эйжи Мано «Бобурнома»га бағишланган уч жилдлик таҳлилий асар яратди. Яқинда «Бобур ва унинг даври» номли китоб босмадан чиқди.

Жамғарма томонидан уюштирилган иккинчи экспедиция менда унутилмас таассурот қолдирган. Бу гал «Тойота» автомобилида

йўлга чиқдик. Ҳиротда, Ҳиндистоннинг Деҳли, Калькутта, Агра, Ҳайларобод каби шаҳарларида бўлдик. Бобурнинг қадами теккан жойларни ўргандик, музейларга ташриф буюрдик. Ҳиротда бўлганимизда тарихчи олим Мавлавий Анбарий бизларга шаҳарнинг Шоҳруҳ Мирзо, Султон Хусайн Бойқаро ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ тарихий жойларни кўрсатди. Ўшанда Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Хусайн Бойқаро, Хўжа Абдулло Ансорий каби мўътабар зотларнинг қабрларини зиёрат қилдик.

Ҳиндистон шаҳарларида экспедиция аъзолари олимлар, музей ходимлари билан кўплаб учрашувлар ўтказишди. 332 йил ҳукм сурган Бобурийлар давлати (1526—1858) тарихига доир диққатга сазовор экспонатлар билан танишдик. Бобур 9

тирди. Экспедициямизга юқори баҳо бериб, илмий изланишларимизда муваффақиятлар тилади.

Учрашувлардан бирида Ҳиндистон парламенти аъзоси, профессор Сайфиддин Соод сўзга чиқиб, жумладан шундай деди: «Ҳиндистонда бобурийлар ҳукмронлик қилган давр мамлакатимиз ва халқимиз тарихида ўчмас из қолдирди. Бобур ва бобурийлар сулоласи даврида бунёд этилган муҳташам саройлар ҳозиргача Ҳиндистон шаҳарлари кўрқига кўрк қўшиб турибди. Бобур авлодлари мамлакатимизга ислом цивилизациясини олиб киришди. Бу фан, маданият ва санъатнинг гуркираб ривожланишига сабаб бўлди. Айнан ўша даврда кўплаб мактаблар, касалхоналар, боғ-роғлар барпо этилди, каналлар қазилди, қишлоқ хўжалиги тараққий этди. Бу жараён инглиз босқинчилари мамлакатимизни босиб олгунича давом этди...»

Илмий мавзудаги сўнги суҳбатларимиздан бири Мултон шаҳридаги университетнинг тарих факультетида бўлиб ўтди. Бу тарихий шаҳар Ҳиндистоннинг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, ҳозирда Покистон таркибига киради.

Тарих факультети раҳбари, профессор Ошиқ Мухаммад Дурроний бизни самимий қабул қилди. Бу олим шарқшунослар ўртасида ўзининг бобурийлар салтанати давридаги Мултон тарихига бағишланган илмий мақолалари билан танилган. Олим Бобур ва унинг авлодлари Ҳиндистон халқларига ислом дини билан бирга Шарқ маданиятини, урф-одатларини, тараққиётини олиб кирганликларини алоҳида таъкидлади. Таниқли олимнинг бу сўзларини эшитиб юрагимиз фахр-ифтихор туйғуларига тўлди. Профессор Ошиқ Мухаммад Дурронийнинг ташаббусига кўра Андижон ва Мултон университетлари ўртасида дўстона алоқалар, ҳамкорлик ўрнатилди.

Сўзимни Бобурнинг мақбарасидаги қабр тошига битилган куйидаги рубойиси билан тугатишни истардим:

*Кўндин бериким ёру дийрим йўқтур,  
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқтур,  
Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла,  
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.*

— **Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

**Суҳбатдош: Борис КЛЕЙМАН.**




ўғил ва 9 қизнинг отаси бўлган экан. Фарзандларининг 11 нафари болалигида оламдан ўтади. Қизларидан Гулбаданбегим тарихда ўзига хос из қолдирган. У ёзган «Хумоюннома» асари Бобур ва Хумоюннинг ҳаёти, фаолияти ҳақида ҳикоя қилиб, «Бобурнома»нинг давоми ҳисобланади. Асар тарих, география ва адабиёт бўйича қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

— **Экспедицияга хорижликлар қандай муносабатда бўлишди?**

— Лоҳур шаҳрига борганимизда музей директори профессор Сайфур Раҳмон бизни Бобур ва унинг авлодларига бағишланган экспонатлар билан таниш-

*Таҳририятдан: Жамғарма ходимлари, экспедициялар қатнашчиларининг хизматлари давлатимиз томонидан муносабат билан баҳоланган. Жумладан, ҳамсуҳбатимиз профессор С. Жалилов 1994 йилда «Шухрат» медали, 1998 йилда эса «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланган. Ҳозирда профессор Сайфитдин Жалилов Андижон Давлат университети-нинг Ўзбекистон тарихини ўрганиш бўйича методик марказининг раҳбари. Олимнинг ҳали режалари кўп. Унинг буюк аждодларимизнинг бой меросини тадқиқ қилиш, тўплаш, юртимизга қайтаришдек савобли ишларида муваффақиятлар тилаймиз.*



Йўл ҳаракати қоидаларига амал қилган ҳолда юрсангиз, ИПХ инспектори сизга фақат оқ йўл талаб қолади.

**МУЛОҲАЗА**

**КАЛТАКНИНГ ИККИНЧИ УЧИ**

Тезликни ошириб юборган «Нексия» автомашинасини йўлда ИПХ инспектори тўхтатди.

— Марҳамат қилиб ҳужжатларингизни беринг, — деди у ҳайдовчига ўзини таништириб. — Тезликни меъёрдан ошириб юбордингиз.

— Шошиб турган эдим, — деди ҳайдовчи ўзини оқлашга уриниб. — Ўн беш дақиқа ичида ишхонага етиб боришим керак. Мени эътиборли одамлар қуттишмаяпти.

— Шошқалоқлик қилиб йўлда автофалокат содир этсангиз нима бўлади? — деди назоратчи. — Белгиланган қондан бузганингиз учун маъмурий баённома тузишга тўғри келади.

— Оворагарчиликнинг нима кераги бор, жарима тўлашим керак бўлса ўзингиз билан келишиб қўя қолайлик, — деди ҳайдовчи қувлик қилиб.

— Жаримани менга эмас, ғазнага тўлайсиз, — деди ИПХ инспектори қатъий ва ҳужжатларни расмийлаштира бошлади.

Бугунги кунда йўлларда шунга ўхшаш ҳолатларни кўп қўлатиш мумкин. Баъзан транспорт воситасини бошқараётган ҳайдовчи ҳаракат тезлигини ошириб юборди, йўлчи ошорасига бўйсунмайди, одам ташини, транспорт воситаларини қувиб ўтиш, йўл белгилари ёки йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя этмайди. Бундай пайтда ИПХ инспектори машинани тўхтатиб, тартибга чақиради. Аммо ҳайдовчининг ўзини қўли талабига бўйсунганини истамай, «бошқа қайтармайман, қўйиб юборинг» деб туриб олади, кўнмаса чўнтагига пул солиб бўлса ҳам қутулиб кетишга уринади.

Одамлар орасида ИПХ инспекторлари кўп ҳолларда таъмағирлик қилишади, деган исбот-далилсиз гаплар юради. Чуқурроқ ўйлаб қаралса, уларни шу йўлга ўзимиз бошламаяпмизми? Чунки кўчага билатуриб носоз машинада чиқамиз, баъзиларимизда ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки ишонч қоғози бўлмайди, кези келганда йўл ҳаракати қоидаларини бузамиз. Йўл назоратчилари тўхтатиб тартибга чақиринса чап беришга, турли важларни рўқач қилиб, сувдан қуруқ қиқиб кетишга уринадиганларимиз қанчадан-қанча. Бундай пайтда бурчига солиқ, ўзини англаган, ҳаракатланаётган транспорт воситаси ва йўловчилар тақдирини ўйлаган ИПХ инспектори қонун бўйича иш тутади. Чунки у ҳайдовчининг тезликни ошириб юбориши ёки максад ҳолда руль бошқариши бошқа бир кўнгилсизлик ёки бирор жиноятни келтириб чиқаришини яхши билади. Шу боис ўз сўзида қатъий туради.

**КЎЧМА... ЧОРРАҲА**

**ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ВА БОЛАЛАР**



Хонқа тумани ИИБ ЙХХГ ходимлари йўл-транспорт ҳодисаларида болалар шикастланишининг олдини олишга алоҳида эътибор беришмоқда. Яқинда гуруҳ катта инспектори, катта лейтенант Хушнуд Назаровнинг таклифи билан туман мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти устахонасида мактаблар учун икки кўргазмали воситанинг дастлабки нусхаси тайёрланди. Усталар сунъий чарм материалга тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойи ва чорраҳа тасвирини чиздилар. Унга қўшимча равишда кичик ҳажмли йўл белгилари ва йўлчи оқ йўл белгилари қўйилди.

Йўл ҳаракати қоидалари бўйича амалий машғулотлар ўтказишга мўлжалланган мазкур кўргазмали воситаларнинг қўлайлиги шундаки, ўқитувчи уларни синфнинг ўзида ёки иссиқ кунлар ташқарида қисқа вақт ичида иш ҳолатига келтириши ҳамда йиғиши мумкин.

Комил ОСТОНОЕВ.

Суратда: катта лейтенант Хушнуд Назаров мактаб ўқувчилари билан.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ олган сурат.

Қолаверса ИПХ инспектори ҳақида турли ноҳўя фикрлар билдираётган одамлар масалага бир томонлама ёндошишига эътибор берилган эмас. Калтакнинг икки учи бўлганидек, қонун бўйича пора олган билан бир қаторда уни берган шахс ҳам ноҳўя қилмиши учун жавоб беришига тўғри келади. Чунки Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасига биноан бундай хатти-ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган. ИПХ инспекторининг ҳоли-жонига қўймай, уни йўлдан урмоқчи бўлаётганлар бундан асло унутмасликларини истардик.

Қолаверса ИПХ инспектори ҳақида турли ноҳўя фикрлар билдираётган одамлар масалага бир томонлама ёндошишига эътибор берилган эмас. Калтакнинг икки учи бўлганидек, қонун бўйича пора олган билан бир қаторда уни берган шахс ҳам ноҳўя қилмиши учун жавоб беришига тўғри келади. Чунки Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасига биноан бундай хатти-ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган. ИПХ инспекторининг ҳоли-жонига қўймай, уни йўлдан урмоқчи бўлаётганлар бундан асло унутмасликларини истардик.

**ВАЗИЯТ**

**ҚОНУНИЙ ТАЛАБ БАЖАРИЛИШИ ШАРТ**

Хайрулло эсли-хушли йигит эди. Аммо ичкилик сабаб бўлдию, ҳаёти издан чиқиб кетди. Кечки пайт уйига қайтган Хайрулло ҳордиқ чиқариш учун бир гача «майдалаб» ичди. Сўнгра саҳарда тирикчилик илнжиди «Ауди» русумли машинасида кўчага чиқди.

Йўл чегидида турган танишини кўриб қолиб, машинани тўхтатди.

— Каллаи саҳарлаб ниманинг дардида юрибсан, тинчликми? — сўради ундан.

— Зап учраб қолдинг-да. Газ балонини акамниқига элтиб берсанг.

— Яхши.

У шундай дея машинага балонни ортиб, двигателни ўт олдириди. Икковлон ҳангомалашиб бораётганда Хайрулло ичкилик таъсирида хушёрликни унутди. Тез бораётган машина М. Торобий кўчасидаги «Ситора-Лада» корхонаси олдида «Дамас» билан тўқнашиб кетди. Воқеадан хабар топган йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари тезда шу жойга етиб келишди. Қоғон шаҳар ва туман ИИБ ЙХХБ ИПХ инспектори Фурқат Қурбонов ҳай-

довчининг мастлик даражасини аниқлаш учун тиббий-ёт муассасига олиб борди. У ердан қайтиб келишгач, ундан машина калитини топширишни лиши кераклиги айтилди ёки автомобилни жарима майдончасига ўзи элтиб қўйишини талқиллади.

Қонуний талабга бўйсунганини истаманган Хайрулло Темиров хизматдаги ходимга қўл кўтариб, ноҳўя сўзлар билан ҳақоратлади. Ичкилик аталмиш «юхо» унинг ақл қувватини сўриб бўлганди.

ИПХ инспектори саломатлигига шикаст етказган Хайруллони суд жавобгарликка тортиди. Чунки унинг маст ҳолда машина бошқариб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этгани қонун бузилиши бўлса, йўл назоратчисига қўл кўтариб, тан жароҳати етказгани жиноят ҳисобланади. Суд мажлисида Хайрулло қилмишидан афсусда эканлигини билдирди. Бироқ фурсат ўтган эди. У қилмишига яраша жазоланди.

А. ПЎЛАТОВ,

Қоғон шаҳар прокуратураси терговчи-иш ўрганувчиси.

**Маслаҳат**

**СИФАТСИЗ**

**ЁНИЛГИНИ АНИҚЛАШ МУМКИН**

Ёқилги қуйиш шохобчасидан олинган бензин баъзан сифатсиз бўлиб чиқади. Мутахассисларнинг фикрича, сув, сульфат ва мойли нефть маҳсулотлари аралашган ёқилғидан эҳтиёт бўлиш лозим. Мабоодо кишида бакка сув тушиб қолса ёниш системасида музлаб қолиб, анча ташвиш келтиради.

Бензиннинг сифатини аниқлаш машқ қилган кишига унчалик қийин эмас. Бунинг учун ёқилги қуйиш шохобчасидан олинган ёқилғининг беш литрга яқини канистрга қуйилади, бироз тингач, чайқатмай шиша банкага солинади. Агар мой доғлари бўлса, билингки, бензин тоза эмас.

**СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...**

**ҲАЙДОВЧИ ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ**

Давлат тасарруфидаги транспорт воситасидан шахсий манфаат йўлида фойдаланган ҳайдовчига нисбатан жазо чораси қўлланиладими?

З. Келдиев, Тўймена шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 141-моддасига асосан ҳайдовчиларнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қарашли транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиши энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

**ЖАРИМА МАЙДОНИДАГИ АВТОМАШИНА**

Қондан бузганим учун ҳайдовчилик гувоҳномани олдиндан эдим. Мени ИПХ ходими тўхтатди ва оғоҳлантириш талонимини кўриб, шахсимни тасдиқловчи ҳужжат талаб қилди. Бундай ҳужжат йўқлиги учун автомашинамни жарима майдонига қўйди. Шу тўғрими?

С. Умаров, юк машинаси ҳайдовчиси.

Ҳа, тўғри. Амалдаги қонунларга кўра ҳайдовчи транспорт воситасини оғоҳлантириш талони билан бошқарганда унинг ёнида албатта шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлиши керак.

**АВТОФАЛОКАТ**

**ҚУВИБ ЎТМОҚЧИ ЭДИ...**

Янгийўл туманида эрталаб соат 05дан 20 дақиқа ўтганда сирдарёлик Бекзод Абдуллаев ўзининг «Нексия» автомобилида хусусий талбиркор Сидиқ Адизов бошқарувидаги «Мерседес Бенц» русумли автобусни қувиб ўтаётганида автобуснинг орқа қисмига урилди. Йўлнинг асосий қисми ёпилиб қолган пайтда орқадан ҳаракатланиб келаётган «Икарус»нинг ҳайдовчиси, қашқадарёлик Холмурод Самадов рулни ўнг томонга буриб юборганда машина ағдарилди. Натижада «Нексия» йўловчиси Гулчехра Жумамуротова, «Икарус» йўловчилари Жасур Мирзақулов ва Достон Отабоевлар турли даражада тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилдилар.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳайдовчиларга енгил машиналарни бошқараётганда тезликни ҳаддан ташқари оширмастик, айниқса қувиб ўтаётганда эҳтиёт бўлиш лозимлигини кўп уқтирадилар. Аммо шунга қарамай бундай кўрсатмага амал қилмаслик ҳолатлари қайд этилмоқда. Бунинг оқибатида эса йўл-транспорт ҳодисаси содир этилиб, ҳайдовчилар ва автомобилларда манзил томон бораётган йўловчилар жабр кўрмоқдалар. Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш ҳар бир ҳайдовчининг бурчига айлангандагина юқоридаги каби кўнгилсизликларнинг олди олинишини унутмаслик зарур.



Саҳифа материалларини Саъдулла ШОДИЕВ тайёрлади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш ҳар бир ҳайдовчининг бурчига айлангандагина бундай кўнгилсизликларнинг олди олинади.



**Ички ишлар идораларида шундай хизмат борки, усиз содир этилган жиноятларнинг фош этилиши анча қийин кечади. Бу — эксперт-криминалистика-дир. Ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган ходимлардан фидойилик, билимдонлик, чидам, сабр-тоқат, синчковлик талаб этилади. 1992 йил республика ИИБ Эксперт-криминалистика бўлимида эксперт лавозимида иш бошлаган Хусан Файзиев бунга яққол ишонч ҳосил қилди. Шу боис йиллар давомида ана шундай фазилатларга эга бўлиш учун кўп изланди, ўз устида астойдил ишлади. Машаққатли меҳнат жараёнида тоблангани учун бугунги кунга келиб ИИБ ЭКБ бошлиғининг ўринбосари даражасига етди. Подполковник унвонига эга бўлди.**

Мактабни аъло баҳоларга битирган Хусан Файзиев 1977 йили Тошкент Давлат поли-техника институти (ҳозир Тошкент Давлат техника уни-верситети)нинг кимё-техно-логия факультетида ўқишга кирди. Мазкур даргоҳни им-тиёзли диплом билан тугал-лаб, икки йил давомида ин-ститутда қолиб ишлади. Гиёҳ-вандлик моддаларини тадқиқ қилиш бўйича мутахассис бўлиб етишгач, ўзини ички ишлар идораларида синаб кўришга жазм этди.

# Билимдон устоз, етук мутахассис



мустақил фаолият юритиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бун-да ҳозирда Тошкент вилояти ИИБ ЭКБ катта эксперти лавозимида ишлаётган подпол-ковник Е. Пугачёвнинг йўл-йўриқлари жуда асқотди. Х. Файзиев мустақил эксперт бўлиш билан бир қаторда «Қорадори» ҳамда бошқа тез-кор-қидирув тadbирларда мун-тазам қатнашиб келди. Касбига қизиқиши ва жонкуярлиги унинг хизмат пиллапоояларидан юқорилаб боришида катта аҳамият касб этди. 1996 йилда ИИБ ЭКБ махсус тадқиқот бўлини маси катта эксперти этиб тайинланди. 2000 йилдан эса ҳозирги лавозимида ишлаяпти.

— 1998 йили ривожланган давлатлардан бирида МДХ давлатлари эксперт-крими-налистлари иштирокида ги-ёҳвандлик моддаларини тад-қиқ қилиш бўйича икки ҳаф-талиқ семинар бўлиб ўтди, — деди Х. Файзиев. — Семинар-га ташриф буюрган 14 нафар ходим орасида мен ҳам бор эдим. Мазкур сафар барча-мизда катта таассурот қол-дирди. У ерда Жанубий Америкада ўсадиган кока ўсимлигидан олинадиган кокаин гиёҳвандлик мод-

қайд этишнинг процессуал-ҳуқуқий ҳамда криминалис-тик асослари» деб номланган услубий қўлланма яратили-шига муносиб ҳисса қўшди. Ушбу рисола Осиё миллатига маъсуб юз тузилиши ва мил-лий кийимлар аниқ талқин этилган ягона манбадир.

— Хусан Фай-

риш, 22060 та анъанавий криминалистика ва махсус экспертизалар, жуда кўп тад-қиқотлар ўтказилиши ҳамда бошқа тadbирларда фаоллик кўрсатди. Айни пайтда у кўплаб шоғирдларга устозлик қиляпти. Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЭКБ экс-перти, капитан Ж. Аташев, Андижон вилояти ИИБ ЭКБ катта эксперти, майор Б. Фуломов, Қашқадарё вило-яти ИИБ ЭКБ эксперти, ка-питан Т. Тошпўлатов, Транс-порт ИИБ ЭКБ катта экспер-ти, майор Х. Нурмадходжас-лар шулар жумласидандир.

Хусан аканинг тўнғич фар-занди Нодирбек ота изидан бо-ришга аҳд қилган. У ҳозирда ИИБ Академиясида таҳсил оляпти. Баҳодир Тошкент юри-дик коллежи талабаси. Қизи Ирода эса мактаб ўқувчиси.

— Биласизми, — деди Хусан ака суҳбатни давом эт-тириб, — ҳаёт қизиқ экан. Ички ишлар соҳасида энди иш бошлаган пайтларим иш-дан кеч қолсам онам ярим тунгача ухламай кутар эдилар. Ўшанда волидаи муҳтарамам-нинг хавотири ўринсиздек ту-юларди. Энди эса фарзандла-римдан бири биров кеч қол-гудек бўлса, дарҳол ташвиш-лана бошлайман.

Подполковник Хусан Фай-зиев ўз касбини севади, унга садоқат билан ёндашади. Ана шу фидойилиги туфайли Пре-зидентимизнинг фармонида кўра 14 январь — Ватан ҳимо-ячилари куни муносабати би-лан «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Ф. АЗИЗОВ.

## ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

**Шахс қандай жиноят содир этганда эҳтиёт чораси сифати-да қамоққа оли-нади? Уни ушлаб ту-ришдан мақсад нима?**

Н. Оппоқов,  
Термиз шаҳри.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақатгина ушлаб турилган, гумон қилинаётган ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 242-моддасида қамоққа олиш асослари ва шартла-ри келтириб ўтилган. Унга кўра эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш амалдаги Ўзбекистон Респуб-ликаси Жиноят кодексига уч йил-дан ортиқ муддатга озодликдан маҳ-рум қилиш тариқасидаги жазо бе-риш назарда тутилган қасддан со-дир этилган жиноятларга доир

ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида со-дир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексига беш йилдан ортиқ му-датга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Жи-ноят-процессуал кодексининг 220-моддасига асосан ушлаб ту-риш жиноятни содир этишда гу-мон қилинаётган шахсни унинг жинойи фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб ке-тиши, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир.

Ушлаб туриш жиноят иши кўзга-тилгунга қадар ҳам, иш кўзгати-лгандан кейин ҳам амалга оширили-ши мумкин. Иш кўзгати-лгандан кейин ушлаб туришга фақат тергов-чи, суриштирувчи, прокурорнинг қарорига ёки суднинг ажримига мувофиқ йўл қўйилади.



**Саккиз ёшли ўғлимни синфдоши-нинг акаси итариб юборибди. Нати-жада у жиддий тан жаро-ҳати олди. Мен шу масала бўйича судга мурожаат қилишим мумкинми?**

О. Даминова,  
уй бекаси.

Сиз мазкур масала бўйича яшаш жо-йингиздаги маъмурий ишлар бўйича судга мурожаат қилишингиз мумкин. Бу ҳолат амалдаги Ўзбекистон Респуб-ликаси Маъмурий жавобгарлик тўғриси-даги кодексининг 245-моддаси 1-қис-мида кўрсатиб ўтилган. Сиз дастлаб ту-ман суди ёки ички ишлар бўлимидан ўғлингизни суд-тиббий кўриқдан ўтка-зиш ҳақида йўлланма олиб, кўриқ ху-лосасини тақдим этишингиз лозим. Бун-дан ташқари, ўғлингизни итариб юбор-ган йигитчани жавобгарликка тортиш учун у ўн олти ёшда бўлиши лозим.



**Эр-хотин ажра-шишга қарор қилдик. Лекин шу пайтгача расман никоҳдан ўтмаганмиз. Ўрта-да болалар йўқ. Мол-мулкни бўлиш масаласи қан-дай ҳал қилинади?**

Н. Самадова,  
Тошкент шаҳар Бектемир тумани.

Эр-хотиннинг ажрашиши ва ўрта-даги мол-мулкни бўлиш масаласи ху-ду-

дий фуқаролик судлари ваколати дои-расига кирганлиги боис бу савол юза-сидан яшаш жойингиздаги фуқаролик судига мурожаат қилишингизни тав-сия этамиз. Башарти эр-хотин орасида мулкни бўлишда муаммо туғилса, ал-батта ҳар иккала тараф ҳам фуқаро-лик судига шу мулк уларнинг бирга яшаган даврида олинганлигини исбот-ловчи далиллар тақдим этиши, ён-ат-рофдаги кўни-қўшниллар ҳам уларнинг сўзларини тасдиқлаб судга кўрсатма беришлари лозим бўлади.



**Маъмурий ҳу-қуқбузарлик деганда нима тушунилади?**

Б. Алимова,  
талаба.

Ўзбекистон Республикаси Маъму-рий жавобгарлик тўғрисидаги кодек-сининг 10-моддасига кўра, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда қонун ҳужжат-ларига биноан маъмурий жавобгарлик-ка тортиш назарда тутилган, шахсга,

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркин-ликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга та-жовуз қилувчи гайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсиз-лик тушунилади.

Мазкур кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавоб-гарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жинойи жавобгар-ликка тортишга сабаб бўлмаган тақ-дирда амалга оширилади.

XX аср



Марказий майдон. 1928 й.

XXI аср



Мустақиллик майдони. 2006 й.

# АНДИЖОН ШАҲРИНИНГ ЎТМИШИ ВА БУГУНИ

XX аср



Андижон давлат медицина институти. 1961 й.

XXI аср



Андижон тиббиёт коллежи. 2006 й.

*Газетамизнинг ўтган сонида Тошкент шаҳрининг аввалги ва ҳозирги кўриниши тасвирланган суратлар кўпчиликка жуда манзур бўлибди. Бизга кўнғироқ қилган барча юртдошларимизга ўз миннатдорчилигимизни билдирган ҳолда бугунги саҳифамизни Андижон шаҳрига бағишладик.*

Афсоналарга қараганда, шаҳарга Афросиёбнинг қизи Адинажоннинг номи берилган. Бошқа манбаларда ёзилишича, бир вақтлар бу ерда андлар (ҳиндлар) яшаган ва шаҳарнинг номи «Андукон» – «ҳиндлар жойи» деб аталган. Баъзи бир кишиларнинг айтишича, шаҳарни қура бошлаган кишининг оти Анди бўлган, шунинг учун ҳам шаҳар Андижон деб номланган.

Кўриниб турибдики, Андижон тарихи жуда узоқ йилларга бориб тақалади. Аҳолиси қадимдан хушмуомалалиги, меҳмондўстлиги билан донг таратган. Андижонликлар азал-азалдан деҳқончиликнинг уста миришкорлари, тадбиркор савдогарлар сифатида кўпнинг хурмат-этиборига сазовар бўлишган. Шаҳарнинг кўриниши асрлар давомида сайқал топиб, гўзаллашиб борган. Айниқса, мустақиллик йилларида Андижон-

нинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Кенг миқёсдаги ободончилик ишлари натижасида нафақат шаҳар, балки бутун вилоят ҳудуди замонавий кўриниш олди. Икки четига анвойи гуллар экилиб барпо этилган кенг ва равон йўллар жаҳон талабларига мосдир. Бундан кейин ҳам Андижон чирой очиб, кўркамлашиб бораверади. Шаҳар марказидаги бунёдкорлик ишларидан сўнг «Мустақиллик», «Конституция» каби рамзий майдонлар қурилди. Қайта таъмирланган Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғи барча андижонликлар қатори меҳмонларнинг ҳам ҳордиқ чиқарувчи масканига айланди.

Ҳа, таъкидланганидек, Фарғона водийси Ўзбекистоннинг қонтомири бўлса, Андижон водийнинг юрагидир. Бундан кейин ҳам Андижон чирой очиб, кўркамлашиб бораверади.

(Ўтган асрда туширилган суратлар Андижон ўлкашунослик музейидан олинди. Шаҳарнинг янги кўринишини Борис КЛЕЙМАН суратга олган).

XX аср



1972 й.

А. Навоий номли парkning кириш дарвозаси.

XXI аср



2006 й.



# ROSTDA TV

## ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

**ДТВ, душанба**

**0.00 Комедия «БЭТТИ ЛУНИНГ СУМКАЧАСИДАГИ ТҮППОНЧА» («ПИСТОЛЕТ В СУМОЧКЕ БЭТТИ ЛУ»).**

Тинчгина кутубхонада ҳам баъзан кутилмаган ҳодисалар юз бериши мумкин. Бэтти Лу эрини яхши кўради, аммо турмуш ўртоғи жувонга ётарлича эътибор бермайди. Шаҳардаги машҳур мафиячи ўлдирилганида Бэтти дарёдан жиноят қуроли бўлган тўппончани топиб олади. Сўнг ўзини қотил қилиб кўрсата бошлайди. Шу тариқа нафақат эрининг, балки бошқаларнинг ҳам эътиборини тортади...

**Ролларда: Жулиана Мур, Пенелопа Энн Миллер.**



**РТР, сешанба**

**0.30 Комедия «НОТТИНГ - ХИЛЛ» «НОТТИНГ-ХИЛЛ»**

Анна Скотт – ўйнайдиган роллари учун миллионлаб доллар пул оладиган машҳур кино юлдузи. Вильям Такер эса сайёҳлар учун проспектлар сотиладиган мўъжазгина дўкончанинг камтаргина эгаси. Қиз бир куни шу дўкончага кириб қолади. Бу учрашув ҳар икисининг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборади...

**Ролларда: Жулия Робертс, Хью Грант, Алек Болдуин.**



**ТНТ, чоршанба**

**22.00 Фантастика «БЕШИНЧИ ЭЛЕМЕНТ» («ПЯТЫЙ ЭЛЕМЕНТ»)**

Ўзга сайёралик малласоч қиз, омадсиз таксист, журъатсиз руҳоний ва жанжалкаш эстрада юлдузи... Баъзан ана шундай турли тоифага мансуб кишилар ҳам биргаликда дунёни ёвузлардан, ҳалокатдан қутқариб қолишлари мумкин...

**Ролларда: Брюс Уиллис, Мила Йовович.**



**СТС, чоршанба**

**4.20 Комедия «ЭЛВИС БИНОНИ ТАРК ЭТДИ» («ЭЛВИС ПОКИНУЛ ЗДАНИЕ»)**

Бу фильм «Элвис бинони тарк этди» дея номланган компьютер ўйинларининг саҳнадаги аксидир. Бунда ўйинчи «Элвис» деб аталувчи оқ кийимдаги йигитларни ўлдирши лозим. «Рок-н-ролл» қироли янги қиёфа касб этади. Саҳнанинг дам у, дам бу кўринишида буюк кўшиқчининг қиёфадошлари пайдо бўлиб, маҳв этилиб турилади...

**Ролларда: Ким Бесинджер, Жон Корбетт, Энни Поттс.**

**ОРТ, пайшанба**

**0.00 Бадийий фильм «БУФФАЛО АСКАРЛАРИ» («СОЛДАТЫ БУФФАЛО»)**

1989 год. Берлин девори кулаш арафасида. Фарбий Германияда, Теодор Рузвельт номидаги ҳарбий базада хизмат қилувчи сержант Рэй Элвуд ҳаётида кўнгилсизликлар юз беради. Командирнинг котиби бўлиб ишлаган бу йигит уддабуронлиги, ишбилармонлиги орқасидан ноқонуний равишда қурол, гиёҳвандлик воситалари сотиб, мўмайгина пул орттирган эди. Аммо кутилмаганда базага янги сержант келиб, ишнинг белига тепади...

**Ролларда: Хоакин Феникс, Эд Харрис, Скотт Гленн.**



**НТВ, жума**

**05.10 Жангари фильм «ФИТНА НАЗАРИЯСИ» («ТЕОРИЯ ЗАГОВОРА»)**

Нью-Йорклик таксист Жерри Флетчер таниқли қотиллар ҳақида ҳамма нарсани билади. У прокурор Алиса Саттоннинг эътиборини тортмоқчи. Жерри ахборотномада чоп эттирган фитналар назарияси тўғри бўлиб чиқади. Сирли доктор Жонас ҳамма нарсани «ёпди-ёпди» қилишга ва гувоҳларни йўқотишга уриниб кўради...

**Ролларда: Мэл Гибсон, Жулия Робертс.**



**НТВ, шанба**

**1.55 Жангари фильм «ЁҚИМТОЙ ЖОННИ» («КРАСАВЧИК ДЖОННИ»)**

Ашаддий жиноятчи Жон Сэдди азбаройи бадбашаралиги учун «Ёқимтой» деб лақаб орттирган. Қамоқхонадаги касалхонада ишлайдиган жарроҳ пластик операция қилиб, қиёфасини юзини ўзгартиради. Шундан сўнг Жоннинг ҳаёти ҳам бутунлай ўзгариб кетади...

**Ролларда: Микки Рурк, Эллен Баркин.**



**ОРТ, якшанба**

**22.10 Комедия «НАВБАТЧИ ОТА» («ДЕЖУРНЫЙ ПАПА»)**

Яқиндагина Чарли Хилтон ва дўсти Фил туппа-тузук жойда ишлашар, яхшигина мояна олишарди. Энди бўлса иккаласи ҳам ишсиз, уйдаги бебош фарзандлари тарбияси билан шуғулланишга мажбур. Ана шундай оғир вазиятда мияларига ажойиб фикр келади – улар уйларида оилавий болалар боғчаси очмоқчи бўлишади. Аммо бунинг орқасидан бошларига қандай машмашалар тушишини ҳали билишмайди...

**Ролларда: Эдди Мерфи, Жефф Гарлин, Стив Зан.**

**«Узбекистон» телеканал**

6.25 Кўрсатувлар дастури.  
6.30 «Ассалом, Узбекистон!»  
8.00-8.45 «Тахлилнома».  
8.45 ТВ анонс.  
8.50 «Олтин мерос».  
8.55 «Олам ва одам» дастури: «Мусаввир ҳаёт йўли».  
9.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.  
10.15 «Бобур изидан». Видеофильм. 1-қисм.  
10.35 ТВ анонс.  
10.40 «Ернинг муносиб эгасини топиш - долзарб масала».  
11.00 «Ахборот».  
11.10 ТВ анонс.  
11.15 «Омон бўлинг!»  
11.20 Х. Даврон, Б. Лутфуллаев. «Соғинч». Муқимий номидаги мусикали драма. театрининг спектакли. 1-қисм.  
12.20 ТВ анонс.  
12.25 «Соғинч». Спектакль. 2-қисм.  
13.20 «Хамон ёдимда.»  
14.50 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)  
14.00 «Ахборот».  
14.15 ТВ анонс.  
14.20 «Иқтидор». Телеўйин.  
15.10 «Портретга чизгилар».  
15.25 ТВ анонс.  
15.30 «Қайнона». Бадиий фильм.  
«Болалар сайёраси»:  
16.45 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
17.00 «Ахборот».  
17.10 ТВ анонс.  
17.15 «Равнақ» студияси намойиш этади.  
17.30 «Олтин мерос».  
17.40 «Банк ва мижоз».  
17.50 ТВ анонс.  
17.55 «Қалқон».  
18.15 «Ошин». Телесериал.  
18.50 «Аъло ўйинчи». Телелотерея.  
19.10 «Оқшом наволари».  
19.20 Биржа ва банк хабарлари.  
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ёшлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 ТВ анонс.  
20.05 «Омон бўлинг!»  
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси (Туркия)  
21.00 «Ахборот».  
21.35 ТВ анонс.  
21.40 Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудига. «Анда жоним қолди. маним.» 1-қисм.  
22.00 «Қақнус». Телесериал премьераси (Корея)  
23.10 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)  
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Автомобиль истикболи». Сериал 1-қисм.  
00.10-00.15 Тунги наволар.

**«Ёшлар» телеканал**

14.55 Дастурнинг очилиши.  
15.00 Ватанпарвар.  
16.00 Давр.  
16.15 ТВ-анонс.  
16.20 Интерфутбол.  
18.00 Мусикий лаҳза.  
18.05 Автопатруль плюс.  
18.35 Чемпион сирлари (рус тилида)  
18.50 Мафту... гман, диёрим!  
18.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 SMS-тест  
19.40 Интел... туал олимпиада.

19.45 Мусикий лаҳзалар.  
19.55 Ёшлар овози.  
20.10 SMS-тест.  
20.15 Ракурс.  
20.30 Мусикий лаҳзалар.  
20.40 UzEX хабарлари.  
20.50 Ёшлар.  
21.00 «Шубҳа». Телесериал.  
21.45 ТВ-анонс.  
21.50 SMS-тест.  
21.55 Иқлим.  
22.00 Давр.  
22.35 UzEX хабарлари (рус тилида)  
22.45 Мусикий лаҳза.  
22.50 Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудига. «Буюк сулола». Бадиий фильм 1-қисм.  
0.10 Дастурнинг ёпилиши.

**«Тошкент» телеканал**

18.20 Кўрсатувлар тартиби.  
18.30 «Пойтахт» /рус/.  
18.50 «Эртақларнинг сехрли олами».  
19.10 «Экспресс» телегазетаси.  
19.20 «Табриқлаймиз, қутлаймиз».  
19.50 «Телекурьер маркет».  
20.00 «Пойтахт».  
20.20 ТТВда сериал: «Камила».  
20.50 «Экспресс» телегазетаси.  
21.00 Навоий ҳақида ривоятлар: «Шахзода Ғариб Мирзо». 8-қисм.  
21.30 «Телекурьер маркет».  
21.40 «Махсус муҳбир».  
22.00 «Тиббиёт Сизнинг хизматингизда».  
22.20 Кинонигоҳ: «Севимли Рожа». 1-қисм.  
23.25-23.30 «Хайрли тун, шахрим».

**«Sport» телеканал**

**Телетомошабинлар диққатига!**  
**Профилактика муносабати билан 13 феврал куни «Sport» телеканалда ўз кўрсатувларини соат 17.55 дан бошлайди.**

17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 «Соғлом оила».  
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)  
18.50 «Жди меня».  
20.00 «Вести».  
20.30 «Вокруг света».  
20.55 «Футбол плюс».  
21.30 «Хабарлар».  
21.50 «Турин-2006». XX қишки олимпиада ўйинларидан трансляция.  
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-й канал**

16.55 гача профилактика ишлари  
16.55 Открытие программы  
17.00 Мультфильм  
17.30 «Хужжатли фильм»  
18.00 «Кассандра», сериал  
18.45 «Мусикий лаҳзалар»  
19.00 «Ошиқона», мусикий дастури  
19.45, 21.40 «Телехамкор»  
20.00, 21.50 «Мусикий табассум»  
21.00 «Хайрли тун, болажонлар!»  
21.15 «Мусикий лаҳзалар»  
22.20 Фильм «Соблазн»

**ОРТ**

6.00 «Доброе утро»  
9.00, 12.00, 15.00, 5.00 Новости  
9.05 «Убойная сила». Сериал  
10.20 «Любительница частного сыска Даша Васильева»  
11.30 «Кривое зеркало»  
12.20 «Черный ворон». Сериал  
13.20 Дисней-клуб  
13.50 Фильм «Пропаля друг»  
15.10 Сериал «Хозяйка судьбы»  
16.00 Биатлон. Женщины. 15 км.  
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)  
18.10 «Дьявольский спектакль»  
18.40 Сериал «Московская сага»  
19.50 Жди меня  
21.00 Время  
21.30 Сериал «Грозные ворота»  
22.40 «Анна Герман. Вопреки судьбе»  
23.20 Фильм «Маленькие женщины»  
1.25 Фигурное катание.  
3.50 Фильм «Приключения Элмо в Грязеландии»  
5.05 Новый день

**РТР**

5:00 «Доброе утро, Россия!»  
8:45 Индийское кино «Красивая жизнь».  
11:00, 14.00, 17.00, 20.00 ВЕСТИ.  
11:30, 14.20, 16.40, 20.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.  
11:50 «Комната смеха».  
12:45 «Частная жизнь».  
13:45, 0.15, 4.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.  
14:40 Мелодрама «Женская интуиция».  
17:15 «Смехопанорама».  
17:50 «Обреченная стать звездой». Сериал  
18:45 «Черная богиня». Сериал  
19:45 ВЕСТИ. ПОДРОБНОСТИ.  
20:50 «Спокойной ночи, малыши!».  
21:00 «Громовы». Сериал  
21:55 Сериал «Бухта Филиппа».  
23:00 «ВЕСТИ+».  
23:20 «Мой серебряный шар. Д. Певцов».  
0:30 «Честный детектив».  
1:05 «Синемания».  
1:40 «Дорожный патруль».  
1:55 Драма «Смерть негодяя».  
3:55 Канал «Евроью».

**НТВ**

6:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»  
9:00 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»  
10:00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «СЕГОДНЯ»  
10:20 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ».  
10:55 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»  
11:55 «СЛЕДСТВИЕ ВЕЛИ...»  
13:30 Сериал «РИЭЛТОР»  
15:35, 18.35 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»  
16:25 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ - 6»  
19:40 Сериал «МЕНТОВСКИЕ ВОИНЫ - 2»  
20:50 Боевик «ПАРНИ ИЗ СТАЛИ»  
22:45 Фильм «ВИНТ»  
0:25 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ».  
1:20 «ВСЕ СРАЗУ!»

1:45 Фильм «ВЕНЕЦИАНСКИЙ КАПРИЗ»  
3:15 Фильм «ПОЛЯ СМЕРТИ»  
5:35 «АНАТОМИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЯ»

**ТВ 3**

8.30 Победоносный голос верующего.  
9.00 - 10.30 Мультфильмы.  
11.00 Фильм «КОСМИЧЕСКИЙ ЛАГЕРЬ».  
13.10 Фильм «ПОВЕРЬ В ЧУДО».  
15.00 «Осторожно, модерн!».  
15.30 Мультфильм  
16.00 Фильм «ДЖЕЙН ЭЙР».  
18.30 Фильм «ПРИКЛЮЧЕНИЯ ШЕРЛОКА ХОЛМСА И ДОКТОРА ВАТSONА-5».  
19.55 Ваш здоровый позвоночник.  
20.00, 2.00 Сериал «ТРЕТЬЯ СМЕНА».  
21.00 «История нашей любви».  
21.05 Фильм «ОТЕЦ НЕВЕСТЫ-2».  
23.15 Фильм «АМЕРИКАНСКИЙ ПСИХОПАТ-2».  
1.00, 5.00 Сериал «ЕЕ ЗВАЛИ НИКИТА».  
3.00 Фильм «ЗАЩИТНИК».

**ДТВ**

9.00 Мультфильмы.  
10.00 Сериал «НЯНЯ».  
10.30 «Как уходили кумиры». «Игорь Ледогоров».  
10.55, 19.50 «Неслучайная музыка».  
11.00 Телемагазин.  
11.30 Автоновости «Карданный вал +».  
11.50 Фильм «ГАРАЖ».  
14.05 Самое смешное видео.  
14.35 Сериал «РОЖДЕННЫЙ ВОРОМ».  
15.30 Сериал «КРУТОЙ УОКЕР».  
16.30 Мультфильмы.  
17.30 «Как уходили кумиры».  
17.55 Фильм «КТО ТЫ, ВСАДНИК».  
20.00 Сериал «КРУТОЙ УОКЕР».  
21.00 Самое смешное видео.  
21.25 Шоу Бенни Хилла.  
21.55 Сериал «БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ. АДВОКАТ».  
23.00 Док. сериал «Опергруппа, на выезд!»  
23.40, 2.30 Агентство криминальных новостей.  
0.00 Фильм «ПИСТОЛЕТ В СУМОЧКЕ БЭТТИ ЛУ».  
2.10 Автоновости «Карданный вал +».  
2.50 Шоу Бенни Хилла.  
3.20 «Девушки не против...»

**ТНТ**

5.45 «Москва: инструкция по применению».  
6.15 Мультсериал.  
6.40 «Сейлормун-супервоин». Сериал.  
7.05 «Глобальные новости».  
7.10 «Котопес».  
7.35 «Ох уж эти детки».  
8.00 «Приключения Джими Нейтрона, мальчика-генция».  
8.25 Предприниматель.  
8.40 Наши песни.  
9.00 «Кошки-убийцы». Комедия  
10.00 «ОРЕЛ ИЛИ РЕШКА». Комедия.  
12.15 «Как говорит Джинджер».  
12.40 «Эй, Арнольд!».

13.05 «Дикая семейка Торнберри».  
13.30 Телемагазин.  
14.00 «ДЕВСТВЕННОСТЬ». Сериал.  
15.00 «ПЛОХИЕ ДЕВЧОНКИ». Сериал..  
16.00, 21.00, 0.00 «Дом-2. Новая любовь!»  
17.00 «Школа ремонта».  
18.00 «Возможности пластической хирургии».  
19.00 Такси.  
19.30, 0.30 Москва: инструкция по применению.  
20.00 «Необъяснимо, но факт».  
22.00 Комедия «ПОЛИЦЕЙСКАЯ АКАДЕМИЯ-2».  
1.00 Наши песни.  
1.20 «ОРЕЛ ИЛИ РЕШКА». Комедия.  
3.40 «ДИАГНОЗ: УБИЙСТВО». Сериал.

**СТС**

8.00 «МЕДИКИ». Сериал  
8.40 - 9.00 Мультфильмы  
9.30 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».  
10.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Сериал  
11.00 Истории в деталях.  
11.28 Настроение с Евгением Гришковцом.  
11.30 Комедия «ЛЮБА, ДЕТИ И ЗАВОД...»  
12.00 Кино «СПЕЦНАЗ ПОРУССКИ-2».  
14.00 «БЕДНАЯ НАСТЯ». Сериал  
15.00 «КАК СКАЗАЛ ДЖИМ». Сериал  
15.30 - 17.30 Мультфильмы  
18.00 Комедия «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».  
18.30 «ДОРОГАЯ, Я УМЕНЬШИЛ ДЕТЕЙ». Сериал  
19.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ». Сериал  
20.30 Комедия «ЛЮБА, ДЕТИ И ЗАВОД...»  
21.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».  
21.30, 1.30 Истории в деталях.  
21.58, 1.58 Настроение с Евгением Гришковцом.  
22.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Сериал  
23.00 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»  
23.30 Кино «ПОЛЕТ НАВИГАТОРА».  
2.00 Комедия «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»  
2.30 Детали.  
3.30 «33 квадратных метра».  
4.15 Кино «ДРАКУЛА 3000. БЕСКОНЕЧНАЯ ТЬМА».  
5.40 «ЛУННЫЙ СВЕТ». Сериал

**7 ТВ**

7.00, 8.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00, 6.00 7 новостей.  
7.10 Зарядка для страны.  
7.30 Веселые старты.  
8.10 Хоккей с мячом.  
С 9.00 до 19.00 профилактические работы.  
19.10 Гандбол (женщины).  
20.10 «220 вольт».  
20.30, 21.30, 23.30, 1.30 Диалоги о рыбалке.  
21.10, 1.10 Музыкальный трек.  
22.10, 5.10 Хоккей с мячом.  
23.10 «Советский спорт». Киножурнал.  
0.10, 10 NBA Live!  
0.30 Бокс.  
2.10, 6.10 Дартс. Чемпионат мира.  
3.30, 3.45 Звезда автострады.  
4.10 Покер.

**«Ўзбекистон» телеканал**

6.25 Кўрсатувлар дастури.  
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот».  
8.35 ТВ анонс.  
8.40 «Олтин мерос».  
8.45 «Олам ва одам» дастури: «Автомобиль истикболи». Сериал. 1-кисм.  
«Болалар сайёраси»:  
9.35 «Уйла, Изла, Топ!» Телему-собака.  
10.15 «Бобур изидан». Видеофильм. 2-кисм.  
10.35 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.  
10.55 Биржа ва банк хабарлари.  
11.00 «Ахборот».  
11.10 ТВ анонс.  
11.15 «Омон бўлинг!»  
11.20 «Ишқ эртаги». Телесериал.  
11.55 ТВ анонс.  
12.00 Бобур газалларига битилган кўшиқлар.  
12.20 «Қалқон».  
12.40 ТВ анонс.  
12.45 «Қақнус». Телесериал.  
13.45 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)  
14.00 «Ахборот».  
14.15 ТВ анонс.  
14.20 «Шахсий фикр».  
14.55 «Жавоҳир».  
15.00 «Ахборот» (инглиз тилида)  
15.10 ТВ анонс.  
15.15 Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудига. «Анда жоним қолди маним.» 1-кисм.  
15.35 «Орзулар камалаги». Бадий фильм.  
«Болалар сайёраси»:  
16.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
17.00 «Ахборот».  
17.10 ТВ анонс.  
17.15 «Олтин мерос».  
17.20 «Эркин иқтисодиёт».  
17.40 ТВ анонс.  
17.45 «Назм ва наво». Бобур лирикаси.  
18.20 «Тарих кўзгуси».  
18.35 «Оқшом наволари».  
18.45 «Ошин». Телесериал.  
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».  
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 ТВ анонс.  
20.05 «Омон бўлинг!»  
20.10 «Ишқ эртаги. Телесериал премьераси».  
21.00 «Ахборот».  
21.35 ТВ анонс.  
21.40 Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудига. «Анда жоним қолди маним.» 2-кисм.  
22.00 «Қақнус». Телесериал премьераси.  
23.10 «Кўшигимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)  
23.20 «Олам ва одам» дастури: «Автомобиль истикболи». Сериал. 2-кисм.  
00.10-00.15 Тунги наволар.

**«Ёшлар» телеканал**

6.25 Дастурнинг очилиши.  
6.30 «ЯНГИ ТОНГ». Ахборот дам олиш дастури.  
8.00 Даврнинг боласи.  
8.10 Расмлар сўзлаганда.  
8.15 Болалар экрани: «Бахт гуллари». 1-кисм.  
8.45 Уй вазифаси.  
9.05 Жаҳон жугрофияси.  
9.20 ТВ-анонс.  
9.25 Ёшлар овози.  
9.40 Менинг лицейим.  
9.45 «Шубҳа». Телесериал.  
10.30 Ракурс.  
10.45 Жаҳон жугрофияси.  
10.55 ТВ-анонс.  
11.00 Давр.  
11.05 Интеллектуал олимпиада.  
11.10 SMS - тест.  
11.15 «Буюк сулола». Бадий фильм. 1-кисм.  
12.35 Талабалар шаҳарчаси.  
12.55 ТВ-анонс.  
13.00 Давр.  
13.05 «Ит уяси». Болалар учун сериал.  
13.55 ТВ - анонс.  
14.00 «ЯНГИ КҮН». Ахборот дам олиш дастури.  
15.00 SMS-тест.  
15.05 «Даллас». Телесериал.  
15.50 Мусикий лаҳза.  
15.55 «Ёшлар» телеканал фототанлови.

16.00 Давр.  
16.15 «Япониянинг боқий маданияти». Хужжатли фильм. 7-кисм.  
16.35 «Алпомиш». Мультфильм.  
17.35 Болалар табассуми.  
17.40 Даврнинг боласи.  
17.50 ТВ-дорихона.  
18.00 Катрада қуёш.  
18.20 Cinema Bollivud.  
18.35 Ёшлар овози.  
18.50 Мафтунингман, диёрим!  
18.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Автопатруль.  
20.00 «ЖОКЕР» телелотореяси.  
20.10 Ёшлик наволари.  
20.35 Давр репортаж.  
20.45 SMS - тест.  
20.50 Эълонлар.  
21.00 «Шубҳа». Телесериал.  
21.45 ТВ - анонс.  
21.50 Мусикий лаҳза.  
21.55 Иқлим.  
22.00 Давр.  
22.35 Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудига «Буюк сулола». Бадий фильм 2-кисм.  
0.00 Дастурнинг ёпилиши.

**«Тошкент» телеканал**

18.20 Кўрсатувлар тартиби.  
18.30 «Пойтахт» /рус/.  
18.50 «Мультчархпалак».  
19.10 «Экспресс» телегазетаси.  
19.20 «Табриклаймиз, кутлаймиз».  
19.50 «Телекурьер маркет».  
20.00 «Пойтахт».  
20.20 ТТВда сериал: «Камилла».  
20.50 «Солиқ ва биз».  
21.10 Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудига. «Олтин бешик». Видеофильм.  
21.30 Экспресс» телегазетаси.  
21.40 «Инсон ва қонун».  
22.00 Навоий ҳақида ривоятлар: «Лутфий ва Навоий». 9-кисм.  
22.30 «Телекурьер маркет».  
22.40 Кинонигоҳ: «Севимли Рожа». 2-кисм.  
23.45-23.50 «Хайрли тун шаҳрим».

**«Sport» телеканал**

7.00 «Бодрое утро».  
8.00 «Хабарлар» (Рус тилида)  
8.20 «Телпининг саргузаштлари». Мультсериал.  
8.45 «Соғлом авлод».  
9.00 «Хабарлар».  
9.20 «Хозяйка судьбы». Сериал.  
10.00 «Турин-2006».  
11.00 «Ким нимага қодир?!»  
11.25-12.05 Теннис. «Девис кубоги». Ўзбекистон-Таиланд.

«SPORT». ТЕЛЕКАНАЛИ.  
17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 «Турин-2006».  
18.30 «Хабарлар» (Рус тилида)  
18.50 «Турин-2006».  
20.00 «Вести».  
20.30 «Футбол шарҳи».  
20.50 «Турин-2006».  
21.30 «Хабарлар».  
21.50 «Турин-2006».  
23.00 Кураш. Халқаро турнири.  
23.30 «Турин-2006».  
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-й канал**

12.00 Открытие программы  
12.05, 16.45, 19.45 «Телехамкор»  
12.25 «Детский час»  
12.50 «Солдаты», сериал  
14.00 «Назад в будущее», фантастика  
15.30 «Ошикона», мусикий да-стури  
16.15 «Аёллар орзуси», повтор передачи  
17.00 Мультфильм  
17.30 «Хужжатли фильм»  
17.50 «Кино утмишга назар»  
17.55 «Клип-преьера»  
18.00 «Кассандра», сериал  
18.45 «Киноконцерт»  
19.00 «Ошикона», мусикий да-стури  
20.00, 21.40 «Мусикий табас-сум»  
21.00 «Хайрли окшом, бола-жонлар!»  
21.15 «Севги наволари»  
21.20 «Биз билаган билмаган дунё»  
22.10 Фильм «Франкенштейн»

**ОРТ**

6.00 Телеканал «Доброе утро»  
9.00, 12.00, 3.00, 5.00 Но-вости  
9.05 Убойная сила». Сери-ал  
10.20 «Любительница част-ного сыска Даша Василье-ва»  
11.40 «Кривое зеркало»  
12.10 «Черный ворон». Се-риал  
13.10 «Зимняя шутка»  
14.00 XX зимние Олимпий-ские игры. Лыжи.  
16.10 «Хозяйка судьбы». Заключительная серия.  
17.10 «Федеральный судья»  
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)  
18.10 «Кемеровская зачис-тка».  
18.40 Сериал «Московская сага»  
19.50 «Пусть говорят»  
21.00 Время  
21.30 Сериал «Грозовые ворота»  
22.40 «Детская любовь». Комедия  
23.50 Ночные новости  
0.10 «Ритуальная чаша царя скифов»  
1.00 Триллер «Странные дни»  
2.30, 3.05 Фильм «Учителю с любовью»  
4.10 «Сиднейский аквари-ум»  
4.40, 5.05 Комедия

**РТР**

5:00 «Доброе утро, Россия!»  
8:45 «Громы». Сериал  
9:45 «Антикиллер Хохлов. Исповедь предателя».  
10:45, 13:45, 16:25, 0.15 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.  
11:00, 14:00, 17:00, 20:00 ВЕСТИ.  
11:30, 14.20, 16.40, 20.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.  
11:50 Сериал «Бухта Филип-па».  
12:45 «Частная жизнь».  
14:40 Сериал «Любовь моя».  
15:10 «Суд идет».  
17:10 «Обреченная статья звездой». Сериал  
18:00 Сериал «Волчица».  
18:45 «Черная богиня». Се-риал  
19:45 ВЕСТИ. ПОДРОБНО-СТИ.  
20:50 «Спокойной ночи, ма-лыши!».  
21:00 «Громы». Сериал  
21:55 Сериал «Бухта Филип-па».  
23:00 «ВЕСТИ+».  
23:20 «Последняя тайна Второй Мировой».  
0:30 Комедия «Ноттинг-Хилл».  
3:05 «Дорожный патруль».  
3:20 Сериал «Закон и поря-док».  
4:10 Сериал «Джонни Зиро».

**НТВ**

6:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»  
8:55 Сериал «НЕБО И ЗЕМ-ЛЯ»  
10:00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «СЕГОДНЯ»  
10:15 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ»  
10:50 «ПРИНЦИП «ДОМИ-НО»»  
11:55 «РУБЛЕВКА. LIVE»  
13:30 Сериал «МЕНТОВС-КИЕ ВОЙНЫ - 2»  
14:35 Сериал «ПАРНИ ИЗ СТАЛИ»  
15:35, 18.30 «ЧРЕЗВЫЧАЙ-НОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»  
16:25 Сериал «ВОЗВРАЩЕ-НИЕ МУХТАРА-2»  
19:40 Сериал «МЕНТОВС-КИЕ ВОЙНЫ - 2»

20:50 Сериал «ПАРНИ ИЗ СТАЛИ»  
22:40 Детектив «Я - СУДЬЯ»  
0:55 Фильм «ДЕНЬ СВЯТО-ГО ВАЛЕНТИНА»  
2:35 Фильм «ОНА»  
4:30 Сериал «ВАВИЛОН 5»  
5:15 Сериал «2,5 ЧЕЛОВЕ-КА»

**ТВ 3**

8.30 Победоносный голос верующего.  
9.00 - 10.30 Мультфильмы.  
11.00 Фильм «МОЙ ЛАСКО-ВЫЙ И НЕЖНЫЙ ЗВЕРЬ».  
13.10 Фильм «КАСТЛ РОК».  
15.00 «Осторожно, мо-дерн!».  
15.30 Мультфильм.  
16.00 Фильм «ЦВЕТ ДЕНЕГ».  
18.30 Фильм «ПРИКЛЮЧЕ-НИЯ ШЕРЛОКА ХОЛМСА И ДОКТОРА ВАТСОНА-5».  
20.00, 2.00 Сериал «ТРЕТЬЯ СМЕНА».  
21.00 «История нашей люб-ви».  
21.05 Фильм «ЛЮБОВНЫЙ НАПИТОК № 9».  
23.05 Фильм «РЕПОРТАЖ».  
1.00, 5.00 Сериал «ЕЕ ЗВА-ЛИ НИКИТА».  
3.00 Фильм «РОМАНТИ-ЧЕСКАЯ КОМЕДИЯ 101».

**ДТВ**

9.00 Мультфильмы.  
0.00 Сериал «НЯНЯ».  
10.30 «Как уходили куми-ры». «Талгат Нигматуллин».  
10.55, 19.55 «Неслучайная музыка».  
17.05 Ринг кироллари.  
17.55 Чемпион сирлари.  
18.15 ТВ - анонс.  
18.20 «Ўйин». Бадиий фильм. 4 - қисм.  
18.50 SMS - тест.  
18.55 Иқлим.  
19.00 «Давр» ҳафта ичида.  
19.30 ТВ - анонс.  
19.35 Маслаҳат.  
20.20 Оқшом кўнғироқлари.  
20.25 SMS - тест.  
20.30 Афсона ва ҳақиқат.  
20.50 Ёшлик наволари.  
21.10 Эълонлар.  
21.20 «Дўст бўлиб қоламизми?» Бадиий фильм 2-қисм (Хиндистон)  
22.40 Кўшиқнинг туғилиши.  
23.00 Дастурнинг ёпилиши.

**«Тошкент» телеканалли**

«8.00-13.00 « гача. инфор-мацион мусикий дастур.  
18.20 Кўрсатувлар тартиби.  
18.30 «Миттивойлар мактаби».  
18.50 «Экспресс» телегазетаси.  
19.00 «Тв плюс».  
19.30 «Табриқлаймиз, қутлаймиз».  
20.00 «Махсус муҳбир».  
20.20 «Телекурьер маркет».  
20.30 «Бахтли бўлинг».  
21.15 «Экспресс» телегазетаси.  
21.25 «Телекурьер маркет».  
21.35 Кинонигоҳ: «Америкалик қизалоқ».  
22.55-23.00 Хайрли тун. шахрим!».

**«Sport» телеканалли**

7.30 «Хабарлар».  
7.50 «Бодрое утро».  
8.50 «Хабарлар» (Рус тилида)  
9.10 «Болалар спорти».  
9.30 Оғир атлетика. Республика биринчилиги.  
10.10 «Непутевые заметки».  
10.30 «Пока все дома».  
11.20 «Кувноқ стартлар».  
12.00 «Рақибингиз гроссмейстер».  
12.20 «Жаҳон футболли».  
12.50 «Келин-куёв». Телешоу.  
14.00-15.40 «Турин-2006». ХХ қишки олимпиада ўйинларидан трансляция.  
17.55 Кўрсатувлар тартиби.  
18.00 «Турин-2006». ХХ қишки олимпиада ўйинларидан трансляция.  
18.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.  
19.00 «Спорт уик-энд». Дам олиш дастури.  
19.40 «Тайм-аут».  
20.00 «Вести».  
21.00 «Нокаут».  
21.30 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.  
22.00 «Футбол - кувончим, дардим, фаҳрим». А. Имом-хўжаев.  
22.40 «Турин-2006». ХХ қишки олимпиада ўйинларидан трансляция.  
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-й канал**

9.00 Открытие программы  
9.05, 11.00, 16.45, 19.00 «Телехамкор»  
9.20, 9.50 Мультсериал  
11.15 Фильм «Однажды в Китае 3»  
13.10, 20.30, 21.30 «Мусикий табасум»  
13.30 «Хит-парад - плюс», повтор передачи  
14.30 «Шоу-бизнес янгиликлари», информацион дастур  
14.50 «Болалар соати»  
15.30 «Аёллар орзуси», познавательная передача  
16.00 Мультсериал  
17.00 Фильм «Лучший друг»  
18.30 «Сугдиена» Мунис аёллар курсатуви  
19.15 «Ошикона», мусикий дастури  
20.00 «30 кадр», развлекательная передача  
21.00 «Сиз севган хонамдалар куйлайди»  
22.10 «Беглецы»

**ОРТ**

6.00, 10.00 Новости  
6.10 «Шутка за шуткой».  
6.40 Фильм «Потому что люблю»  
8.20 Армейский магазин  
8.50 Дисней-клуб  
9.20 «Умницы и умники»  
10.10 «Непутевые заметки» с Дм. Крыловым  
10.30 Пока все дома  
11.20 «Веселые картинки»  
12.00 Новости (с субтитрами)  
12.10 Живой мир  
13.10 «Надежда». История песни  
14.00 Лыжи. Мужчины.  
16.00 «Кто хочет стать миллионером?»  
17.00 «Бисквит»  
18.00 Времена  
18.55 ХХ зимние Олимпийские игры. Хоккей.  
21.30 Воскресное «Время».  
22.10 Комедия «Дежурный папа»  
0.00 Бокс.  
0.30 Суперчеловек.  
1.30 Детектив «Напергонки со смертью»  
3.20 Триллер «Сластена»

**РТР**

6:00 «Доброе утро, Россия!».  
7:20 «Сельский час».  
7:45 «Бинго миллион». Результаты розыгрыша.  
8:00, 11:00, 14:00, 17:00 ВЕСТИ.  
8:10, 11:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.  
8:20 «Диалоги о животных».  
8:55 Комедия «Матрос с «Кометы».  
10:30 «Утренняя почта».  
11:20 «Городок».  
11:55 «Сам себе режиссер».  
12:45 «Смехопанорама».  
13:15 «Парламентский час».  
14:20 «Фитиль № 74».  
15:05 Комедия «Дети понедельника».  
17:10 «Кулагин». Сериал  
18:05 «Место встречи» с Лионом Измайловым.  
20:00 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ».  
21:00 «Специальный корреспондент».  
21:25 Комедия «Женская интуиция-2».  
0:00 Фильм «Джуниор».  
2:15 Комедия «Большая стрижка».  
3:55 Сериал «Семь дней».

**НТВ**

5:35 Боевик «НА ГРАНИ БЕЗУМИЯ»  
7:30 «СКАЗКИ БАЖЕНОВА»  
8:00, 10.00, 13.00, 16.00 «СЕГОДНЯ»  
8:15 Сериал «ПОЛИЦЕЙСКИЙ КЭТТС И ЕГО СОБАКА»  
8:40 «ИХ НРАВЫ»  
9:20 «ЕДИМ ДОМА!»  
10:15 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ»  
10:50 «ТОР GEAR». ПРОГРАММА ПРО АВТОМОБИЛИ.  
11:25 «ЦЕНА УДАЧИ»  
12:15 «РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ».  
13:25 «СТИХИЯ». Програм-

ма Ивана Усачева  
14:05 Комедия « ТРИ ПЛЮС ДВА»  
16:20 «ОДИН ДЕНЬ. НОВАЯ ВЕРСИЯ».  
16:55 «СВОЯ ИГРА»  
17:55 Сериал «РИЭЛТОР»  
19:00 «СЕГОДНЯ. ИТОГОВАЯ ПРОГРАММА»  
19:55 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ».  
20:30 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ»  
20:50 «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ - 6»  
22:00 «ВОСКРЕСНЫЙ ВЕЧЕР С В. СОЛОВЬЕВЫМ»  
23:30 Сериал «ЗОНА»  
1:35 «ЖУРНАЛ ЛИГИ ЧЕМПИОНОВ»  
2:10 Комедия «ПОЛНЫЙ ПРИВОД»  
4:05 Комедия «ЕЕ АЛИБИ»  
5:40 ПРОФЕССИЯ - РЕПОРТЕР.

**ТВ 3**

8.30 Жизнь, полная радости.  
9.00 - 10.30 Мультфильмы.  
11.00 Фильм «ЭББИ И ДУХИ РОЖДЕСТВА».  
13.00 Фильм «ОТЕЦ НЕВЕСТЫ-2».  
15.00 «Осторожно, модерн!»  
15.30 «Курьер». Сериал.  
16.00 Фильм «ПРИНЦ ЖЕМЧУЖНОГО ОСТРОВА».  
18.00 Фильм «БАШНЯ СМЕРТИ».  
20.00 «Осторожно, модерн!».  
21.00 Фильм «МИЛЕДИ».  
23.30 Фильм «ЧЕЛОВЕК В ЗЕЛЕНОМ КИМОНО».  
1.00, 5.00 Сериал «БЕССМЕРТНЫЙ».  
2.00 Сериал «МУТАНТЫ ИКС».  
3.00 Фильм «АРАХНИД».

**ДТВ**

9.30 Сериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ».  
10.05 Для милых дам.  
10.40 Мультфильмы.  
12.15 Фильм «ТЕМНАЯ СТОРОНА СОЛНЦА».  
14.30 Хит-парад звездных скандалов.  
15.25 Сериал «СПРУТ».  
16.25 Игровое шоу «Викторина «Время - деньги»».  
16.50, 18.00 Сериал «БАНДИТСКИЙ ПЕТЕРБУРГ. АДВОКАТ».  
19.00 Самое смешное видео.  
19.30 Юмористическая программа «В засаде».  
20.00, 2.05 «Шоу российских рекордов».  
21.00 «ОДИССЕЯ КАПИТАНА БЛАДА». 1-я и 2-я серии.  
0.05, 1.05 Сериал «С.С.1 МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ ЛАС ВЕГАС».  
3.05, 3.35 «Техногенные катастрофы».  
4.05 «Осторожно, афера!»

**ТНТ**

7.00 Мультфильмы.  
8.00 «Сейлормун-супервоин». Сериал.  
9.10 «Каламбур».

9.35 «Фигли-Мигли».  
10.00 «Охотник на крокодилов». Комедия  
11.00 «ДИК ТРЕЙСИ». Боевик.  
13.30 «Школа ремонта».  
14.30 «Каламбур».  
15.00, 20.00 Реалити-шоу [ОФИС].  
16.00, 21.00, 23.00 «Дом-2. Новая любовь!»  
17.00 «САША + МАША».  
18.00 «Школа ремонта».  
19.00 «Фигли-Мигли».  
19.30 «Москва: инструкция по применению».  
22.00 Комеди Клуб.  
23.30 «Секс» с Анфисой Чеховой.  
0.00 «Правила секса».  
0.30 Наши песни.  
0.50 «ТЕЛЕВЕДУЩИЙ». Комедия.  
2.55 «ДИАГНОЗ: УБИЙСТВО». Сериал.

**СТС**

8.00 «ЛЕГЕНДА ОЗЕРА ДУХОВ». Фильм  
9.50 - 10.30 Мультфильмы  
11.00 «Улицы Сезам».  
11.30 Мультфильмы  
11.55 Кино «ПЕРВЫЙ РЕБЕНОК СТРАНЫ».  
14.00 «Жизнь прекрасна».  
16.00 «Снимите это немедленно».  
17.00 «Мифы и герои. Ясон и золотое руно».  
18.00 Истории в деталях.  
18.30 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Сериал.  
23.00 Кино «СЫН РУСАЛКИ».  
1.00 Кино «ВАНИЛЬНОЕ НЕБО».  
3.55 Кино «ПРИЗРАК ОПЕРЫ».  
5.25 Кино «ДВА КРУТЫХ ПАРНЯ».  
6.50 «Затерянные миры». Комедия

**7 ТВ**

7.00, 14.30, 17.30, 23.00, 5.00 Конный спорт.  
7.30 Акробатический рок-н-ролл.  
8.10, 18.10 Гандбол. Чемпионат России.  
9.00 Спортивные танцы.  
9.30 Веселые старты.  
10.00, 20.30, 21.30, 3.30, 5.30 Диалоги о рыбалке.  
10.30 7 дней спорта.  
11.00, 3.00 Назло рекордам.  
11.10 Музыкальный трек.  
11.30 «220 вольт».  
11.40 «ФАВОРИТ». Сериал.  
13.00, 19.00, 23.30 Журнал мирового автоспорта.  
13.30, 19.30 Гандбол (женщины).  
15.00, 0.10, 3.10 NBA Live!  
15.10, 21.00, 4.00 Звезда автоспорта.  
15.30, 1.00 Обзор сезона-2005.  
16.30 Обзор сезона-2005.  
18.00, 22.00, 0.00, 2.00, 6.00 Звезда автострады.  
21.10 Музыкальный трек.  
22.10 Водное поло. Чемпионат России.  
0.30 Бокс. Легендарные бои ХХ века.  
2.10, 6.10 Дартс. Чемпионат мира.  
4.10 Покер.

## МАШИНАДАГИ ЗАҲРИ ҚОТИЛ

Франциялик чегарачилар мамлакат шимолидаги Дюнкерк шаҳрида — Бельгия чегараси яқинида 305 кг героин топишди. Заҳри қотилнинг «қора бозор»даги нархи 12 миллион еврога яқин экан. Жиноят устида қўлга туширилган туркиялик 32 ёшли ҳайдовчи: «Машинамга героинни бошқалар яшириб қўйишган», — деди.



## ҚАДИМИЙ ТОПИЛМА

Исроилда йўл қурилиши ишлари чоғида қадимий қабристонга дуч келинди. Тезда етиб келган археологлар бу ерга одамлар бундан олти минг йиллар аввал дафн этилганлигини аниқлашди. Қабристондан, шунингдек, сопол идишлар, ҳайкалча ва яхши сақланган қимматбаҳо тақинчоқлар топилди. Бу ерда яна қурбонлик қилинган ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари ҳам бор эди. Айниқса, қояга ўйиб ишланган бугу суратлари катта илмий аҳамиятга эга, дея таъкидлади мутахассислардан бири.

Жаҳон миқёсида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний савдоси 322 миллиард АҚШ долларини ташкил этаётган экан. Бунинг учдан икки қисми Осиё ва Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари ҳиссасига тўғри келаяпти.

## ДУНЁГА ХАВФ СОЛМОҚДА

Энг хатарлиси, бозордаги кучли таъсир этувчи воситалар улуши ортиб бормоқда. Ушбу маълумотлар Токиода бўлиб ўтаётган халқаро анжуманда ошқор этилди. Анжуман Осиё ва Тинч океан ҳавзаси мамлакатларида наркотикларнинг тарқалиши муаммоларига бағишланган. Унда минтақанинг 30дан ортиқ мамлакати, шу жумладан, Хитой, Россия, АҚШ, Япония, Интерпол, БМТ вакиллари иштирок этишяпти.

## ОЛИМЛАР ЛОЛ ҚОЛДИЛАР

Сўнги пайтларда олимлар ҳайвонот ва наботот оламида ҳали янги, кашф этилмаган турлар борлигини исбот қилишяпти. Яқинда АҚШ, Индонезия ва австралиялик бир гуруҳ тадқиқотчилар Янги Гвинея оролининг тоғли ҳудудида қурбақаларнинг ҳали фанга номаълум 20 та турини топишди. Шунингдек, капалакларнинг тўрт тури ва беш хил янги пальма мавжудлиги аниқланди.



Ҳаммасидан ҳам олимларни асал билан озиқланувчи гаройиб қушча лол қолдирди. Кенгурунинг бутунлай қирилиб кетган деб ҳисобланган бир тури ҳамон яшаб келаётгани ҳам қутилмаган ҳодиса бўлди.

Ҳали инсон оёғи етмаган бу ҳудуднинг майдони бир миллион гектардан ошиқ эди. Умрида одам зотини кўрмаган жониворлар тадқиқотчилардан чўчишмади. Мутахассисларга йўлбошчилик қилган маҳаллий аҳоли вакиллари ҳам бу кимсасиз водийни кўриб, ҳайрон қолишди. Экспедиция аъзоларидан Брюс Бихлер водийда бир ой бўлишганига қарамай ҳали унинг ўсимликлар ва ҳайвонот оламини тўла ўргана олишмаганини эътироф этди.



## ГАЗДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Бежиз бундай демаяпмиз. Чунки Россия Мудофаа вазирлигига қарашли «Восток» батальони биносидан юз берган портлашга айнан газ ёқилгиси сабаб бўлган, деб тахмин қилинмоқда. Портлаш оқибатида икки қаватли бино деярли вайрон бўлган, 13 киши ҳаётдан кўз юмган.

Ҳозирда мамлакат Ҳарбий прокуратураси тергов ишлари олиб бораёпти, жабрланганларга вақтинчалик бошпана берилди, моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

## РОССИЯЛИК МИЛЛИАРДЕРЛАР!

13 февралда Россияда чоп этиладиган «Финанс» журнали миллиардерлар рўйхатини эълон қилади. Маълумотларга қараганда, ундан маблағи бир миллиард рубдан зиёд бўлган 700дан ортиқ киши ўрин олган.

Жумладан, бойлиги миллиард доллардан ошадиган кишилар рўйхати ҳам берилади. Утган йили Россияда улар 39 нафарни ташкил этган бўлса, бу йил 50 нафарга етди. А. Рогачёв, Р. Тарико, С. Галицкий каби янги миллиардерлар ҳам пайдо бўлди.

Рўйхатдан 27 нафар хотин-қизлар ҳам ўрин олган. Аммо улардан фақат Москва мэрининг хотини Елена Батурианинг маблағигина доллар ҳисобида миллиарддан ошади. Қолганлари рублик миллиардер хонимлар сарасига киради. Россиялик энг ёш миллиардер 23 ёшда, энг кексасининг ёши 80 дан ошган.



## РАЗВЕДКАЧИ — ЎҒРИ

АҚШ Марказий разведка бошқармаси (МРБ) ходими Жорж Далмас бир қатор ўғриликларда айбланмоқда. Унинг Вашингтон четига уйи тинтув қилинганда полициячилар катта миқдорда нақд пул, заргарлик буюмлари ва осори атиқалар, бир нечта автомобиль рақами ва қопларга солинган мингта яқин аёллар ичкийими топилган.

Далмас 31 январда ҳибсга олинган эди. МРБ расмий вакиллари айтишича, у тергов пайтида ишдан четлаштирилган. Далмас ҳатто ўз ҳамкасбларининг уйларига ҳам ўғриликка тушган экан. Чунки у касбдошларининг уйида қачон ҳеч ким бўлмастлигини олдиндан билган.

## ЎЗЛАРИ АЙБДОР

Калифорния жанубида 2,5 минг гектар майдондаги ўрмонзорлар ёнғин ичида қолди. Икки мингдан ошиқроқ оилани хавфсиз жойларга кўчиришга тўғри келди. Офатга қарши курашишга юзлаб ўт ўчирувчилар гуруҳлари ва кўлаб вертолётлар жалб этилди. Аммо қуруқ об-ҳаво шароити ва кучли шамол ишни қийинлаштиряпти.


Аниқланишича, ёнғинга ўрмончиларнинг ўзлари сабаб бўлишган экан. Улар режа асосида дарахтзорларнинг бир қисмини ёқишлари керак бўлган. Ишларини тугатишгач, дарахтлардан тозаланган майдонга сув ҳам сепишган. Аммо ер остида илдишлар ҳамон ёнишда давом этаётганлигини пайқашмаган.

## САНЪАТКОРГА БАҒИШЛАБ

Келаётган якшанбада Лондондаги Қироллик опера театрида таниқли рус балеринаси Майя Плисецкаянинг 80 йиллик юбилейига бағишлаб тантанали тадбир ўтказилади. Театр биносини Россиядаги энг бой кишилардан бири Михаил Фридман ижарага олди. Тантанага 300 дан ошиқ меҳмон, жумладан, Россиянинг Буюк Британиядаги элчиси Юрий Федотов ва бошқа кўлаб инглиз бизнесменлари таклиф этилган.

## СОВУҚ ЗАБТИГА ОЛГАЧ...

Бу йил қиш қаттиқ келди. Дунёнинг турли бурчақларида қаҳратон совуқ забтига олаёпти. Афғонистоннинг Деҳ Мурда қишлоғида 15 киши совқотиб ҳаётдан кўз юмди. Тўрт одам эса қор кўчкиси остида қолди. Тан жароҳати олганлар ҳам бор. Фожа юз берган жойга шифокорлар ва кутқарувчилар етиб келишди. Илгарироқ Туркияда ҳам автобус қор остида қолиб, 9 йўловчи ҳалок бўлган, 17 киши жароҳатланиб, касалхонага ётқизилган эди.



## ОЛТИ СОАТДАН СЎНГ...

«Al Salam Maritime Transport» компанияси Миср ҳукуматида Қизил денгизда чўкиб кетган сол (паром) ҳақида орадан олти соат ўтиб хабар берган. Мамлакат Президентининг матбуот котиби маълум қилишича, фалокат маҳаллий вақт билан тунги соат иккиларда юз берган. Фақат эрталаб соат 7 ларда транспорт компанияси вакиллари Сафа порти раҳбарлигида уларга қарашли сол билан алоқа узилганлигини айтишадди. Яна 45 дақиқа ўтгачина унинг чўкиб кетганлигини тан олишади.

Оқибатда кутқарув самолёти фожа юз берган жойга эрталаб соат 8 дагина етиб келди, кемалар янаям кўпроқ кечикишди. Илгари фақат сол экипажи, айниқса, капитаннинг хатоси ҳақида кўп гапиришган эди. У солда ёнғин



бошлангач, орқага — Саудия Арабистонига қайтиш ҳақида буйруқ бермаган. Кейинроқ яна иккита хатога йўл қўйган йўловчиларга кутқарув нимчалари тарқатилмаган, эшакли қайиқлар сувга туширилмаган.

Ҳалокатга учраган солдаги 1400 йўловчидан фақат 400 дан ошиқроғинигина кутқаришга муваффақ бўлинган. Миср Президенти айбдорларнинг барчаси жазоланишини айтди.

## ЖАНГАРИЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Албания пойтахти Тиранага кетаётган автобусни қуролланган икки жангари эгаллаб олди. Автобус блок-постдан ўтаётганида жангарилардан бири полициячиларга граната улоқтирди. Натижада бир осойишталик посбони ҳалок бўлди, беш киши тан жароҳати олди.

Тус-тўполондан фойдаланиб барча йўловчилар қочинишга муваффақ бўлишди. Отишма чоғида бир жангари яраланди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам қўлга олинди. Ҳозирда тергов ишлари давом этаёпти.



# СЕРЖАНТЛАР

Республика ИИБ Академиясида сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курсларнинг ташкил этилгани ички ишлар идораларида ўтказилаётган ислохотларнинг амалий натижаларидан бири бўлди. Билим даргоҳини битирган кўп рақабатли сержантлар алақачон жойларда хизмат қилишарди. Ҳадемай, мактабнинг навбатдаги битирувчилари амалий ишга, яъни хизмат жойларига йўланма оладилар. Шунинг ҳам билан ҳолда сержантларни тайёрлаш ва уларнинг хизматдаги фаолиятини мунтазам равишда кенг ёритиб боришни лозим топдик.

Қуш полапонини учирма қилаётганини кузатганимиз? У боласининг қандай қанот қоқайтгани, қўниб-учайтгани, ҳашарот тутаётганини кузатиб, ёнида туради. Биз билим даргоҳларини битириб, амалиётга йўланма олганларни рамзий маънода учирма бўлган қушларга ўхшатамиз. Мадомики, шундай экан, уларга «қанот берган» муаллим, устозлар кейинчалик ҳам шоғирлардан хабар олиб туриши лозим экан. ИИБ Академияси сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курслари раҳбарлари, ўқитувчи-профессорлари Қўрақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБларида бўлиб, ўқишни битириб, хизмат қилаётган сержантлар фаолияти билан танишдилар. Шунингдек, уларнинг ота-оналари билан учрашдилар. Бу тadbирлардан асосий мақсад курсантларга берилаётган билимларнинг амалиётдаги натижасини билишдан иборат бўлди. Жойлардаги бошқармалар раҳбарлари, бевосита сержантлар билан бирга ишлаётган бўлим, бўлинма бошлиқлари уларнинг хизматида баҳо бериб, таклифлар билдиришди. Биз учрашув иштирокчиларидан айримлари билан суҳбатлашдик.

**Султонбой Тангрибердиев, ИИБ Академияси сержантлар таркибини тайёрлаш**

Олий курслари бошлиғи, полковник:

— Жойларда ўтказилган учрашувларни бир сўз билан қатта аҳамиятга эга бўлди дейиш мумкин. Чунки биз билим бериш жараёнида н и м а л а р г а кўпроқ эътибор қаратишимизни, қайси фанларни янада чуқурроқ ўргатиш лозимлиги ва бошқаларни билиб олдик. Бир қатор таклифлар ҳам билдирилдики, биз, келгуси режаларда уларни, албатта ҳисобга оламиз. Кўпчилик фуқароларимиз мактабимизни битирган сержантлар билан амалда хизмат қилаётган сержантларнинг фарқига боришарди. Учрашувларда ота-оналар олий маълумотли ўғлим ёки қизим оддий сержант бўладими, деган савол беришди. Биз у л а р г а Олий курсларни битирган сержант о ф и ц е р лавозимиде ишлаши, унинг вазифасини бажариши ва маоши ҳам

## ТАКЛИФ, МУЛОҲАЗА ВА МУАММОЛАР



тенг бўлишини тушунтирдик. Ҳозирги кунда билим олаётган тингловчиларнинг

ота-оналарига фарзандларининг машғулотларни ўзлаштириши ҳақида маълумотлар бердик. Шу ўринда айрим ота-оналарнинг фарзандларига гўё зориқатгандай пул жўнатиш билан овора бўлаётганларига эътироз билдирдик. Биринчи гада, уларнинг яхши билим олишлари учун

моддий ёрдамдан кўра, маънавий далда бериш лозимлигини тушунишлари зарур. Хизматда ҳалол, бурчга садоқатли, вазифасига масъулиятли бўлишга чақиритилари керак.

**Шавкат Мамадалиев, гуманитар ва ижтимоий ҳуқуқий фанлар цикли бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, подполковник:**

— Андижон вилоятида бўлганимизда сержантларимиздан бири фуқаролар билан муомала қилишда қийнаётганини айтиб қолди. Ички ишлар ходимига турли миллат, ҳар хил табиатли, касбдаги кишилар мурожаат этишди. Шунинг учун ҳам муомала маданияти жуда зарур, албатта. Биз билим бераётган сержантлар, асосан фуқаролар билан мулоқотда бўлишини ҳисобга олиб, ўқув дастурида муомала маданиятидан ҳам машғулотлар киритдик.

Олий курсларга ўқишга кирмоқчи бўлганлар сони йил сайин кўпайиб борапти. Жойларда уларнинг ҳужжатлари жамланиб, шунчаки суҳбат ўтказилиб, бизга юборишади. Мен айнан ўқишга иштиёқли бўлганлар билан суҳбатда бўлдим. Айримлари мактаб дастуридаги сиёсий-ижтимоий саволларга жавоб беришолмади. Афсуски; ана шундай билими саёз йигитлар келиб, ўқишга қира олмай қайтиб кетади. Бизнингча, вилоятлар ИИБларида ҳужжатлар жамлангандан кейин Ички ишлар вазирлигидан, Олий курслардан вакиллар иштирокида номзодларни ёзма ва оғзаки дастлабки синовдан ўтказиш керак. Ана

шунда ўқишга лойиқ номзодлар сараланadi.

**Исматилла Самандаров, ҳуқуқий фанлар цикли бошлиғи, полковник:**

— Ички ишлар ходими ҳуқуқий билимларни яхши эгаллаган бўлиши керак. Биз олти ой давомида ҳар бир хизматнинг вазифаси нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда қонун-қоидалар бўйича билим берамиз. Учрашув давомида ўқиш олти ой эмас тўққиз ой, ҳатто бир йил давом этиши керак деган таклифлар билдирилди. Биринчидан, мукамал билимга эга бўлиш учун мустақил равишда ўқиб, ўрганиб тажриба орттириб бориш керак. Иккинчидан, бирор фанга қизиққан одам учун муддат эмас, иқтидор керак. Машғулот давомида яхши ўзлаштириб, вазифасини қойил қилиб бажараётганлар фикримизнинг далилидир.

Ўқишга қабул қилинадиганлар 25 эмас, 28 ёшгача бўлсин деган таклифни кўпчилик қўллаб-қувватлади. Мантқан олганда, тўғри тушуниш керак. Ҳозир тингловчиларнинг ўртача ёши 23 экан. Эртага булар гуруҳ, бўлинмага раҳбарлик қилади. Бошлиқ ўзини тутиб олган, озгина бўлса-да ҳаёт тажрибасига эга бўлиши керак, албатта.

**Имомқул Пирматов, ШТБХ бошлиғи, подполковник:**

— Жойларда ўтказилган учрашувларда билдирилган таклифларни умумлаштириб, жамлаб, раҳбариятга тақдим этдик. Мадомики, биз тайёрлаётган сержантлар келгусида ички ишлар идораларининг асосини ташкил қилар экан, уларга ҳар томонлама мукамал билим беришимиз керак. Бунинг учун бугун билдирилган таклиф, талаб, эътирозлар ҳисобга олиниши зарур, деб ўйлаймиз.

Одатда бирор гуруҳ ёки бўлинмага бошлиқ тайинлашда номзодлар масаласида кўп бош қотиришга тўғри келади. Чунки давр шиддат билан олға бораркан, ҳар соҳадаги каби ички ишлар хизматига ҳам талаб ошиб борапти. Бугунги кунда раҳбар ҳар томонлама етук, ибратли бўлиши керак. Шу жиҳатдан олганда ИИБ Академияси сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курсларда таълим олиб келган ходимлар анча пишиқ, пухта билимга эга эканлиги билан кишини қувонтиради.

## ИШОНЧ ОҚЛАНМОҚДА

Ўтган йил октябрь ойида кичик сержантлар Шерзод Қудратов ва Шухрат Олимовлар кўриқлаш бўлимига ишга келишди. Улар хизматни тезда ўзлаштириб олдилар. Ҳужжатлар билан ишлаш, гуруҳни бошқариш, ходимларни ишга тақсимлаш, назорат қилиш кабиларда бошқаларга ибрат бўла бошладилар. Уларга ишонч билдириб, ҳаётий зарур, муҳим объектларни кўриқлаётган взводларга сардорлик қилишни топширганимиз. Йигитлар ишончини оқлашарди. Сержантлар таркибини



тайёрлаш бўйича Олий курсларга кириб ўқишга яна номзодларимиз бор. Келгусида уларни ҳам ўқишга юбориб, хизматни етук кадрлар билан тўлдиришни режалаштирганмиз.

**Шухрат ХУШМУРОДОВ, Сирдарё вилояти ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими бошлиғи ўринбосари, майор.**

Суратда: Гулистон шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими взвод сардори, кичик сержант Шерзод Қудратов ходимлар билан машғулот ўтқаяпти.

**Икром ЖОНЗОҚОВ, олган сурат.**

## ПУХТА БИЛИМ ОЛЯПМИЗ

Мен уч йил давомида Жиззах вилояти Ғалаорол тумани ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлимида уч йил ишладим. Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курсларга ўқиш ҳақида эшитганимда бошланғич тайёргарлик мактабини тасаввур қилгандим. Бу ерда яшаш, ўқиш, дам олиш, жисмоний чиниқиш учун яратилган шароитлар аъло даражада экан. Ҳар бир хизмат йўналиши бўйича таълим олаётганлар учун замонавий асбоб-ускуна, кўрғазмалар билан жиҳозланган хона ташкил этилган. Биздан фақат пухта билим олиш ва уни амалиётда оқилона фойдаланиш талаб этилади. Менга, айниқса, ҳужжатлар билан ишлашни чуқур ўргатилаётгани, ижтимоий фанлар ёқади.

Ишлаш жараёнида кўп муаммоларга дуч келардим, шу ерда жавоб топаяман. Айримлар асосан амалиётни чуқур билиш керак деб ҳисоблайди. Менимча, назарий билимлар ҳам пухта бўлиши керак. Ўқиш даври жуда тез ўтиб кетаяпти. Ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб, устозлардан кўпроқ билим олишимиз керак.

**Жамшид ЭГАМҚУЛОВ, курсант.**

Мен ҳозир Собир Раҳимов тумани ИИБ ППХ ва ЖТСБ инспектори бўлиб хизмат қилаяпман. Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курсларга кирганимда олти ойда шунча кўп билим оламан деб ўйламаган эдим. Айниқса, ҳуқуқий билимлар анча мукамал ўргатилади. Гарчи ўзим олий маълумотга эга бўлсамда, яна бир институтни битиргандай бўлдим. Машғулотлар пухта ўтилгани сабабли хизматда деярли қийинчиликлар бўлмади. Назарий билимларнинг амалиётдагиси билан мувофиқ келиши ўқув дастурларини хизматдаги тажрибалар асосида ишлаб чиқилганидан деб ўйлайман.

Жанговар ва жисмоний машғулотлар барча тингловчиларга ёқди, десам хато бўлмайди. Айни қирчиллама йигитлик даврида спорт билан мунтазам шуғулланиб чиниқиш, келгусида саломатлик учун жуда фойдали, албатта. Қолаверса, ички ишлар ходими, соғлом, бақувват бўлиши керак.

Менимча, ҳужжатлар билан ишлаш машғулотларини кўпайтириш керак. Кейин, ўқиш давомида амалиётга чиқишга ҳам кўпроқ вақт ажратилса, олган билимлар янада пухта бўлади.

**Одил НАЖМИДИНОВ, сержант.**

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ УЎҚУВ

# SHOH BO'LSA-DA, BOLA EDI

Saroy ayonlari davlat ahamiyatiga mo'lik bir muhim masalani hal etmoq uchun saroyga – Ahsi qal'asiga yig'ilganlarida o'n ikki yoshli shoh Bobur ularning taklifi bilan istar-istamas taxtga o'tirdi. Uning bu ishga ro'yxushlik bildirmasligiga birinchi sabab har kuni bunday yig'ilishlar bo'laverganidan zerikkan bo'lsa, ikkinchi sabab u o'z hosxonasidan majlis o'tkaziladigan xonaga kirayotganida derazadan ko'chada chavgon o'ynayotgan bolalarga ko'zi tushdi. "Essiz, muhtaram padari buzrukvorim bevaqt qazo qilma-ganlarida va meni shoh qilib tayinlaman-ganlarida edi, balki men ham ularga o'xshab miriqib o'ynarmidim..." -deb o'yladi Bobur.



Bobur

Mirzo endi shoh, butun boshli

Qutlug' Nigorxonim o'g'lini mashvarat o'tkaziladigan xonaga kuzatib borar ekan, o'g'lining ko'chada o'ynayotgan bolalarga tikilib qolganini ko'rdi va bir zumgina bo'lsada dilbandini ozod kabutardek ko'chaga uchirib yuborgisi keldi. Biroq

Farg'ona elining ertasi uning taqdiriga bog'liq. Shunday ekan hozir o'yinning mavridi emas. Mashvarat boshlandi. Ayonlar avval yurtning kechasi va buguni to'g'risida so'zlashdi. So'ngra bugungi eng asosiy masala - Andijon taxtining

ertasi qanday bo'lishligi xususida fikr bildirishdi, kerak bo'lsa bahslashishdi ham. Bobur Mirzo butun Andijon vakillarining eng nufuzli piri, qolaversa o'zining murshidi Xo'ja Abdullaning qo'lidagi muqaddas Qur'on kitobiga tikilib qarab turardi, aftidan bugungi yig'ilish unga yoqmayotgandek edi.

Bir vaqt Bobur Mirzo hammani hayratga solib, tashqariga yugurib chiqib ketdi, aniqrog'i saroy hovlisi o'rtasidagi tut daraxti tomon tezlik bilan bordi.

No'yon Ko'kaldosh birinchi bo'lib Mirzoning oldiga yetib kelganida, Bobur bir nimani kaftida avaylab ushlab turar, xuddi bir nima qidirayotgandek daraxt tepasiga ko'z yugurtirardi.

Sekin-asta boshqalar ham yig'ildilar. - Amirzodam, - asta hayajon bilan so'z boshladi No'yon, - agar so'zlarimni ayb etmasangiz, hayronman, bu harakatlaringizni tushunmadik.

Bobur avval No'yonga, so'ngra boshqalarga bir-bir qarab chiqarkan, oxirida kulib yubordi va asta kaftlarini ochdi. Boburning kaftchalari orasida jajjigina chumchuq bolasi yotar,

Boburning kafti yoqqan shekilli kichkina boshchasini uning bosh barmog'iga asta qo'yib odamlarga tikilib turardi.

- Azizlarim, - Bobur piriga qarab so'zlardi, - qilg'on harakatlarimni aybga buyurmagaysizlar. Ichkarida ko'rib qoldim-ki, mana bu ojiz polapon o'z inidan yerga qulab tushmish. Magar bizlar munga e'tibor bermay o'z ishlarimizni qilaverganimizda edi, bu Allohning majolsiz jonzodi nobud bo'lur edi. Shundoq emasmu, ustoz?

Xo'ja Abdulla shohga asta ta'zim qilarkan, o'z kulgusini yashira olmadi. Boyadan beri o'zini zo'r-bazo'r tutib turgan Qutlug' Nigorxonim ham, ayonlar ham kulib yubordilar.

Balki kimlardir Bobur o'n ikki yoshligida taxtga o'tirganida jiddiy, kattalardek hatti-harakatga ega bo'lgan, deb o'ylashar. Biroq ular yanglishadilar, bu vaqtda Bobur butun dunyo illatlaridan pok, qalbi sof va bolalarcha beg'uborlikka ega shoh edi. Butun umr shunday bo'lib qoldi.

**Erkinjon UMAROV,**  
O'zMU jurnalistika fakulteti talabasi.

Alisher Navoiy nomli respublika nafis san'at litseyida iqtidorli o'quvchilar ko'pchilikni tashkil qiladi. Bugungi sahifamizda ana shu litseyning 6-«A» sinfning ijodkor o'quvchilariga joy ajratdik.

### NUQTA

Odamlar yashamoq  
uzoq deyishar,  
Mol davlat ahtarib  
har dam kuyishar.  
O'zlarini nogoh  
shoh deb bilishar,  
Qachon bu illatga  
nuqta qo'yishar.  
**Bahodir HASANOV.**

### OILAMIZ JAM BO'LGANDA

Quyosh porlar boshimizda,  
Gullar unar qoshimizda.  
Baraka bor oshimizda,  
Oilamiz jam bo'lganda.

Yuzimizdan yog'ilar nur,  
Qalblar to'la quvonch surur.  
Bag'ishlaydi bizga g'urur,  
Oilamiz jam bo'lganda.  
**Gulnoza SHODIYEVA.**

### TOPISHMOQLAR

O'zi asli dumaloq,  
Yuragida yer yuzi.  
O'qib, o'rgangin o'rtoq,  
U asli dunyo ko'zi.



Nurini sochaverar,  
Ko'nglini ochaverar.  
Qani ayt-chi nomini,  
Shudringlar qochaverar.



Maftuna ABDURASHID qizi.

## YOLG'ONCHILIK OQIBATI

Odamlar uchta ishdan hijolat bo'lishadi: -yolg'on gapirmoqlikdan, omonatga xiyonatdan, o'g'irlikdan. Ular mana shu ishlarni qilishsa, oxiri nimaga olib kelishini bilishmaydi. Yomon illatlardan biri yolg'onchilikdir. Yolg'onchilik tufayli

tuhmat tagida qolib ketgan insonlarni ko'rsam dilim og'riydi. Inson yolg'on gapirgan paytda o'zgalarni emas, balki o'zini aldaydi. Yolg'onchilik bilan ko'pgina yomon ishlarga qo'l urish mumkin. Masalan, o'g'irlikka.

Mana shunday ishga qo'lgan inson albatta omonatga xiyonat ham qiladi. Ba'zan onda-sonda bo'lsa ham shunday insonlar borligiga guvoh bo'lamiz. Men esa ularni bu yo'ldan qaytishlarini so'rab qolardim.  
**Zilola G'OFUROVA.**

## KANAREYKA QUSHMI YOKI IT?

1402-yil ispan-portugallardan iborat ekspeditsiya Afrikaning shimoliy-g'arbiy qirg'og'i tomonida o'zlari kashf etgan yangi orolda ajoyib qushchani sayrashiga mahliyo bo'lib qoldilar. Sayroqi qushning xonishidan rosa bahramand bo'lgan sayyohlar bu orolni "Kantar orollari" deya nomlab, ortlariga — Yevropaga qaytadilar.

Oradan ko'p vaqt o'tmay, Gyuyzo ismli savdogar orolga sayohat qiladi. Uni ham dengizchi-sayyohlarni qoyil qoldirgan qushcha o'ziga rom etadi. Savdogar bu qushchalarni



Yevropada juda katta narxda pullashga qaror qiladi.


Shunday qilib, nihoyatda chiroyli va sayroqi qush Yevropada paydo bo'ladi. Gyuyzo esa juda boyib ketadi.

Qushchani orol nomidan kelib chiqib, "Kanareyka" deya nomlashdi. Ammo "kanareyka" so'zini lotinchadan tarjima qilinganda "it qushi" ma'nosini berar ekan. Unda nima uchun orol "Kantar" deb nomlangan?

Ma'lum bo'lishicha, dengizchi-sayyohlar bu orolda ushbu qushchadan tashqari yana juda ko'plab itlarni ham ko'rishgan va "Itlar orollari" — "Kantar orollari" deya nom berishgan.

AZAMAT.

### RASMLARDAGI O'NTA FARQNI TOPING



**Ўзбек халқида бирор бир тўй-тантана йўқки, унда турли мавсум ва маросимга мос, кундалик тақинчоқлар тақилмайдиган бўлсин. Келин-куёвларга, суннат қилинган болага, ҳатто бешикдаги болакай учун ҳам муайян тақинчоқ тақадилар.**

Киз-жувонлар, момою бувилар албатта ўз ёшларига муносиб тақин-



чоқлар тақадилар. Тақинчоқлар тақиш ҳам ҳар бир миллат маданияти таркибига кирадиган умри узун удумлардан биридир. Кийиниш одати сингари

тақинчоқ тақиш ҳам инсоният пайдо бўлгандан буён такомил топиб, бизгача етиб келгунига қадар унга бир умрлик ҳамроҳ сифатида ривож топиб, ранг-баранглашиб келмоқда.

Тақинчоқнинг тури, вазифаси, хизмати кўп. Уларни шартли равишда уч турга бўлиш мумкин. 1. Безак тақинчоқлар. 2. Ирим-эйтиқод тақинчоқлари. 3. Шифобахш тақинчоқлар. Бу уч асосий турдан ташқари маиший хизмат учун тақиладиган, муайян вазифани бажаришга қаратилган тақинчоқлар ҳам борки, улар турли тугма, тўғнағич, тутқич, боғлагич, занжир ва бошқалар бўлиб, кийим-кечакка ёрдамчи буюмлар сифатида ишлатилади.

Тақинчоқлар тумор, тугдона, кўзмунчоқ, марварид, тасбеҳ, пўпак, шокила, тиллақош, кулота, халқа, бурундук, зулфмунчоқ, қалампирмунчоқ, узуклар ва ҳоказолардан иборатдир. Тақинчоқларга ёндош хина,

# ТАҚИНЧОҚ — ЗИЙНАТ

тишқол, сурма ва бошқалар ҳам борки, уларни ҳам учинчи тур тақинчоқлар ёнига қўйиш мумкин.

Безак тақинчоқларга бўйинга тақиладиган турли марварид, олтин-кумуш, забаржад, маржонлар туркуми киради. Ирим-эйтиқод тақинчоқларига тугдона, кўзмунчоқ, тасбеҳ, турли туморлар киради. Учинчиси — шифобахш тақинчоқлар ўз амалига кўра икки ҳисса кўпроқ вазифани бажаради. Улар ҳам тақинчоқ, безак, ҳам даволовчи хусусиятга эгалиги билан ажралиб туради. Буларга қалампирмунчоқ, тугдона, тишқол, сурма, шифобахш садаф ва марваридлар киради.

Безак тақинчоқларга қўллардаги узуклар, бўйинлардаги маржон, қулоқлардаги халқа, бурун балдоқлари, оёқ шиллик ва тирноқ тақинчоқлари киради.


Ирим билан боғлиқ одатлар уй ҳайвонларига нисбатан ҳам қўлланилади. Масалан, сигир, от, хўкиз сингари уй ҳайвонлари шох ва ёлларига инсжинс, ёмон кўздан асраш учун кўзмунчоқ, тумор тақиш одати мавжуд.

Кўй, от, мол калла чаноғи, исирик, қақиртикан, тақа, мунчоқ осииш кўринишлари ҳам худди шу одатларга яқин тура-

ди. Тумор тақиш, тақинчоқ тақиш одатида жуда кенг тарқалган. Туморлар мулла-эшон, азайимхонлар томонидан махсус тайёрланиб сочга, чопон ё дўппига, бешик ва беланчакка, ётоқ-уй, хонадонларга осиб қўйилган. Туморлар буви-бобо томонидан шунчаки ичига, ташига қалампирмунчоқ ёки кўзмунчоқ солиб ҳам тикилиб, тақилган. Бундай учбурчак туморларни маиший турмушдаги турли жойларда учратишингиз мумкин.

Тасбеҳ доналари ҳам ҳар хил жинслардан тейрилган қимматбаҳо тошлар, гавҳару садафлар, забаржаду феруза тошлардан иборат бўлиши мумкин. Турли уруғ доналари тешилиб, ибодат учун намозхон-ниёзхонларга тасбеҳ ясалган. Хурмо, жийда доналари, тугдондан ясалган тасбеҳсифат тақинчоқлари ҳам болалар бешиклари, уйларнинг кириш эшиклари яқинида осилган ҳолда учратишингиз мумкин.

Тақинчоқлар билан кунларимизда ҳам қайтадан расм бўлмоқда. Ёш болаларнинг қўлини ҳалоллашда салла ўраб, нишон тақиб, жиға-тамға



қадаш, куёвларга бош-оёқ сарпосига тақинчоқ илиш. Келинларда тиллақош, зебигардон, турли маржон-марваридлар осииш, кўйлақ энглари, тугма ўрнидаги тақинчоқлар, бўйинбоғ ва ҳоказолар ҳозирги даврнинг ҳам асосий тақинчоқларидан бўлиб қолди.

Турли сафарлар, мукофотлар, хизматдаги ютуқлар учун берилган кўкракка тақиладиган турли-туман нишонлар ҳам худди шу одатнинг ҳукумат томонидан расмийлаштирилган кўринишидир.

Хуллас, тақинчоқ тақиш одати кийиниш, бе-заниш, турли маросим ва тўй-томошалар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўзбек халқи маиший турмушида ҳам маданият дунёсига дахлдорликнинг моддий кўриниши сифатида яшаб келмоқда, ис-

тиқболда ҳам шундай бўлиб қолиши керак.

Бизнинг даврга келиб тақинчоқ тақиш кўпроқ ўзини бошқалардан ус-тун, бой-бадавлат кўрсатиш тусига кирганлиги ҳам сир эмас. Баъзи бир аёллар, киз-жувонлар керак бўлса-бўлмаса ҳар хил алмойи-алжойи нарсаларни тақишиб, ўзларини кўз-кўз қилиб юришадики, тақиладиган нарсанинг моҳиятини билмай, бўйинга илиб кетавериш маданият белгиси эмас. Янги расм бўлган тақинчоқ-қисқични (булоқ) соч, қош, қўлоёқ тирноқлари ҳатто киндикка тақиш одат бўлаптики (номдор хонандаларимиз томонидан) бу ўзбек миллий урф-одатларимизга зиддир.

(Давоми бор).

# ТУШЛАР ТАЪБИРИ

(Боши ўтган сонда).

## БУҚА

Буқани кўриш — энгил касаллик. Уйига кўн буқаларни ҳайдаб келиш — осон келадиган пул, мол-мулк ва бошқа нарсалардан дарак. Агар, уйдан нарига ҳайдаб кетса — қўлдан кетаётган ишларни билдиради.

## БҲЙРА

Бўйранинг устида ўтириш — келаётган гариблик белгиси. Олдини олишга уриниш. Бўйра тўқимок — саёҳатга чоғланиш.

## БҲРИ

Бўри — ёвуз душмандан дарак. Тадорик кўриш керак.

## БУЛУТ

Кўкка кўтарилиб бораётган булут — яхшилик аломати. Қизғиш булут — бекорчилик даври келаётганидир. Кул ранг булут — ғам-аламдан дарак. Қора булут — ёмонлик, фожиа ва алдов яқинлашаётганидан хабар.

## БОЙ ОДАМ

Агар у кулиб турган бўлса — ўз ишидан ёки кутилмаган жойдан даромад келиши. Кўпол ва хафа бой одам кўринса — қилинаётган ишнинг нотўғрилигидан ва хатолардан хабар. Агар ўзини муҳташам уйда бой ҳолида кўрса — орзу-ҳавасларининг рўёбга чиқишидир.

## ГАЗЕТА

Кўриш — қандайдир хабар келади. Ўқиш — нимадандир ҳайрон бўлиш. Газета чоп этиш — устамонлик оқибатида келадиган даромад. Сотиб олиш — чиқадиган гап-сўзга ўзингиз сабабчисиз. Газета бериш — кимгадир фойдали маслаҳат берасиз.

## ГУЛ

Боғда очилган турфа гулларни кўриш — хурсандликдан нишона. Сарик ёки қизил гулни кўриш — қарама-қаршиликларни енгиб ўтиш. Сўлиган гул — кўнгилсизлик келаётганини билдиради. Хонадаги гул — кимдандир, нимадандир завқланиш. Синган гул — хиёнатдан хабар. Гулдаста — сизга ҳавас қилишмоқда. Гул узиш — турмуш куришга ишора. Гул ҳиллаш — хотиржамлик. Чаккасига гул қаласа — гўзал ва фаровон ҳаёт кечириниш, мафтункорлик.

## ГҲШТ (ПИШГАНИ)

Пишган гўшт ейиш — беморлик, қайғу-изтироблар аломати. Яхши пишган гўшт идишда бўлса ва столга қўйилиб, оила билан тановул қилинса — яхшилик аломати.

## ГҲШТ (ХОМИ)

Қон сизиб турган мол гўшти кўпинча оғир хасталиқдан, йиқилишдан, тананинг бирон жойи жароҳатланишидан дарак беради.

(Давоми бор).

Ўзв катори	Эрон виллояти	Денгиз	Мактуб	Хинд шаҳри	Пойтахт Ломе
Лавозим	Сурат	Гул	Мақом	Дарахт	Талбир
Аҳл сўз	Мактаб хонаси	Хонадон	Ўтар	Азаллий кўшик	Осиё юрти
Дори ўлчови	Жорж ... (ади ба)	Эрон шоҳи	Африка давлати	Мото марка	Пайгамбар
Насихат	Ип мато	Истақ	Пойтахт (Европа)	Бокс майдон	Эркак исми
Вакт ас-боби	Чин	Покиза	Дон	Алабий жаир	Авто марка

### СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: Мониторинг. Сен. Фил. Авлиё. Они. Оҳангдор. Маърифатпарвар. Ун. Шер. Аждар. Грамм. Эрк. Дуо. «Аббе». Токи. Икра. Калтаминор. Донор. Иш. Ихлос. Шотут. Кема. Анъана. Пакки. От. Қир. Оро. Онг. Пи. Шоҳ. «Улар». Омад. Дўлма. Гифу. «Як». Латофат. «Ил». Ем. Уй. Мармар. Йилкчилик. Ойова. Аваз. Ас. Нуқс. Картошкагул. Бўйига: Гина. Муҳожир. Мамнун. Гармдори Одат. Оруро. Ринг. Нил. Аут. Поён Лира. Бери. Эндокринология. Оқ. Ка. Шерик. Ом. Алп. Пахта. Сафарбарлик. Она. Риони. Удум. Илик. Лирика. Рам. Истироҳат. Алмай. Аломат. Киноматограф. Шақилдоқ. Таштарошлик. Ямал. Лиман. Кўйлақ. Узок. «Иван». Ток. Ва. Га. Ук. Соч.

«ТУРИН-2006»

# ДЎСТЛИК ВА ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ

Кунни кеча Италиянинг Турин шаҳрида XX Қишки Олимпиада ўйинлари машғаласи ёқилди.



Шу йилнинг 10-26 февраль кунлари Италиянинг Турин шаҳрида XX Қишки Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади. Мусобақалар етти асосий қишки спорт турларидан ташкил топган бўлиб, яна 15 та қўшимча турлар бўйича ўтказилади. Олимпиаданинг тантанали очилиш маросими «Олимпико» ўйингоҳида дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган спорт делегациялари иштирокида бўлиб ўтади.

Шу ўринда очилиш маросими ҳақида бир оз тўхталиб ўтсак. Ташкилотчилар очилиш маросимини мухлислар қалбида бир умрга ёдда қолдириш мақсадида катта тайёргарлик ишларини олиб бордилар. «ТЕЗЛИК, ҲИС-ТУЙҒУ ВА РИТМ» – асосий шиор қилиб олинган «Турин-2006» очилиш маросимини кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида кўплаб мутахассислар тер тўқдилар. Улар орасида либосчилар, мушакчилар, дизайнер ва хореографлар, кўнгилчилар самарали меҳнат қилдилар. Маросимнинг энг юқори нуқтаси сифатида «Ҳис-туйғу учқунлари» фигурали учуш гуруҳининг чиқишини кўриш мумкин. Саккиз

нафар спортчининг конькида соатига 50 км тезлик билан саккизта оловни ўйнатиб ўтиши ҳамда замонавий технологиялар ёрдамида 2 метрлик оловли из қолдириши очиلىш маросимининг энг томошабоп кўриниши бўлди. Турин олимпиадасида тўрт минг нафар спортчи, мураббий ҳамда расмий делегация аъзолари қатнашди. Мусобақаларнинг боришини дунёнинг 9 минг нафар ОАВ ходимлари ёритиб боради. Ушбу мусобақаларни икки миллиарддан зиёд мухлислар томоша қилади.

Турин олимпиадасида юртимиз шарафини тўрт нафар спортчимиз ҳимоя қилади. Фигурали учуш бўйича Артём Князев ҳамда Мариана

Аганина жуптлиги, яқкалик баҳсларида эса Анастасия Гимазетдинова, тоғ чангиси бўйича Қайрат Эрметовлар ушбу нуфузли мусобақада иштирок этади.

Олимпия ўйинлари тарихида илк марта ўзбекистонлик ҳакам Евгений Рохин конькида учуш мусобақаларида ҳакамлик қилади.

Умид қиламизки, мамлакатимиз спортчилари Туриндан ёруғ юз билан қайтишади. Уларга ушбу нуфузли мусобақада Ватан шарафини муносиб ҳимоя қилишларида омад ёр бўлишини тилаймиз.

Абдулҳай ЮНУСОВ.



Шу йилнинг 22 февраль кунини миллий терма жамоамиз Осиё чемпионатининг илк саралаш учрашувида Бангладеш терма жамоасига қарши майдонга тушади. Ушбу ўйинга тайёргарлик кўриш мақсадида терма жамоа футболчилари дастлабки ўқув-йиғин машғулотларини хоризжда ташкил этиш ниятида.

## ИЛК ЙИҒИН БААДА ЎТАДИ

Ўзбекистон терма жамоасининг янги бош мураббийи Валерий Непомнящий 12-19 февраль кунлари Бирлашган Араб Амирликларида ташкил этиладиган ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этадиган футболчилар рўйхатини эълон қилди.

ЎФФ ахборот-таҳлил марказидан олинган маълумотга кўра, терма жамоа сафидан илк марта Москванинг «ЦСКА» жамоаси ҳимоячиси Виталий Денисов ҳам жой олган. Терма жамоа сафида қисқа танаффус қилган Зайниддин Тожиёв ҳамда Андрей Власичевлар яна таркибга жалб этилган.

Қолган чизикларда қуйидаги футболчилар кўриқдан ўтади:

Дарвозабонлар: Игнатий Нестеров, Темур Жўраев («Пахтакор»), Юрий Цой («Машғал»), ҳимоячи-

лар: Асрор Алиқулов, Илҳом Суянов, Ислоҳ Иномов («Пахтакор»), Камолддин Кенжаев («Машғал»), Виталий Денисов («ЦСКА» Москва), Андрей Фёдоров («Рубин»), Бахтиёр Ашурматов («Крилья Советов» Самара), ярим ҳимоячилар: Владислав Кириян, Сервер Жепаров, Иброҳимжон Раҳимов, Ренат Байрамов, Вячеслав Пономарёв, Алексей Килькунов, (ҳаммаси – «Пахтакор»дан), Азиз Ҳайдаров («Локомотив»), Виктор Карпенко («Қайрат» Қозоғистон), Марат Бикматов («Рубин» Қозон), ҳужумчилар: Анвар Солиев («Пахтакор»), Зафар Холмуродов («Машғал»), Улугбек Бақоев («Тобол» Кустанай).

Терма жамоа сафидаги асосий легионерларимиз 19 февраль кунини Тошкентга учиб келади.

## МЎМИНЖОНОВ ИСРОИЛДА ЎЙНАШИ МУМКИН

Тошкентнинг «Трактор» жамоаси ҳужумчиси Илҳом Мўминжонов ўз фаолиятини Исроилда давом эттириши мумкин, деб хабар беради ЎФФ ахборот-таҳлил бўлими. Ҳамюртимизга Хасрон шаҳрининг «Хапоэл-Рамат» жамоаси жиддий қизиқиш билдирган.

– Мазкур клуб Мўминжоновнинг трансфер баҳосини сўраб бизга мактуб йўллади, – дейди ЎФФ Бош котиби С. Раҳматуллаев. – Унинг Исроилга жўнаб кетганига бир неча кун бўлди. Агар у клуб мураббийлариға маъқул тушса, жамоа билан шартнома имзолайди.

Дарҳақиқат, Мўминжонов ушбу клуб билан шартнома имзолаеса, Исроилда тўп сурган учинчи ўзбекистонлик бўлиб қолади. Унга ушбу мамлакатда Игор Шквинин ҳамда Борис Моисеевлар тўп суриб қайтишган.

ТАКВИМ

# ЎЙИНЛАР САНАСИ ТАСДИҚЛАНДИ

2 февраль кунини Ўзбекистон Футбол Федерацияси раҳбарияти 15-миллий чемпионатимиз тақвими тасдиқлади. Эсингизда бўлса, бу йилги биринчилик баҳсларига қуръа ташлаш маросими 17 январь кунини бўлиб ўтган. Бу сафарги йиғилишда ўйинлар ўтадиган кунларга аниқлик киритилди.

Йилнинг иккинчи ярмида клубларимиз ва терма жамоамизнинг халқаро учрашувларида иштирок этишини инобатга олиб, ёзги танаффусга қадар иккинчи давранинг ҳам иккита тури ўтказиладиган бўлди.

**8 март (чоршанба) Осиё Чемпионлар лигаси**  
Пахтакор - Ал-Иттиҳод (Сурия)  
Ал-Минаа (Ироқ) – Машғал

**БИРИНЧИ ДАВРА**  
**1-ТУР. 11 март (шанба)**  
Локомотив (Тошкент) – Трактор (Тошкент)  
12 март (якшанба)  
Тўпаланг (Сариосиё) – Шўртан (Ғузор)  
Сўғдиёна (Жиззах) – Нефтчи (Фарғона)  
Андижон (Андижон) – Металлург (Бекобод)  
Пахтакор (Тошкент) – Самарқанд-Д (Самарқанд)  
Насаф (Қарши) – Навбахор – Наманган (Наманган)  
Хоразм (Урганч) – Бухоро (Бухоро)  
**13 март (душанба)**  
Қизилқум (Зарафшон) – Машғал (Муборак)

**2-ТУР. 17 март (жума)**  
Тўпаланг – Локомотив  
Трактор – Сўғдиёна  
Нефтчи – Андижон  
Металлург – Пахтакор  
Самарқанд-Д – Насаф  
Машғал – Хоразм  
**18 март (шанба)**  
Шўртан – Бухоро  
Навбахор-Н. – Қизилқум

**18 март (шанба) Ўзбекистон кубоги. Биринчи босқич**

№1 Курувчи (Тошкент) – Шайхонтоҳур (Тошкент)  
№2 Шаҳрихон (Шаҳрихон) – KOSONSOY – ZAKOVAT (Косонсой)  
№3 Хазорасп (Хазорасп) – Зарафшон – НЦЗ (Навоий)  
№4 Шўрчи (Шўрчи) – Сурхон (Термиз)  
№5 Оқтепа (Тошкент) – ОТМК (Олмалик)  
№6 УзДонгЖу (Андижон) – Қўқон-1912 (Қўқон)  
№7 Миёнкол (Каттакўрғон) – Сирдарё (Гулистон).

**20 март (душанба) Ўзбекистон кубоги 1/16**  
Цементчи (Қувасой) – Қизилқум

**22 март (чоршанба) Осиё Чемпионлар Лигаси**  
Қодисия (Қувайт) – Пахтакор (Тошкент)  
Машғал (Муборак) – Ал-Айн (БАА)

**22 март (чоршанба) Ўзбекистон кубоги 1/16 финал**

Кимёгар (Чирчиқ) – Бухоро  
Ғаллакор (Ғаллаорол) – Навбахор-Н.  
№1 жуптлик ғолиби –

Локомотив (Тошкент)  
НБУ-Осиё (Тошкент) – Шўртан  
№2 жуптлик ғолиби – Андижон  
№3 жуптлик ғолиби – Трактор  
№4 жуптлик ғолиби – Хоразм  
№5 жуптлик ғолиби – Сўғдиёна  
№6 жуптлик ғолиби – Самарқанд-Д  
№7 жуптлик ғолиби – Металлург  
Вобкент (Вобкент) – Тўпаланг

**3-ТУР. 26 март (якшанба)**  
Сўғдиёна – Тўпаланг  
Локомотив – Шўртан  
Андижон – Трактор  
Насаф – Металлург  
Қизилқум – Самарқанд-Д  
Хоразм – Навбахор-Н  
27 март (душанба)  
Пахтакор – Нефтчи  
Бухоро – Машғал

**4-ТУР. 1 апрель (шанба)**  
Тўпаланг – Андижон  
Шўртан – Машғал  
Трактор – Пахтакор  
Нефтчи – Насаф  
Металлург – Қизилқум  
Самарқанд-Д – Хоразм  
Навбахор-Н. – Бухоро  
**2 апрель (якшанба)**  
Локомотив – Сўғдиёна  
**5-ТУР. 7 апрель (жума)**  
Пахтакор – Тўпаланг  
Машғал – Навбахор-Н.  
**8 апрель (шанба)**  
Андижон – Локомотив  
Сўғдиёна – Шўртан  
Насаф – Трактор  
Қизилқум – Нефтчи  
Хоразм – Металлург  
Бухоро – Самарқанд-Д

**12 апрель (чоршанба) Осиё Чемпионлар Лигаси**  
Пахтакор – Фулад (Эрон)  
Ал-Ҳилол (С. Арабистони) – Машғал

**6-ТУР. 15 апрель (шанба)**  
Тўпаланг – Насаф  
Сўғдиёна – Андижон  
Шўртан – Навбахор-Н.  
Трактор – Қизилқум  
Нефтчи – Хоразм  
Металлург – Бухоро  
**16 апрель (якшанба)**  
Локомотив – Пахтакор  
Самарқанд-Д – Машғал  
**7-ТУР. 21 апрель (жума)**  
Пахтакор – Сўғдиёна  
Андижон – Шўртан  
Хоразм – Трактор  
Бухоро – Нефтчи  
Машғал – Металлург  
Навбахор-Н. – Самарқанд-Д

**22 апрель (шанба)**  
Насаф – Локомотив  
**23 апрель (якшанба)**  
Қизилқум – Тўпаланг  
**26 апрель (чоршанба)**  
Осиё Чемпионлар лигаси  
Фулад – Пахтакор  
Машғал – Ал-Ҳилол  
**26-27 апрель (чоршанба-пайшанба)**  
Ўзбекистон кубоги 1/8 финал (биринчи учрашувлари)

**2 май (сешанба)**  
Ўзбекистон кубоги 1/8 финал (биринчи учрашувлари)  
**3 май (чоршанба)**  
Осиё Чемпионлар Лигаси  
Ил-Иттиҳод – Пахтакор  
Машғал – Ал-Минаа  
**8-ТУР. 6 май (шанба)**  
Трактор – Бухоро  
**7 май (якшанба)**  
Тўпаланг – Хоразм  
Локомотив – Қизилқум  
Сўғдиёна – Насаф  
Шўртан – Самарқанд-Д  
Нефтчи – Машғал  
Металлург – Навбахор-Н.  
**8 май (душанба)**  
Андижон – Пахтакор  
**9-ТУР. 12 май (жума)**  
Машғал – Трактор  
**13 май (шанба)**  
Бухоро – Тўпаланг  
Хоразм – Локомотив

Қизилқум – Сўғдиёна  
Насаф – Андижон  
Пахтакор – Шўртан  
Навбахор-Н – Нефтчи  
Самарқанд-Д – Металлург  
**17 май (чоршанба)**  
Осиё Чемпионлар Лигаси  
Пахтакор – Қодисия  
Ал-Айн – Машғал  
**10-Тур. 19 май (жума)**  
Трактор – Навбахор-Н.  
**20 май (шанба)**  
Локомотив – Бухоро  
Сўғдиёна – Хоразм  
Андижон – Қизилқум  
Шўртан – Металлург  
Нефтчи – Самарқанд-Д  
**21 май (якшанба)**  
Пахтакор – Насаф  
Тўпаланг – Машғал  
**25 май (пайшанба)**  
Ўзбекистон кубоги 1/8 финал (ўтказилмай қолган биринчи учрашувлари)

**11-ТУР. 28 май (якшанба)**  
Насаф – Шўртан  
Бухоро – Сўғдиёна  
Хоразм – Андижон  
Самарқанд-Д – Трактор  
Металлург – Нефтчи  
**29 май (душанба)**  
Навбахор-Н – Тўпаланг  
Қизилқум – Пахтакор  
Машғал – Локомотив  
**12-ТУР. 2 июнь (жума)**  
Трактор – Металлург  
Шўртан – Нефтчи  
**3 июнь (шанба)**  
Тўпаланг – Самарқанд-Д  
Сўғдиёна – Машғал  
Андижон – Бухоро  
Пахтакор – Хоразм  
Насаф – Қизилқум  
**4 июнь (якшанба)**  
Локомотив – Навбахор-Н.  
**7 июнь (чоршанба)**  
Ўзбекистон кубоги 1/8 финал (ўтказилмай қолган жавоб учрашувлари).  
**13-ТУР. 10 июнь (шанба)**  
Самарқанд-Д – Локомотив  
Навбахор-Н. – Сўғдиёна

Хоразм – Насаф  
Нефтчи – Трактор  
**11 июнь (якшанба)**  
Металлург – Тўпаланг  
Машғал – Андижон  
Бухоро – Пахтакор  
Қизилқум – Шўртан  
**14-ТУР. 15 июнь (пайшанба)**  
Локомотив – Металлург  
Насаф – Бухоро  
**16 июнь (жума)**  
Тўпаланг – Нефтчи  
Пахтакор – Машғал  
Қизилқум – Хоразм  
Сўғдиёна – Самарқанд-Д  
Андижон – Навбахор-Н  
Шўртан – Трактор

**20 июнь (сешанба)**  
Ўзбекистон кубоги 1/4 финал (биринчи учрашувлари).  
**22-23 июнь (пайшанба-жума) 15-ТУР**  
учун захира кунлар

**15-ТУР. 24 июнь (шанба)**  
Нефтчи – Локомотив  
Металлург – Сўғдиёна  
Самарқанд-Д – Андижон  
Хоразм – Шўртан  
Трактор – Тўпаланг  
Навбахор-Н. – Пахтакор  
Машғал – Насаф  
Бухоро – Қизилқум

**ИККИНЧИ ДАВРА**  
**16-ТУР. 28 июнь (чоршанба)**  
Локомотив – Нефтчи  
Сўғдиёна – Металлург  
Андижон – Самарқанд-Д  
Шўртан – Хоразм  
Тўпаланг – Трактор  
Қизилқум – Бухоро  
**29 июнь (пайшанба)**  
Пахтакор – Навбахор-Н.  
Насаф – Машғал  
**2-3 июль (якшанба-душанба)**  
Ўзбекистон кубоги 1/4 финал (жавоб учрашувлари).

**ТАБРИКЛАЙМИЗ!**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Интерпол ММБ котибияти бошлиғи, подполковник **Жуманазар Маматқулович АБДУЛЛАЕВ**ни таваллуд кунлари билан чин дилдан қутлаймиз ва узоқ умр, саломатлик, ишларида омадлар тилаб қоламиз.

Эҳтиром ила,  
ҳамкасблари.

\*\*\*

Шаҳрисабз тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, майор **Турдимурод Холёрович ПАРДАЕВ**ни туғилган кун билан самимий муборакбод этамиз. У кишига мустақкам соғлиқ, ишларида ривож тилаймиз.

Ҳурмат билан,  
оила аъзолари.



Тақдиримни каштага битдим...

**«МАЪНОЛАР МАҲЗАНИ»**

**МАСЖИДНИҲ УЗОҚ БЎЛСА ҲАМ, МОЗОРИНГ ЯҚИН БЎЛСИН**

Бу мақолни: «Масжидга ҳафтада бир – намоз жумага, йилда икки – ҳайит-намозга борасан. Шунинг учун масжид узоқ бўлса ҳам, унчалик зиёни йўқ. Аммо мазоринг узоқ бўлса, ўлганинда дафн этувчиларга (бирига бўлмаса, бирига) малол келиши мумкин», деган маънода айтганлар. Чин инсон: «Ҳаётлик давримдагина эмас, ҳатто ўлганимдан кейин ҳам мендан одамларга малол келарлик иш қолмасин», деб ўйлайди ва шунга яраша иш кўрадики, буни юқоридаги мақолнинг мазмуни тасдиқ этади.

**МАЪНОСИ ЙЎҚ ГАПДАН ДОНАСИ БОР ЧЎП ЯХШИ**

Вариант: «Маъносиз гап – донсиз чўп»; «Маъни йўқ гап – дони йўқ чўп» (Бу мақолларда «чўп» деганда «дарахтнинг шохи», «дон» деганда «меваси» назарда тутилган). Мазкур фикрни қувватлайдиган куйидаги мақоллар ҳам борки, уларнинг мажозий маъноси «Бемаъни, ёқимсиз гапни ҳеч ким ёқтирмайди, уни эшитгиси ҳам келмайди» деган фикрни ифода этади: «Тузсиз хамир тандирда турмас»; «Тузсиз ошни ит ичмас».

**МАҚТОВ – ОШ БИЛАН НОН БЎЛМАС**

Бу билан: «Бировнинг бўлар-бўлмас мақтов гапларига учма ва шунга қараб иш тутма. Бу ош билан нон каби сенинг қорнингни тўйдирмайди», деган маънода насиҳат қиладилар.

**МАҒИЗ АЧЧИҚ БЎЛСА, ПЎСТИГА ҲАМ УРАДИ**

«Киши тор юрак, тажанг, сержаҳл, тили аччиқ бўлса, буни унинг афт-ангоридан ҳам билиб олса бўлади», дейилмоқчи.

**МАҒЛУБИЯТ – МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ**

«Оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади», деганларидек, киши бирор мағлубиятга учраса, ундан ибрат олади, иккинчи бу хатони такрорламаслик ҳаракатида бўлади, ишидаги, хатти-ҳаракатидаги, гап-сўзидаги камчилик-нуқсонларни йўқотади ва шу йўсинда муваффақият қозонишга эришади. Мазкур мақолда ана шу фикрни ифода этиш билан бирга мағлубиятга учраган одамга тасалли бериб, уни руҳан тушқунликка тушмасликка, бардам бўлишга, ҳеч иккиланмай дадил ҳаракат қиларишга ундайдилар.

**МАҲМАДОНАДАН МАСЛАҲАТ КУТМА**

Маҳмадона – ҳеч нимани билмайдиган, нодон, калтабин, аммо ўзини билагон ҳисоблаб, ҳар бир гапга билар-билмас аралашаверадиган, ўз гапини маъқуллайверадиган одам. Бундай одамдан ақли гап чиқмаслигини, ундан маслаҳат сўраш бефойда эканлигини уқтирувчи юқоридаги мақолнинг бир неча вариантлари бор: «Хўкиздан сут чиқмас, Аҳмоқдан – ўғит»; «Нодондан ақл кутма, Бебурддан – номус»; «Аҳмоқ бошдан ақл чиқмас, Ақл чиқса ҳам маъқул чиқмас»; «Маслаҳат сўрасанг, марддан сўра».

**МАҲМУДНИНГ ҚАДАМИ ЕТГАН ЕРДА ЎТ ЎСМАС**

Бу мақолда Маҳмуд Газнавий назарда тутилган. Тарихдан маълумки, XI аср бошларида ашаддий қонхўр, золим, босқинчи Маҳмуд Газнавий Ўрта Осиё халқларини қон-қақшатган, ўз ҳарбий ҳаракатлари билан эл-юртга қирғин барот келтирган, ҳаммаёқни кулбай-вайронага айлантирган. Юқоридаги мақолда халқ оммасининг унга нисбатан бўлган қаҳр-ғазаби, нафрату лаънати ўзининг кичик бир ифодасини топган.

**МЕВА ЎСТИРМОҚ ОСОН, МЕВАСИНИ САҚЛАМОҚ ҚИЙИН**

Бу билан мажозан: «Ўғил-қиз топиш осондек кўринса ҳам, уларни парвариш қилиб, вояга етказмоқ, замон ҳаводисларидан, ёмонлар ва ёмонликлардан муҳофаза қилмоқ қийин. Бу йўлда ота-она озмунча қийинчиликларга дуч келиб, озмунча азоб-уқубат чекмайди. Бошқа бир мақолда «Ўғил-қизнинг совдаси, Кетга тегди новдаси» дейилишининг боиси ҳам ана шунда», демоқчи бўладилар.

**МЕН БИРОВНИ УЧ ПУЛГА ОЛМАЙМАН, БИРОВ МЕНИ БИР ПУЛГА ОЛМАЙДИ**

Буни ўзини катта олиб, ўзгаларни менсимайдиган, назар-писанд қилмайдиган, шу туфайли эл-юрт ўртасида тарикча обрў-эътиборга эга бўла олмаган такаббур одамлар тилидан истеҳзо тарикасида айтадилар.

**МЕН КУЯРМАН БОЛАМГА, БОЛАМ КУЯР БОЛАСИГА**

Вариант: «Мен боламни дейман, Болам боласини дейди». Ота-она умр бўйи болалари тўғрисида қайғуради, улар бахтли ҳаёт кечирсин, соғ-саломат бўлсин, қийналмасин, азоб-уқубат чекмасин, бошқалардан кам бўлмасин деган эзгу ниятда елиб-югуради, тунларни бедор ўтказди, топганини ўзига эмас, биринчи галда болаларига раво кўради. Ўз навбатида болалар ҳам ўз болалари тўғрисида шундай ғамхўрлик қиладилар. Мазкур мақолларда ана шу ҳолат ўз ифодасини топган.

**МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ**  
Келгуси ҳафта учун

- КҮЙ. 21 март – 20 апрель**

Дастлабки кунлар кўзлаган барча ишларингиз осонгина битади. Атрофингиздаги одамлар билан муносабатлар кўнгилли кечади. Пайшанба кундан бошлаб амалий шерикларингиз билан тушунмовчилик келиб чиқиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳар кимнинг ваъдаларига ишонаверманг, ёлғон бўлиши мумкин.
- СИГИР. 21 апрель – 20 май**

Талайгина масалаларга ойдинлик киритасиз. Ўзингизга бўлган ишонч анча ортади. Турар жой бўйича мурожаатингиз ижобий ҳал этилади. Яқин кишингиз сизни қўллаб-қувватлайди. Танишларингиз сезиларли даражада кўпаяди. Мазкур ҳафтадаги алоқалар яхши самара беради.
- ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июнь**

Дастлабки кунлар муваффақиятга эришасиз. Иқтидорингизни тўлиқ намойиш этиш имконияти бор. Ишлар юришганидан кайфиятингиз кўтарилади. Ҳафтанинг охирига бориб керакли маълумотни қўлга киритасиз. Бир қарорга келишдан аввал жиддий ўйлаб кўринг.
- ҚИСҚИЧБАҚА. 22 июнь – 22 июль**

Атрофингиздаги одамлар билан муносабатлар кўнгилдагидек кечади. Яқинларингизга совға-саломлар улашасиз. Фаоллигингиз ошади. Дам олиш кунлари ҳам айрим юмушларни бажаришингизга тўғри келади. Ота-онангизни бориб кўришга вақт ажратинг.
- АРСЛОН. 23 июль – 23 август**

Ўзингизга ишончли ҳамкор топишинг айна вақтидир. Ижодий кўтаринкилик бутун вужудингизни қамраб олади. Фойдали таклифлар олишингиз мумкин. Барча жабҳаларда омад кулиб боқади. Дам олиш кунларини дўстлар даврасида ўтказганингиз маъқул.
- БОШОҚ. 24 август – 23 сентябрь**

Мазкур ҳафтада кўзланган мақсадга осонгина эришасиз. Молиявий ва ижодий ютуқлар кутилмоқда. Қимматбаҳо жиҳозларни қўлга киритиш имконияти бор. Компьютер, автомашина ва бошқа техникалар сирини эгаллаб боришингиз мақсадга мувофиқдир.
- ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октябрь**

Мазкур ҳафта йилнинг энг муҳим даврларидан бири эканлигини унутманг. Ишбилармон шериклар ва раҳбарлар қўллаб-қувватлаши туфайли мавқеингиз ошади. Дўстлар давраси кенгайиб бориши натижасида янги гоёлар туғилади. Моддий ютуқларга эришиш имконияти бор.
- ЧАЁН. 24 октябрь – 22 ноябрь**

Мазкур ҳафта давомида бажараётган ишингизда бирорта қийинчилик сезилмайди. Юзага келган кўнгилли вазиятдан бир олам завқ оласиз. Оила аъзоларингиз ва яқинларингиз учун кўпроқ вақт ажратиб, ишдан биров чалғинг. Кўзланган мақсадга таваккал киришаверишингиз мумкин. Омад сиз томонда.
- ЁЙ. 23 ноябрь – 21 декабрь**

Оиладаги муаммоларни тезкорлик билан ҳал этишингиз зарур. Ўзингиз кутмаган янгиликлардан хабар топасиз. Офис ёки хонадонингизда ўзгаришлар рўй бериши мумкин. Шанба ва яшанба кунлари куч-қувватга тўлаётганингни ҳис этасиз. Спорт билан шуғулланиб, фаол ҳордиқ чиқаринг. Дам олиш кунлари дўстларингиз йўқлашади.
- ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь – 20 январь**

Сизни ташвишга солаётган мураккабликлар ортда қолади. Эришилган натижаларни таҳлил қилсангиз келгусида ўз мевасини беради. Иқтидорингизни тўлиқ намоеън этиш имконияти бор. Ишдан сўнг кўнгилли дам олишга эътибор беринг. Шахсий ҳаётингизда бахтли воқеалар рўй бериши, эътиборли кишилар билан учрашингиз мумкин.
- КОВҒА. 21 январь – 20 февраль**

Ижод билан шуғулланиш ва белгиланган вазифаларни бажариш учун қулай даврдир. Бизнес бўйича нуфузли ташкилотларнинг вакиллари билан алоқа боғлаб, кўмак олишингиз мумкин. Ўз мавқеингизни яхшилаб оласиз. Ташаббус кўрсатиб, иқтидорингиз юксак даражада эканлигини намоеън этиш имконияти бор.
- БАЛИҚ. 21 февраль – 20 март**

Ушбу ҳафтада аста-секин фаолликка эришиб борасиз. Бу эса кайфиятингиз кўтарилиб, руҳингиз тетиклашишга олиб келади. Янги маълумотларни қўлга киритиб, хушxabарлар эшитасиз. Мулоқотлар чоғида шешқалоқлик билан фикр билдирмаганингиз маъқул. Яқшанба кунни оила аъзоларингиз даврасида ўтказинг.



**Ҳафтанинг шанба куни эди. Ҳамиджон (исм-шарифлар ўзгартирилган) кун бўйи ҳовлидаги у-бу юмушлар билан андармон бўлиб юрди. Кечга яқин оғилхонани тозалашга киришди. Эртага якшанба, бозорга бориб, сигир сотиб олишни ота-онаси билан маслаҳатлашганди. У ана шу ўй-хаёллар билан ишлаётган пайтда дарвоза тақиллаб қолди. Чиқиб қараса, остонада эски таниши Адҳам турибди. Икковлон кучоқ очиб кўришишди. Адҳам асли кўшни тумандан бўлиб, Ҳамиджон билан илгари бирга «ўтирганди».**

— Оғайни, қайси шамол учирди? — деди у Адҳамни ичкарига бошларкан.

— Таниш-билишларни тўйга айтиб юргандим, энг охири сеникига келдим, — деб жавоб қайтарди Адҳам.

Улар ҳол-аҳвол сўрашиб, суҳбатлашиб ўтиришганда Ҳамиджоннинг онаси Фазилат опа кечки овқатга уннади. Ҳамиджон укаси Ҳақимжонни ичкилик олиб келиш учун дўконга жўнатди. Таом пишиб, дастурхонга тортилгач, улфатлар икки шиша ароқни «майдалай» бошлашди. Оғайниларга хонадон соҳиби Абдуҷаббор ака ҳам шерик бўлди.

Кеч кириб қолгани учун хонадон эгалари меҳмоннинг кетишига изн беришмади.

— Мен тонг саҳарда мол бозорига бораман. У ердан қайтгач, сизни кузатиб қўяман, — деди Ҳамиджон уйкуга кетишдан олдин.

— Майли, розиман. Фақат бир илтимосим бор, чўнтагимда пулим қолмади. Уйга етиб олиш учун йўлқира бериб турсанг, — ўзини иймангандек кўрсатиб сўради Адҳам.

Ҳамиджон онасидан пул олиб, унга берди.

Адҳам кун ёйилгунча ухлади. У кўзини очиб

қараса, хонада бир ўзи, ҳовлида Абдуҷаббор ака ва кенжа ўғли қандайдир юмуш билан банд эди. У ҳовлига чиқиб, юзқўлини ювгач, ичкарига қайтиб кирди. Шу маҳал эрталаб акаси билан бозорга кетган Ҳақимжон келиб қолди.

— Аканг қаерда? — дарҳол уни сўроққа тутди Адҳам.

— Бозорда, ҳозир келиб қолади, — жавоб берди Ҳақимжон кўлидаги елим халтага ўралган 350 минг сўм пулни тахмонга қўяркан.

— Негадир бирдан тобим қочиб қолди. Шунинг учун мол ҳам ололмадик. У шундай дедию, каравотга ётиб, ухлаб қолди. Буни кўриб Адҳамнинг нияти бузилди. У оёқ учида юриб, тахмонга яқинлашди ва пулларни олиб, чўнтақларига жойлай бошлади. Охириги дастанга олаётганда Ҳақимжон келиб қолди. Бироқ у Адҳамнинг хатти-ҳаракатларини сезмади.

— Тайёрланиб тур, бозорга тушамиз, — деди у Ҳақимжонни чалғитиш учун.

Кеча Адҳам келганида пули тугаганлигини айтиб, йўлқира сўрагани, энди эса

бирдан бозорга отлангани Абдуҷаббор акани ҳайрон қолдирди. Лекин меҳмонга лом-мим демади.

Ҳақимжон билан Адҳам туман деҳқон бозорига келганларида бозордаги олди-сотди энг қизгин паллага кирганди. Адҳам орқа чўнтагидан ипга ўралган пулдан 600 сўм олиб, Ҳақимжонга узатди:

— Сигарет билан сақич келтир. Мен сартарошхонага кириб чиқаман.

Ҳақимжон кетгач, у бозорнинг нариги эшигидан ўтиб, тамаддиҳонага кирди. У ерда ароқ билан пивони аралаштириб ичди. Сўнгра автобус бекатига келди-да, енгил машинага ўтириб, шаҳардаги «Чор-су» бозорига етиб келди. Бозордан ўзига шим, туфли харид

қилди. Кейин чойхонага кириб, кайфу сафони давом эттирди. Адҳамнинг «буюртма»сини олиб чиққан Ҳақимжон жойида йўқлигини кўриб ҳайрон бўлди. Дарвоқе, у сартарошхонада бўлишини айтганди. Аммо бу ерда ҳам йўқ эди. Айлана-бўйи юргандир, деб ўйлаб бозор ичкараси ва ташқарисидаги раста, дўконларни бирма-бир қараб чиқди. У тумонат одам ичидан Адҳамни топа олмаслигига кўзи етиб уйга кетаётганда, йўлда акаси Ҳамиджонни учратди. Чунки акаси уларни излаб, бозорга келаётганди. Ҳақимжон акасига бўлган воқеани айтиб берди.

Ҳамиджон укасига ҳеч нима демади. Чунки кўнглида уйғонган шубҳа дарҳол уни уйга етаклади. Уйга

келиб, тахмонни қаради, пул ўрнида йўқ эди. Ота-онаси ҳам пулга тегмаганликларини айтишди. Шунда пулларни Адҳам ўғирлаб кетганига ишонч ҳосил қилди. Эртаси куни у туман ички ишлар бўлимига бу ҳақда хабар берди. Ички ишлар ходимлари билан бирга оғайнисининг уйига боришди. Негаки, оғайнисининг манзилини Ҳамиджон яхши биларди.

— Кечаси оёқда туролмайдиган ҳолатда келганди. Ҳали ўрнидан тургани йўқ, — дейишди Адҳамнинг оила аъзолари.

Жиноят ишлари бўйича Поп туман суди Адҳам Қобиловнинг қилмиши юзасидан адолатли ҳукм чиқарди. Мазкур жиноят иши материаллари билан танишиб, Адҳам «сермазмун» ўтмиш соҳиби эканлигини билиш мумкин. У 1986 йилда биринчи марта судланди. Тўғри йўлни танлаш ўрнига, қайта-қайта жиноят содир этганлиги учун бир неча бор қамалиб чиққан.

Инсонни дарахтга қиёсласак унинг мевасидан ташқаридагилар ҳам баҳраманд бўлади. Борди-ю, ана шу дарахтнинг меваси бемаза чиқса-чи? Унда оёқости бўлиши турган гап. Дарахтни парваришлаб, мевасига шира киритиш боғбонга, яъни ота-онага, ён-атрофдаги ёши улуғларга боғлиқ.

Гапнинг индаллосини айтганда, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш ҳар биримизнинг зиммамиздаги масъулиятдир.

**Баҳромжон БОТИРОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Поп туман судининг раиси.  
**Хуршид СУЛТОНОВ.**



**ЖИНОЯТЧИ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ**

**ХИЁНАТКОР**

— Сенларда қанча борлигини яхши биламан!

— Майли, ҳозир олиб чиқаман, — деди Дилфуза тунги талончининг важоҳатидан кўрқиб. — Пулни нариги хонага қўйгандик.

У ичкари хонага ўтаётди, «ёрма беринглар!», дея қичқира бошлади. Буни кутмаган босқинчи саросимага тушиб қолди. Дилфуза чироқ ёруғида уни таниди. У турмуш ўртоғининг яқин дўсти Тозабой эди. Босқинчи шошганидан қўлидаги пичоқни ҳам ташлаб, ғойиб бўлди. Келинқизи-нинг қичқирғидан уйғониб кетган Қувондиқ тезда унинг ёнига келди. Дилфуза бир киши бўйига пичоқ тираб, 200 минг сўм пул талаб қилгани,

уни Тозабойга ўхшатганини айтди.

Кўрққанидан бутун вужуди титраётган Дилфуза Боғот тумани ИИБга хабар қилди. Зудлик билан тузилган тезкор гуруҳ ишга киришди.

Олиб борилган суриш-

лум бўлди. Жиноятчи судда айбини тан олиб, шундай деди:

— Ўша куни дўстларим би-



лан тунги соат иккиларгача ароқ ичдим. Сўнгра уй-уйимизга тарқалдик. Йўлда келаётиб, синфдош дўстим Ортиқ узоқ сафарга кетганини эслаб қолдим. Унинг уйига кўп борганлигим сабабли хоналарнинг жойлашини яхши биламан. Шу боис уйга осонгина кириб,



унинг хотинидан пул ундирмоқчи бўлдим... Суд залида ўтирган муштипар она кўзларидан тинмай оқаётган ёшни рўмолчаси билан артаркан, чуқур хўрсинганча ўрнидан турди:

— Кўп фарзанд тарбияладим, — деди у. — Лекин Тозабойнинг феъл-атвори ҳеч бирига ўхшамди. Бола тарбиясида хатога йўл қўйганимни алақачон англаб етдим. Мана, у учинчи бор қамалапти.

Бунда менинг ҳам айбим бор. Ҳа, у яқин ва энг қадрдон бўлган дўстига хиёнат қилди. Бизни ва ўз оиласини иснодга қўйди. Бошқа нима ҳам дердим...

Ҳақиқатдан ҳам Тозабой Қурбонов дўстлигининг қадрига етмай, кечирилмас хатога йўл қўйди. Жинойи ишлар бўйича Боғот туман суди уни 10 йилу 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилди.

**Зафар ХУДОЙБЕРГАНОВ,**  
Худойберган **ЖАББОРОВ.**

Тун қўйнидаги шарпа ён-атрофга аланглаганча уйга яқинлашди. У кўча томонга қараган дераза ойнасини пичоғи билан олди-да, эҳтиёткорлик билан ичкарига кирди.

Хона чироқлари ўчган. Ҳамма ширин уйқуда. У секин юриб, хонадон соҳибаси ва болалар ётган хонага ўтди. Каравотга яқинлашиб, Дилфузаниннг бўйига пичоқ тиради. Совуқ тигдан чўчиб уйғониб кетган хонадон соҳибаси эсанкираб қолди.

— Қани имилламасдан 200 минг сўм пул чиқар! — шивирлаб дўқ урди босқинчи.

— Пул йўқ, — деди кўрққанидан қалтираганча Дилфуза.

— Аллама! — деди босқинчи қўлидаги пичоқни Дилфузаниннг бўйига янада қаттиқроқ ботириб.

**Айрим кишилардан «қон босимим кўтарилиб кетибди» деган гапни эшитамиз. Хўш, «қон босими» нима? Унинг келиб чиқиш сабаблари қандай? Касаллик бор-йўқлигини қандай аниқлаб бўлади? Уни даволаш чоралари борми? Қон босими бирдан кўтарилиб кетганда нима қилиш керак каби саволларимизга республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент шаҳар 1-клиник касалхонаси кардиология бўлими мудури, олий тоифали шифокор Нафисахон Йўлдошева жавоб беради.**

«Қон босими», яъни аслида артериал босим (АБ) қон оқимининг артерия томирлари деворларига кўрсатадиган босимидир. Уни ўлчашда юқори ва пастки босим қиймати эътиборга олинади. Систолик босим юрак қисқариб, артерияларга қон отилиб чиққанда томирларда юзага келадигани, диастолик босим эса юрак бўшашган пайтадигисидир. Артериал босимнинг меъёрдаги қиймати симоб устуни ҳисобидан 135/80 миллиметрга тўғри келади ёки ундан пастроқ бўлади. Одам жисмонан зўриққанда, ҳаяжонланганда ҳам артериал босим ўзгаради. Шунинг учун қон босимини одам бироз тинчлангандан кейин ўлчаш керак.

Одамнинг қон босими уч ва

ҳам бош мия, юрак, буйрак ва

бошқа аъзолардаги томирларнинг торайиб қолишига сабаб бўлади.

Гипертония касаллигининг авж олиб боришида атеросклероз ҳам бир қадар аҳамиятга эга. Бу касалликда томирларнинг юмшоқлиги ва чўзилувчанлиги бузилади.

Организмда томирлар тонуси уйқу артерияси, аорта равоғида ва кавак ве-

га олиб келади. Бу эса томирлар уришнинг кучайиб, торайиши, яъни торайиш ҳолатига тушишига сабаб бўлади. Бундан ташқари асабларнинг зўриқиши, ҳис-туйғуларнинг кўзғалиши буйрак усти безларига ҳам таъсир кўрсатиб мия қатламидан кўп миқдорда адреналин ва норадреналин ажралиб чиқишига сабаб бўлади. Бу

кат қилиш, таомнинг шўр, аччиқ ва ўта ёғли, кучли бўлиши, асаб тизимининг бузилиши (стресс), спиртли ичимликлар ичиш ва тамаки чекиш кабилар киради.

Артериал босим белгисиз, аста-секин кўтарилиб боради. Унинг кўтарилганини ўлчаб кўрибгина билса бўлади. Баъзи беморлар артериал босимлари кўтарилганда бош оғриши, бош айланиб, кўнгил айнаши, қулоқлари шанғиллаб, юракнинг санчиб оғриши, ҳаво етишмаслигидан шикоят қиладилар. Лекин бу аломатларнинг йўқлиги артериал босимнинг меъридалигини билдирмайди.

Артериал босимнинг ҳамиша юқори бўлиб туриши томирлар деворларида ёғ моддаларининг тўпланишини тезлаштириб, атеросклерозни келтириб чиқаради. Атеросклероз юрак томирларини кўпроқ зарарлаганда стенокардия ва миокард инфаркти рўй беради. Бош мия томирлари зарарланганда эса хотира пасаяди, мия инсульти хавфи ортади. Буйрак ва кўз томирларининг зарарланиши буйрак етишмовчилиги ҳамда кўзнинг ожиз бўлиб қолишига олиб келиши мумкин. Бу даврга келиб артериал гипертонияни даволаган билан у бутунлай тузалиб кетмайди. Шу боис, қон босимини доим назорат қилиб туриш лозим бўлади.

Юқоридагилардан кўринадикки, қон босимини меъёрлаштиришга қаратилган муолажалар атеросклерознинг ҳам олдини олишга қаратилган бўлиши лозим. Тамаки чекиш, спиртли ичимликлардан воз кечиш, ортиқча семирмаслик учун фаол ҳаёт кечириш,



қонларидаги қанд миқдорини назорат қилиб, парҳезга амал қилишлари ва тавсия қилинган дориларни ўз вақтида ичишлари зарур. Чунки қандли диабет атеросклерозни кучайтиради.

Артериал гипертония билан оғриганларнинг 85 фоизда касаллиқнинг «мулойим» (I даражаси) деб номланган тури учрайди. Бунда АБ 140/90 миллиметрдан 160/100 миллиметргача бўлади. Бунда касаллик доридармонларсиз даволанади. Даволаш бошланганидан 2 ойга яқин вақт ўтиб ҳам АБ юқорилигича қолаверса, шифокор беморга зарур дориларни тавсия қилиши керак. Даволаш кўзланган фойдани бериши учун бу пайтда дорисиз даволаш усуллари ҳам қўшиб олиб борилади. Дори-дармонсиз даволаш усуллари I ва II даражаси гипертонияси бор беморларга, яъни қон босими симоб устуни ҳисобидан 160/100 миллиметрдан ортиқ бўлганларга ҳам қўлланиши лозим. Дори-дармонсиз даволаш усуллари ортиқча тана вазнини йўқотиш (айниқса қорин қўйган кишиларда), овқатда истеъмол қиладиган туз миқдорини 5 граммгача камайтириш, спиртли ичимликлар ичишни чеклаш, овқат таркибидаги калий, кальций, магний миқдорини кўпайтириш, балиқ ёғи истеъмол қилиш, чой, қаҳва, какао каби таркибида кофеин бўлган моддалар истеъмолини чеклаш, ўртача (очиқ ҳавода ҳафтасига 3-4 марта, 30-45 дақиқа сайр қилиш) ва бўшаштирадиган машқлар бажариш, кучли асаб бузилиши, ҳаяжонланишга сабаб бўладиган вазиятлардан эҳтиёт бўлиш кабилардан иборат.

Артериал босимнинг кескин кўтарилиб кетиши гипертония кризи деб аталади. У тўсатдан рўй беради ёки аста-секин бошланади. Гипертония кризи бошланганда одамнинг руҳияти ёмонлашиб, бош оғриши, айланиши, кўнгил айниб, қайт қилавериши мумкин. Бундай пайтда тинч шароит яратиш, беморни ўринга ётқизиш, оёқларини илиқ сувга солиш, бир донна коринфор таблеткасини тили тағига ташлаб, дарҳол шифокор чақириш зарур.

Бу касаллик билан оғриганлар унутмасликлари керакки, зарур дорилар ичиб турилганда инсулт ва миокард инфаркти хавфи камайди. Бемор ҳамиша шифокор назорати остида бўлиши, дориларни узоқ вақт ичиб юришдан чўчимаслиги лозим. Шифокор маслаҳатисиз дориларни бошқасига алмаштириш ёки дозасини ўзгартириш мумкин эмас. Дорини ўзбошимчалик билан ичилганда кўнгилсиз ҳолатлар юз бериши мумкин.

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА  
ёзиб олди.

# АРТЕРИАЛ ГИПЕРТОНИЯ

Артериал босим-

нинг кўтарилиши инсулт, юракнинг ишемия касалликлари, стенокардия, миокард инфаркти, юрак ҳамда буйрак етишмаслиги каби касалликларнинг келтириб чиқариши билан хавфлидир. Масалан, миокард инфарктига учраган 70, инсултни бошдан кечирган 80 фоиз беморларда артериал босимнинг юқорилиги аниқланган.

кўпроқ пиёда юриб, шифокор билан маслаҳатлашган ҳолда жисмоний машқлар бажариш, овқатланганда ёғлиқ, шўр, аччиқ ва кучли таомларни истеъмол қилмаслик, ҳаётда юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай нохуш ҳолатларда ҳам ўзини тута билиш касаллиқнинг олдини олувчи воқеалардандир.

Қонда холестерин моддасининг кўп бўлиши ҳам артериал босимнинг кучайиш хавфини тудиради. Шунинг учун моддалар алмашинувида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни бартараф этиш учун шифокор тавсия қилган дориларни ичиб, парҳез қилиш лозим. Бундан ташқари қандли диабет билан оғриган беморлар ҳам

наларнинг куюлиш жойларида ўрнашган таъсир кўрсатувчи нуқталар иштирокида ўз-ўзидан бошқарилади. Қон томирлари фаолиятини идора этувчи ана шу курималарнинг сезувчанлиги пасайиб кетиши артериал босимнинг мўлдо юқори бўлишига олиб келади.

Артериал гипертония касаллигини пайдо қилиши мумкин бўлган омилларга атеросклероз, хасталиқнинг наслдан наслга ўтиши (ирсият), семизлик, кам ҳара-

**Артериал босимнинг кескин кўтарилиб кетиши гипертония кризи деб аталади. У тўсатдан рўй беради ёки аста-секин бошланади.**



ундан ортиқ марта ўлчаганда 138/83 миллиметрдан юқори бўлиши унда гипертония бор, яъни қон босими юқори дейишга асос бўлади. Авваллари одамнинг ёши улғайган сари меъёрдаги артериал босим ҳам кўтарилиб боради деган фикр бор эди. Лекин тадқиқотлар бу фикр хатолигини исботлади.

Артериал гипертониянинг келиб чиқиш сабабларини аниқ исботлаб берадиган жавоб ҳозирча топилмаган. Аммо артерия томирлари йўлининг торайиб, қон оқимига кўрсатадиган қаршилигининг кучайиши артериал босим кўтарилишига сабаб бўлиши ва бу нарса юракнинг зўр бериб ишлашга мажбурлаши маълум.

Одамнинг асаблари зўриқиши бош мия пўстлоғида турғун кўзғалиш ўчоқларини пайдо қилади. Узунчоқ миядаги асосий шаклланиш ва томирларни ҳаракатлантирувчи марказнинг мана шу жараёнга тортилиб кетиши томирларни ҳаракатлантирадиган марказий унсурларнинг ҳолдан тойишига, уларнинг атрофдаги асабни кўзғатувчи таъсирларга одатлагидан бошқача жавоб бериши-

## ТАБИБЛАР ДЕЙДИКИ...


● Кунига 1-2 бош хом пиёз истеъмол қилиш қон босимини туширади.

● Янги картошкани сувда қайнатиб, пўсти билан (тузсиз) ейиш ҳам фойдали.

● Тенг миқдорда олинган асал ва қизил лавлаги шарбатини аралаштириб, 2-3 ҳафта давомида кунига 4-5 марта бир ош қошиқдан ичилса, шифо бўлади.

● Бир стакан қайнаган сувга бир қошиқ беда гули солиб, 30 дақиқа дамланади. Докадан ўтказилиб, 2-3 ҳафта давомида кунига ярим стакандан уч маҳал ичилади.

● Қовоқ солиб пиширилган таомлар ҳам қон босимини пасайтиради.



● 1 стакан сутга икки донна саримсоқ пиёз солиниб, юмшагунча қайнатилади. Докадан ўтказилиб, 10-15 кун давомида илиқ ҳолда, овқатдан кейин бир ош қошиқдан ичилади.

● Қон босими юқори бўлган одамлар наъматакдан тайёрланган дамлама ва чойларни кўпроқ ичишлари лозим.

● Гипертония билан оғриган одамлар кўк чой ичсалар, фойда қилади.

● Мелисса (лимон ўт) ўсимлигини чой сифатида дамлаб, ичиш қон босимини пасайтириб, асабларни тинчлантиради.

● Тоғ ялғизи — «кийик ўт»дан дамланган чой ҳам қон босимини пасайтириш ва асабларни тинчлантириш хусусиятига эга.

● Қон босими кўтарилган пайтда қатик, лимонли кўк чой ичиш ҳам фойдали.

**Ҳадемай баҳор келади. Дов-да-рахтлар аста уйғониб, ям-яшил либосга бурканади. Қорлар тагида илк кўклам нафасини кутаётган майсалар эринибгина бош кўтаради. Бу фасл уйғониш, янгиланиш ва яшариш фасли. Уни ёшу қари бирдай орзиқиб, энтиқиб кутишининг сири ҳам ана шунда.**

Бирок Нигина баҳорни унчалик хушламайди. Унинг кечроқ келиши ва тезроқ ўтиб кетишини хоҳлайди. Ҳозир ҳам томлардан чакиллаб тушаётган томчиларни кузатар экан, хаёллари узоқ-узоқларга олиб кетди.

Нигина болалигидан жуда тиришқоқ, ўжар, тулган жойидан кесадиган, жамалаксоч қизалоқ эди. Ана шу ўжарлиги туфайли у олти ёшдан мактабга борди. Катталарнинг ўқиш озгина жонига тегсин, кейин ўзиёқ мактабга бормай кўяди, деган ўйини

Нигина тез орада пучга чиқарди. Ўқишга чунонам берилдики, акаларининг китобларини ҳам қўлдан қўймай ўқий бошлади. Нигина олти ёшида партага ўтирган бўлса, унинг синфдоши Тоҳир саккиз ёшга етай деганда мактабга чиққанди. У илк кунларданок Нигинани ўз синглисидай яхши кўрган, ҳимоясига олган ва ўзгача бир ғамхўрлик кўрсата бошлаган эди. Тоҳирнинг отаси унча мунчаннинг қўли етмайдиган улгуржи товарлар базасида ишласа, Нигинаники оддий ишчи, онаси касалланди, отасининг топгани рўзғорга арағ етарди. Орадаги катта фарқни улар ҳали тушунишмас, самимийлик, беғуборлик бирлаштириб турарди. Синфдан-синфга кўчиб, улғайган сайин ораларидаги муносабат ҳам жиддийлаша бошлади. Ҳаммаси яхши эдию, бирок...

Нигинанинг отаси ейман-ичаман деб турган етти боланинг рўзғоридан қийналибми, хотинининг сурункали хасталигидан безибми ёки яна бошқа бирон сабаби бормиди, тез-тез ичадиган одат чиқарди. Ўн икки-ўн уч ёшларида ноқ болаларнинг кир-чири, овқати-нонини пишириш Нигинанинг гарданига тушганди. Боз устига, отаси гоҳо кўчадан ҳамтовоқлари қўлтиқлаб, судраб олиб келадиган даражага етганди. Бундай кезлари Нигинанинг икки дунёси қоронгулашиб кетар, юраклари қонга тўларди. Авваллари индамай, ўрнида ухлаб қоладиган даласи кейинчалик тўс-тўполон кўтарадиган, онасиниям, қизлариниям озига келган сўзлар билан ҳақоратлайдиган, уйдан ҳайдайдиган бўлди. Акалари уйдан безиб, эрталабдан кечгача кунини кўчада ўтказишар, Нигина эса онаси, сингилларини

ташлаб қаёққаям борарди, шу боис, иложи борича отасини тинчлантиришга уринарди.

Бир кун Нигина кичкина курсичага чиқиб, нон ёпаётганди, кўчадан кимнингдир бўғиқ овози эшитилди. Синглиси Нозима ҳалослаганча югуриб келди.

— Опа, опаюн, дадамларни бир йигит судраб олиб келяпти, — деди дирдир титраганча. Нигина ташқарига чиққанда отасининг уст-боши лой, афтидан у балчиққа

ҳеч нарса юз бермагандек ўз ишлари билан овора эдилар. Нигина жовдираб ҳали у, ҳали бу дугонасига қарар, улар кўзларини яширишарди. Дарслар тугагунча синфда амаллаб ўтирган Нигина уйига қандай келганини билмайди. Тоҳир ахийри энгилибдида. Лекин бир оғиз буни айтиши керак эди. Наҳотки шундай, индамай кетаверса? Ўртадаги шунча йиллик муносабатчи? Бир-бирларига берган ваъдалар-чи?

Ҳаво ҳам Нигинанинг ғамага шерик бўлгандек бирдан совуб, шивалаб ёғаётган ёмғир забтига олди. Этни жунжиктирувчи изгирин унинг шундоқ ҳам синган вужудини аёвсиз қақшатарди. Кунни кечаги иситма қайта кўзиди назарида. Кечга яқин синфдоши Муҳтабар ундан ҳолаҳвол сўрагани келди. Кўнглига қил сизмаётганини сездирмаслик учун Нигина у билан у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирди.

— Юр, мени муюлишгача

кейинги йили институтнинг кечки бўлимида ўқишни давом эттириб, кундузи заводда ишлаш бошлади.

Орадан икки йил ўтди. Бир кун уйга борганида синглиси унга хат тутқазди. Хат Тоҳирдан эди. «Нигина, илтимос хатимни йиртиб ташламай, охиригача ўқи. Сенга айтадиган гапларим бор. Ўтиниб сўрайман, мактаб орқасидаги ўриндиқ олдига кел. Якшанба кунни сени ўша ерда кутаман».

Керакмикан энди шу учрашув? Ҳўш, нимани гаплашишди? Қанчалар қийналганлари, тортган азобларини гапириб бериш учунми? Йўқ, у кунларни қайта эслашни истамайди.

Йўқ, у учрашмади. Тоҳирнинг барча уринишлари зое кетди. Институтни тугатиб турмушга чиқди. Севмади, эҳтимол севилгандир, бунга қизиқмади ҳам. Турмушининг иккинчи йили уйига келадиган Нигинанинг йўлини Тоҳир тўсиб чиқди. Ушанда ҳам баҳор ҳавоси уфуриб турарди.

— Нигина, жуда катта хато қилиб қўйганим учун ўзимни кечира олмаяпман. Мен Муҳтабарнинг иғво гапларига иғво ишларини бошлаб юборишди. Кечир, мени.

Тоҳир Муҳтабарнинг учинчи чорак таътилида уйига китоб баҳонасида келгани, Нигина бошқа йигитга кўнгли қўйгани, Тоҳирнинг севгиси унинг учун бир эрмак эканлиги, ўша йигит билан ишқий мактублар ёзишиб туришини айтиб, хат ҳам кўрсатган экан. Жаҳл устида Нигинадан совуб, Муҳтабарга уйланган Тоҳир шунча йил ўтса-да сира унга кўнгли қўя олмабди.

— Сен турмушга чиққанингдан кейин у мени алдагани, хатни ҳам ўзи ёзганини айтиб берди, — дея гапини тугатди Тоҳир.

— Энди вақт ўтди. Уни орқага қайтариб бўлмайди. Агар мени кечирмайди дея виждонинг қийналаётган бўлса, хотиринг жам бўлсин аллақачон кечириб юборганман. Мени унут, сенга ғарзим йўқ. Бахтли бўлишингни чин дилдан истаيمان.

У шундай деди-ю қуйилиб келадиган кўз ёшларини арағ тийганча тез-тез юриб кетди. Тоҳирнинг Муҳтабар билан ажрашгани, кейинчалик ҳам ҳаёти изга тушиб кетмаганини орқаваротдан эшитиб, юраги ачишди. Шулар ҳаёлидан кечаркан, қаердандир кўшиқ эшитила бошлади:

*Олисдаги залворли тоғлар,  
Хаёлларим келдилар босиб.  
Ўтди қанча ҳижронли дамлар  
Васлинг менга бўлмади насиб,  
Сенсиз мен ҳам,*

*баҳор ҳам гариб ...  
Муҳаббат ИБРАГИМОВА.*

# АРМОН

кузатиб қўй, — деди Муҳтабар кетаётди.

— Ўзи кечагина оёққа тургандинг, тагин қайталаб қолмагин. Юпун чиқма кўчага, — ҳарсиллаганча зўрга гапирди онаси. Нигина онасининг ҳай-ҳайлашига қарамай елкасига тивити тўкилиб кетган шол рўмолни ташладию дугонасига эргашди.

— Нигина, сени нега азият чекаётганингни билман. Шунинг учун дардингни энгиллатиш учун очигини айтмоқчиман. Тоҳир сенга ачинганидан, раҳми келганидан гаплашиб юрган шу маҳалгача. Сен бунни жиддий қабул қилиб, севгига йўйганинг учун айтишга ботина олмаётган экан. Шунинг учун мендан илтимос қилди. Онаси пианистанинг қизи икки дунёда остонамни ҳатлаб кирмайди уйимга, дебди. Ундан умидингни уз. Нима қилсан ўзингни хор қилиб.

Шу-шу улар бошқа гаплашишмади. Имтиҳонлар тугагунча, Нигина дугонаси Тоҳир билан пана жойларда учрашгани ҳақида узоқ-юлуқ гаплар эшитди. Гарчи бу гаплар вужудига наштардек санчилса-да, ўзини қўлга олишга, онаси, сингилларининг яхши яшаши учун ҳам ўқиши, юқорига интилиши кераклигини ҳис этарди.

У мактабни аълога битириб, ўқишга кирди. Оиласига ёрдам бериш ниятида

# ЕНГИЛ НАФАС ОПИШДИ

**Шу йил 18 январь кунини Тошкент вилояти Бўстонлик тумани ИИБга икки фуқаро мурожаат қилиб, фирибгарнинг найрангига чув тушиб қолишганини баён этишган эди. Тошкент шаҳрида яшовчи Султонмурод Қўлдошев ўз аризасида И. Ортиғали деган шахс ишончини қозониб, 400минг сўмлик буюмларини олиб кетгани ва шу пайтгача пулини бермаганини билдирганди. Пойтахтлик Учқун Мираимов эса худди шу фирибгар алдов йўли билан 350.000 сўм пулини олиб, дом-дараксиз кетганини ёзган эди.**

Ушбу ҳолатларни ойдинлаштириш ва фирибгарни қўлга олиш мақсадида туман ИИБ тоғли худуд ЖКБ бошлиғи, майор Дониёр Назаров, тезкор вакиллар, капитан Азизхон Раззоқбердиев ва лейтенант Жамшид Ўктамовлардан иборат тезкор гуруҳ тузилди. Гуруҳ аъзолари жабрланганлардан фирибгарнинг ташқи кўриниши ва бошқа маълумотларни билиб олиб, суриштирув ишларини бошлаб юборишди.

Саъй-ҳаракатлар натижасида одамларнинг



соддалигидан ўзининг ғаразли мақсад йўлида фойдаланиб, текин даромад орттираётган, вилоятнинг Ғазалкент шаҳрида яшовчи Т. Ортиғал қўлга олинди. Дикқатга сазовор жойи шундаки, тергов давомида бу шахс яна бир нечта кишини лақиллатиб кетгани аниқланди. Хусусан, 1994 йил февраль ойида Тошкент шаҳар улгуржи гўшт бозорида қашқадарёлик Ибодулло Долиевнинг ишончига кириб, 2 млн. 599 минг сўмлик гўштни сотиб бераман, деб олади. Шундан сўнг қорасини кўрсатмай кетади. 2003 йил декабрь ойида туманнинг Ғалаба кўчаеида яшовчи Абдуғаффор Азимовнинг 1 млн. 536 минг сўмлик бешта қорамолини сўйдириб, гўштини сотиб беришга келишади. Аммо гўштни пуллагач, даромадни ўзлаштириб юборади. Шунга ўхшаш найрангларни бошқаларга ҳам ишлатгани аниқланаяпти.

Фирибгарликни ўзига касб қилиб олган Т. Ортиғалининг ҳавойи гапларига учиб, чув тушиб қолганлар энгил нафас олишади. У қилмишига яраша қонуний жазо олиб, адолат қарор топишига шубҳа йўқ.

Шерали АНВАРОВ,  
капитан.

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бўстонлик тумани ИИБ бошлиғи, подполковник Ш. Тўраевга падари бузруквори

**ОБИД отанинг**  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши истеъфодаги подполковник И. Холовга падари бузруквори

**МИНГТЎРА бобонинг**  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши истеъфодаги подполковник Ф. Цойга отаси **Александр ЦОЙнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

## МАРҲУМЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИГА АЛЛОҲ САБР БЕРСИН.



Дилим яримта, хаста  
Бағримда бўлмаса «ПОСТДА»!

Бир аёл бебошлик қилган боласига доимо пўписа қилар экан. Нима бўпти, ҳамма оналар шундай қилишади, дерсиз. Тўғри, аммо пўписанинг пўписадан фарқи бўларкан.

Бир куни аёлниқига меҳмонлар келишибди. Тўкин дастурхон устида суҳбат авжига чиқибди. Аёл гўдагини беш яшар боласининг олдига қолдириб, меҳмонлар билан андармон бўлиб қолибди. Меҳмондорчилик поёнига етиб, ҳамма тарқалгач, аёл болалари турган кўшни хонага ўтибди. Не кўз билан кўрсинки, гўдаги йўқ. Тўнғичидан сўрабди:

— Уканг қани?  
— Деразадан отиб юбордим.  
— Нима? Нима дединг?!  
— Йиғлайвергани учун деразадан отиб юбордим...

Аёл жон ҳолатда югуриб дераза олдига келиб, пастга қарабди. Олтинчи қаватдан бино олдидаги майдон қафтдек,

кўринарди. Аёл боласини кўрмабди. Ваҳм билан зиналардан отилиб пастга тушибди. Болакай йўқ. Ярим қаричгина чиқадиган майсазорни бирма-бир силаб, қидириб чиқибди, аммо жажжи фарзандини топа олмабди.

Яна чошиб уйига кўтарилибди. Тўнғичининг гапларига ишонмай, уйни ағдар-тўнтар

## ПЎПИСА

(бўлган воқеа)

қилиб ташлабди. Йўқ! Боласи ҳеч қаерда йўқ!

Ўзини тамоман унутган аёл яна пастга отилибди. Воқеадан хабар топган, тўртинчи қаватда яшовчи кўшни аёл ҳам унга қўшилибди. Лекин йўқ нарсани топиб бўлармиди. Шу чоқ аёл тепага қарабди-ю, чинқириб юборибди.

— Нима гап? Нима бўлди?  
— сўрабди кўшни.

— Қаранг, анави осилиб турган чойшаб сизникими?!

— Ҳа, нимаиди?

— Ичига нима солиб қўйибсиз?

— Ҳеч нарса. Уни ювиб, осиб қўйгандим. Вой, ичида нимадир қимирляптими?

— Болам!!!

Иккала хотин ҳам гап ни-мадалигини фаҳмлаб, югура кетишибди. Балконга ўтиб, эҳтиётлик билан чойшабни олишибди. Қандайдир мўъжиза туфайли чойшаб ичига тушиб қолган болакай нима гаплигидан беҳабар, хотиржамгина ётарди...

Кейин маълум бўлишича, аёл тўполон кўтарган боласига: «Жим ўтир, йўқса, деразадан отиб юбораман», — дея доим пўписа қиларкан. Бу эса тўнғич фарзандининг қулоғига қуйилиб қолган ва ҳадеб йиғлайверган укасини деразадан ташлаб юборган экан...

Эркин САТТОРОВ.

Газетамиз саҳифаларида реклама ёки эълон беришни истайсизми? Марҳамат!

Мурожаат учун телефон:

139-73-88

139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз:

urmvd@globalnet.uz



## ТАБИБ ВА БЕМОР

Абу Али ибн Сино ўзи даволаётган касалларга бундай дер экан:

— *Биз уч тарафмиз: мен (табиб), сен (бемор) ва у (касалик). Агар сен мен тарафга ўтиб олсанг, у енгиллади. Агар у тарафга ўтиб олсанг, иккаловингни енгишим қийин...*

\*\*\*

Кўни-қўшниси билмаган шифокорнинг эшигини қидириб топсанг ҳам орқанга қайтавер.

\*\*\*

Маломат киймини кийишдан кўра саломатлик либосини кийиш яхшироқдир.

## КРОССВОРД

**Энига:** 1. Билим маскани. 5. Нефтан олинадиган мой. 10. Куй, мусиқа. 11. Ҳарбий хизматчи. 12. Ўзбек халқ достони. 13. Орасталик моллари савдогари. 14. Жоду, сеҳр. 15. Ўқотар қурол. 18. Усмон Носир шеъри. 20. Тишли дурдгорлик асбоби. 23. Чопқир манзили. 24. Иждокор аёл. 25. Сўз, ибора. 26. Ипак мато. 27. Жанубий Осиёда тарқалган ўрқачли хўкиз. 30. Радиоактив элемент. 33. Реактив самолётлар конструктори. 35. Мутафаккир шоир, «Кимде ва Мудан» достони муаллифи. 36. Савдо дўконлари қатори. 37. Куй, мусиқа ҳомийларидан саналган юнон асотери қахрамони. 40. Қишлоқ хўжалигига асосланган тармоқ. 41. Чехия автомобили маркаси. 42. Толеи баланд. 43. Меваси доривор чалабуга.

**Бўйига:** 2. Ёзиб олинган товушни тиклаб, кучайтирувчи асбоб ёрдамида эшиттирувчи асбоб. 3. Доиравий шакл. 4. Чой нави. 5. Баҳо, қиймат. 6. Артиллерия снаряди. 7. Мусиқачи, созандалар гуруҳи, атамаси. 8. Хузур.

9. Цирк майдони. 16. Қишлоқ хўжалиги техникаси. 17. Ўзбек бастакори. 18. Само жисми. 19. Меҳнат қуроли. 21. Трубина қисми. 22. Уқинч. 28. Чақмоқ сўзининг китобий атамаси. 29. Кимёвий элемент. 30. Висол. 31. Ибботсиз ҳақиқат. 32. Намуна. 34. Одим. 38. Пойафзал ишлаб чиқариш ашёси. 39. Шафқат, марҳамат.

### КРИПТОГРАММА.

**Очқич сўзлар:** 1. Вақт ўлчови бирлиги — 17,4,18.

2. Отда эгар силжисмаслиги учун қўлланиладиган қайиш — 13,14,15,12,13,21,2.

3. Хорижга товар чиқаришни давлат томонидан тақиқлаб қўйилиши — 19,5,6,1,3,9,21.

4. Спорт иншооти — 10,11,1,20,4,21,2.

5. Инсоннинг идрок этиш қобилияти, фаҳм — 8,7,16,2.

**Энди очқич жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларда яширинган криптограммани ечинг. Бунда улардан ўзбек шоираси Анбар Отин ёзиб қолдирган икки мисра ҳикматни билиб оласиз.**

→	21	20	1	5	19	3	10	1	2	9	11	1	12		
6	1	2		3	4	5	6	7					13		
7	8												9	4	
8	10									11					
				12										10	
1	13													14	
18				15	16	17								3	
17	18	19							20	21	22			1	
1					23									11	
	24									25				9	
1					26									1	
12	27	28		29					30	31					
4	32			33										34	6
5	35									36					7
1				37	38	39									3
16	40									41					5
															1
4		42							43						
2	9	2	4	11	3	15		1	2	21		6	7	8	

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

### Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмунли ва ранг-баранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш ниятида-миз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга қўнғироқ қилинг!



Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Соат 9.00дан 21.00гача

### О'ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Bosh muharrir  
Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinbosari  
Murod TILLAYEV  
Mas'ul kotib v.b. Erkin SATTOROV

Navbatchi: Azizjon Fayziyev  
Sahifalovchilar: Zokir Boltayev  
Nikita Slavgorodskiy  
Matn ko'chiruvchi: Gulnora Sodiqova

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Kelgusi sonda uchrashguncha xayr!

MANZILIMIZ:  
700029, Toshkent,  
Yunus Rajabiy  
ko'chasi, 1

TELEFONLAR:  
Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60;  
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51  
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami  
2021000700447980001, MFO  
00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik  
investitsiyaviy tijorat bankining  
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-  
matbaa ijodiy uyi  
bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonada manzili: Alisher  
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot Agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma J-2040. Bosilish - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma taboq. 55876 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirishi - 23.00. © - Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.